


Рабиндранат Тагор



ДОНИШМАНД РОЖА

Тарихий роман

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
„Ёш гвардия“ нашриёти

Тошкент — 1979

**Тагор Рабиндранат.**

Донишманд рожа. Тарихий роман. Русчадан Т. Жалолов таржимаси. Т. «Ёш гвардия», 1979. 136 б.

**Тагор Р. Раджа-мудрец. Роман.**

И (Инд)

**Русчадан ТҮХТАСИН ЖАЛОЛОВ таржимаси**

T — 70304 — №31  
356(06) — 79 71—79

© „Ёш гвардия“ изарёни, 1979



## БИРИНЧИ БОБ

Олампаноҳ-Она<sup>1</sup> ибодатхонасининг тош зиналари тўғри Гомоти дарёсига олиб боради. Ёз кунларининг бирида, илк саҳарда, муқаддас сувда таҳорат қилиш учун бу ерга ўз аъёнлари рафоқатида Трипур рожаси Гобиндо Маникко ва унинг укаси Ноккхотро Рай келиб қолишиди. Худди шу вақтда кимнингдир қизчаси укаси билан дарё бўйида юришган экан.

— Сен кимсан? — сўради қизча рожанинг этагидан тортиб.

— Сенинг ўғлингман, она.

— Ундей бўлса, менга ҳадя учун гул териб бер.

<sup>1</sup> О л а м п а н о ҳ - О н а — Кали маъбудасининг увони.

**Аъёнлар ҳаяжонга келишиди.**

— Сиз овора бўлиб нима қиласиз, улуғ рожа? Ҳовир ўзимиз олиб келамиз.

— Йўқ, йўқ. Бу хизмат менга буюрилган экан, ўзим бориб теришим керак.

Тонгдай гўзал қизча рожанинг қўлидан ушлади, улар ибодатхонага туташган гулзорга киришди. Қизалоқнинг оқ жасминдай нозик, ёқимтой чеҳрасидан аллақандай майин хушбўйлик тараалаётгандай эди. Бола опасининг кийимиға ёпишиб, унинг ёнида — яқинида бўлишга тиришар, аммо рожадан ийманарди. Умуман бола учун бу ерда опасидан бошқа ҳамма бегона эди.

— Отинг нима, она? — қизчадан сўради Гобиндо Маникко.

Унинг номи Хаши эди, бу табассум демак.

— Сенинг отинг-чи? — боладан сўради рожа.

Бола сас-садосиз шаҳло кўзлари билан опасига қарди. Хаши меҳрибонлик билан унинг елкасини ушлаб:

— Қани, айт: «Менинг отим Тата» дегин.

Бола кичкина оғзини сал очиб, акс-садодай такрорлади:

— Менинг отим Тата.

Шу гапни айтиб, бола опасининг этагига маҳкамроқ ёпишиб олди.

— У жуда кичик-да, — рожага тушунтира кетди Хаши, — шунинг учун ҳамма унинг номини айтмай, Тата деб чақиришади.

Қизча укасига ўгирилди.

— Қани, «ибодатхона» де-чи.

— Инобатхона, — деди бола.

Хаши кулиб юборди.

— Тата ҳеч ибодатхона дёймайди, у «инобатхона» дейди. Қани, энди «нўхат» деб кўр-чи.

— Ноҳут, — жиддий жавоб берди бола.

Хаши яна хандон уриб кулди ва болани қўлига олиб, уни ўпа бошлади. Опаси нима учун кулгани, нима учун уни эркалаётганини тушунмай, бола шаҳло кўзларини катта очиб, унга анқайиб қолди. Тата чиндан ҳам «ибодатхона» ва «нўхат» сўзларини нотўғри талаффуз этди. Унинг ёшида Хаши муғамбирроқ эди — у ҳеч қачон ибодатхона сўзини «инобатхона»

демай, оддийгина қилиб «баланд уй» дерди. Нўхатни нима деб атаганини билмайман-у, аммо чиғаноқни «чинаноқ» деб юргани эсимда. Бироқ, ҳозир катта бўлиб қолгани сабабли укасининг сўзларни бузиб талафуз этиши унга жудаям қизиқ туюларди.

Кейин Хаши Тата ҳақида ҳар хил қизиқ воқеаларни гапириб кетди. Бир куни уларга кўрпага ўраниб олган чол йўлиқибди. Тата, бу айиқ, дебди. Мана у қандай тентак! Яна бир куни у дарахтдаги меваларни кўриб, қуш деб ўйлабди-да, уларни ҳуркитмоқчи бўлиб дўмбоқ қўллари билан чапак чалибди.

Умуман Хаши кўп мисоллар билан Татанинг ўзига нисбатан жуда кичик эканини яхши исбот қилди. Та-та опасини бамайлихотир эшитди, ўзи тушунган сўзларда хафа бўларли бир нима кўрмади. Ўша куни эрталаб, мана шундай вазиятда, ҳадя учун гул терилган эди. Рожа уларни қизчанинг сариси четига тўкиб, маъбудага сажда қилгандай бўлди. Икки содда кўнгилнинг маъсумлигидан ҳузур қилиб, беғубор қалб хоҳишини бажо келтириб, у ўзини гёё тангрига тааллуқдор — худога яқиндай ҳис этди.

## И К К И Н Ч И Б О Б

Шундан бери Гобиндо Маникко ҳар кун опа-укани албатта кўриши зарур бўлиб қолди, йўқса, уйқуси қочиб, қуёш кўтарила ҳам рожа учун тонг отган ҳисобланмасди. Рожа ҳар куни болаларга гул териб бергандан кейингина сув бўйига бораради. Опа-ука зинада ўтириб олиб, рожанинг таҳорат олишини томоша қиласдилар. Болалар келмай қолган кунлар ҳам бўларди. Бундай пайтларда кун бўйи рожага нимадир етишмагандай туюлар, бу ҳиссиёт ҳатто кечки ибодат асноси ҳам уни тарк этмасди.

Хаши ва Тата жуда эрта етим қолиши. Уларнинг Кедарешшор номли тоғалари бор эди, холос. Болалар унинг ҳаётдаги ягона қувончи, бирдан-бир давлати эдилар.

Орадан бир йил ўтди. Тата ибодатхона сўзини тўғри талаффуз этадиган бўлди, аммо нўхатни ҳамон «нохут» деб айтарди. Бола ўзи унча сергап бўлмаса-да, бирор гапирса, эшитиб тўймасди. У кўпинча Гомоти қирғогида дарахт соясида ўтириб, опаси айтиб берган

воқеаларни бажонидил тингларди. Бу воқеаларнинг на боши, на охири бўларди. Хашининг ҳикоясидан унга англарди-ю, улар бола қалбида қандай хаёл ва ҳис уйғотгани фақат худога маълум. Тата болалар би-жон ўйнамай, соядек опасининг кетидан эргашиб юрарди.

...Ашарх ойи эди<sup>1</sup>. Эрталабдан осмонни қуюқ булут қоплаб олди. Ёмғир муқаррар бўлиб қолди. Совуқ шамол увоқ ўлкалардан кўз илғамас нам олиб келди. Қорайган осмон Гомоти сатҳига, унинг икки қирғогида ўсган дараҳтларга соя солди. Кечаки янги ой чиқиб, одамлар маъбуда Қали шарафига ибодат қилишиди.

Одатдаги соатда рожа Хаши ва Татани қўлидан ушхаб, таҳорат олгани келди. Ибодатхонанинг кенг оқниналаридан сувга қон оқиб бораради: кечаси бу ерда йир юзу бир буқани қурбонликка сўйишганди.

Хапи қўрқиб орқага ташланди.

— Бу доғлар нимадан? — сўради у рожадан.

— Қондан, она!

— Бунча қон нима учун?!

Қизчанинг овози қайғу билан тўла эди. Унинг саволи минг овоз билан рожанинг юрагида акс-садо берди. У сапчиб тушди. Рожа узоқ вактлардан бери ҳар йили қон оққанини кўрса ҳам, аммо унинг сабаби дақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эди. Лекин ҳозир жичкина қизчанинг саволи нима учундир унинг юрагига ғулғула солди. У Хашига ҳеч қандай жавоб бермади; паришонлик билан таҳорат олиб, фикран ўзини қийнаган саволга қайтарди: «Бунча қон нима учун?!»

Хаши сарисининг учини сувда ҳўллади-да, зинада ўтириб олиб, секин қон доғларини арта бошлади. Укаси ҳам дарров опасига тақлид қилди. Хаши сарисининг уни қондан қизарди, лекин зинада бирорта ҳам қизил доғ қолмади.

Уша куни Хашининг иситмаси кўтарилиди. Тата опасининг ёнидан бир қадам жилмади.

— Опа! — деб чақираварди у аҳён-аҳёнда жажжи панжалари билан опасининг юмуқ кўзларини очишга уришиб. У чўчиб уйғонар ва укасини ёнига тортиб сўрар-

<sup>1</sup> Ашарх — янги бенгал календарининг тўртинчи ойи; биздаги июнь—июлга тўғри келади.

ди: «Нима, Тата?» Бироқ, сал ўтмай унинг кўзлари яна юмилар эди. Тата опаси тепасига энганиш, унга жим ва узоқ термилиб қолди, сўнгра қўлини бўйнидан ўтказиб сўради:

— Опа, сен энди турмайсанми?

Хаши чўчиб уйғонди ва укасини ёнига тортиб:

— Вой тентаг-эй, нега турмас эканман? — деди.

Аммо туришга унинг мажоли етмасди.

Болагина зерикиб, юраги эзиларди. Уни опаси билан ўйнагуси, шўхлик қилгуси келарди, лекин ҳозир — бу бўлмағур хаёл эди.

Осмон тобора қорайиб бораарди. Ёмғир томни тўхтовсиз савалаб, ундан оқиб тушган сув ҳовлида ўсан тамариндни юварди. Ниҳоят табиб пайдо бўлди. Уни Кедарешшор олиб келди. Табиб касални кўрди-ю, тасалли берарли бирор сўз демади.

Эртасига рожа одатдаги вақтда дарё бўйига келиб, опа-укани кўрмагач, улар ёмғирда чиқишишмаган, деб ўйлади. Таҳорат олиб, аждодлар руҳига дуюи фотиҳа қилгандан сўнг, рожа тахтиравонга ўтириб, хизматкорларга, Кедарешшорнинг уйига олиб боринглар, деб амр этди. Яқинлари таажжубда қолишиди, аммо эътироз этишга ҳеч ким жасорат қилмади. Рожанинг тахтиравонини Кедарешшор ҳовлисига олиб киришлари билан уй тўс-тўполон бўлиб кетди, ҳай-ҳуйт билан бўлиб, ҳамма беҳуш ётган қизчани унутди. Фақат Тата ўтирган жойидан жилмади. У опасидан кўз узмай, унинг сариси этагини оғзига солиб, ҳамон хомуш ўтиради. Рожа хонага кирди.

— Бунга нима бўлди? — сўради Тата.

Саросимага тушган рожа нима деб жавоб беришини билмади.

— Опажоним касал бўлиб қолдими? — тиниб-тиничимади бола.

— Ҳа, касал,— андак зарда билан жавоб берди Кедарешшор.

Тата опасини ачомлаб, уни турғизишга уринди.

— Опа, қаеринг оғрийди?

Тата, оғриган жойига пуллаб қўйса ёки шу ерни ишқалаб қўйса, оғриқ дарров йўқолади, деб ишонарди. Бироқ, опаси қаери оғриганини айтмади. Боланинг сабри тугади, лаблари қалтираб, аламидан йиғлаб юборди. Кечадан бери опасининг ёнида ўтиrsa-ю, у

бирор оғиз гапирмаса-я! Татанинг гуноҳи нима, нега опаси унга қайрилиб қарамайди?

Кедарешшорнинг жаҳли чиқди. Бу тирмизак рожанинг олдида ўзини шундай тутса-я? У зарда билан болани қўлидан тутиб нариги хонага чиқариб қўйди. Бироқ опа уканинг тарафини олмади.

Сарой табибини чақиртириб келишди. У ташвишманд бош чайқаб қўйди, холос.

Кечки пайт рожа яна келди. Хаша алаҳсираб турвуди.

— О, она, бунча қон нима учун?

— Мен шундай қиласманки, бундан кейин қон бўлмайди, она,— деди рожа.

Хаши беҳушона давом этди:

— Кел, Тата, бу қонни артиб қўямиз.

— Мен ҳам сизлар билан артаман,— жавоб берди рожа.

Оқшом чоғи қизча зўрға кўзини очиб, теваракка назар солди, у кимнидир қидирарди, лекин қидиргани кўринмагач, яна кўзларини юмди. Қайта кўз очмади. Яrim кечада Хаши рожанинг қўлида жон берди.

Хаши ёруғ дунёни тарк этган дақиқада, Тата йигидан чарчаб, бошқа хонада донг қотиб ухларди. Агар болагина бу воқеадан воқиф бўлса, кичик бир соядек опасига эргашиб у ҳам кетарди.

## УЧИНЧИ БОБ

Тантаналар залига тўпланган сарой аъёнлари орасида Олампаноҳ-Она ибодатхонасининг коҳини Рогхупоти ҳам бор эди. У муҳим иш билан рожа ҳузурига ташриф этган.

Трипур аҳолиси коҳинларни «чонтай» деб аташади. Олампаноҳ-Она шарафига икки ҳафта тантана қилгандан сўнг ҳар йили тун ярим кечадан ўтиши билан бу ерда ўн тўрт тангрига тоат-ибодат қилишади. Шу вақтда ҳеч кимга, ҳатто рожанинг ўзига ҳам икки кечаю бир кундуз давомида уйдан чиқиш ман этилади. Агар рожа бу қоидани бузса, чонтайга жарима тўлаши лозим. Айтишларича, ибодат вақтида қурбонликка одам ҳам сўйишар экан. Аммо бундан олдин қурбонликка аталган ҳайвонларни олиб келиш зарур. Бу подшоҳ хонадонининг совғаси бўлади. Рогхупотининг са-

ройга келишдан муроди ана шу қурбонликка аталган ҳайвонларни қабул қилиш эди. Байрамнинг яна ўн икки куни қолганди.

Бироқ, ҳеч бир кутимаганда рожа мана бундай деди:

— Бу кундан эътиборан мен қурбонлик қилишни ман этаман!

Ҳамманинг жон-пони чиқиб кетди. Рожанинг укаси Нокхотро Райнинг эса соchlари тиккайди.

— Ажабо, бу тушимми, ўнгимми?!— хитоб қилди Рогхупоти.

— Йўқ, тақсир, бу туш әмас,— жавоб берди рожа,— биз ҳозиргача чиндан ҳам ғафлат уйқусида эдик. Лекин бугун бу ғафлатдан уйғондик! Маъбуда Кали бир қизча сиймосида пайдо бўлиб, менга айтишларича, қурбонлик қони бу меҳрибон Онани ўнғайсиз аҳволга солар, даҳшатга келтирар экан.

— Бироқ, Она ҳозиргача қурбонликни қабул қилар эдилар-ку?— эътиroz этди Рогхупоти.

— Йўқ, қабул этмаганлар! Сиз унинг олдида қон тўкканда, у ўгирилиб турган.

— Махарожа!— хитоб этди чонтай.— Сиз давлат ишларидан огоҳсиз, бу борада ҳеч ким баҳс этмайди, лекин илоҳий ишларни идрок этмайсиз. Агар маъбуда бирор нимадан норози бўлса, биринчи бўлиб мен билишим керак.

Нокхотро Рай оқиллар қиёфасида бош иргаб қўйди.

— Ҳа, ҳа, ўз-ўзидан маълум! Агар маъбуда бирор нимадан норози бўлсалар биринчи бўлиб тақсирим билишлари керак.

— Тошюраклар самовий садоларни эшитишмайди,— деди рожа.

Шаҳзода руҳонийга қараб қўйди. Нокхотро Райнинг қарашида, бунақа гапларни жавобсиз қолдириш мумкин эмас, деган маъно англашиларди.

— Махарожа,— зардаси қайнаб гапирди Рогхупоти,— сиз шаккоклар, даҳрийлар сингари муҳокама юритяпсиз!

— Ҳа, ҳа, даҳрийлар сингари,— шошилиб, лекин жуда паст овозда такрорлади Нокхотро Рай.

Гобиндо Маникко чонтайнинг қизарган юзига кўз қадаб қолди.

— Тақсир, сиз бу ёрда бекорга вакт ўтказяпсиз. Ибодатхонада эса иш сизга мунтазир, яхшиси ўша ерга боринг. Йўл-йўлакай одамларга эълон қилинг: бундан-буён кимки худога жонли нарсани қурбон қилса, ўша одам менинг салтанатимдан бадарға қилинади.

Рогхупотининг аъзойи бадани қалтираб кетди. У ўрнидан туриб, брахманлик ришмасини ушлади-да:

— Парвардигор бошингга фалокат ёғдирсин! — дея дуойи бад қилди.

Сарой аъёнлари қий-чув кўтариб, чонтайга ташландилар. Рожа ишора қилиб уларни тўхтатди. Ҳаммалири орқага тисарилиши.

— Сен, рожа,— давом этди Рогхупоти,— агар истасанг фуқароларингни бор бисотини тортиб олишинг мумкин. Лекин Олампаноҳ-Онага аталган хайр-худойини тўхтатиш қўлингдан келмайди. Сенинг қудратинг нимага етади? Мен, Рогхупоти, Она хизматида бўларкан, сен бу муқаддас таомилга монеълик қилолмайсан!

Сарой маросимлари вазирига Гобиндо Маникконинг хулқи жуда ҳам аён эди. У рожани раъйидан қайта-риш нечоғлиқ мушкул эканини билса ҳам, уни қайта-ришга уриниб кўрди.

— Махарожа,— қўрқа-писа гап бошлиди вазир,— сизнинг бобо калонларингиз мудом Олампаноҳга қурбонлик қилиб келганлар — бу таомил бирор марта бузилмаганди.

Вазир, рожа нима дер экан, деб хомуш кутиб турди. Аммо у ҳеч қандай жавоб бермагач, ўзи давом этди:

— Бу русум бир неча ўн йиллар муқаддам сизнинг аждодларингиз тарафидан жорий қилинган эди, буни ман қилиш — жаннатда уларнинг осудалигини бузиш демак.

Гобиндо Маникко ўйлаб қолди. Ноккхотро Рай бўлса, донишмандона тасдиқлаб гапирди:

— Ҳа, ҳа, бу жаннатда уларнинг осудалигини бузиш демакдир.

— Махарожа,— деди вазир,— амр этинг, минг бош қурбонлик ўрнига юзта олиб келишсин.

Сарой аъёнлари ҳали ҳам ўзларига келолмагандилар. Гобиндо Маникко ўйга ботиб ўтиради. Қоҳин теззик билан эшик томон йўл олди.

Шу пайт, соқчилар сезмаган шекилли, залга кички-

на, яп-яланғоч бир бола чопиб кирди. У залнинг ўртасида тўхтаб, шаҳло кўзларини рожага қадаб қолди.

— Опам қани?

Ҳамма донг қотиб қолди. Боланинг товуши фақат деворлардан акс-садо берди.

Рожа тахтдан тушиб, болани қўлига олди ва қатъият билан эълон қилди:

— Бугундан эътиборан менинг давлатим доирасида қурбонлик қилиш ман этилади. Бу бизнинг охирги сўзимиз.

— Эшитдим, амал қиламан!

— Опам қаерда? — яна қичқирди Тата.

— Онамиз ҳузурида.

Тата жимгина панжасини оғзига тиқиб, опаси қаерда эканини билишга тиришарди.

Рожа болани саройда олиб қолди. Кейинча Кедарешшор ҳам саройга кўчиб келди.

Сарой аъёнларининг ғазаби ортиб борарди.

— Давлатимиз таҳлика остида! — дейишарди улар. — Майли, бирмаликлар буддага қурбонлик қилишмаса, қилмай қўя қолишин, лекин нима учун биз бу қоидани Ҳиндистонда жорий қилишимиз керак?

Ўз-ўзидан маълумки, Ноккхотро Рай улар билан тамомила ҳамфикр эди.

— Ҳа, ҳа... нима учун?..

Сарой аъёнлари бир оғиздан, мамлакатимиз ҳалоқат сари боряпти, деган эътиқодга келишди. Рост-да, ҳиндлар бирмаликлардан фарқ қилмагач, буёгини гапириш не ҳожат?

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Оlampanoҳ-Она ибодатхонасининг руҳонийси Жай Сингх разжпут, кшатрий тоифасига мансуб<sup>1</sup>. Отаси Сучет Сингх Трипур рожасининг сарой аъёнларидан бўлиб, у вафот этганда ўғли Жай Сингх кичкина бола эди. Рожа болани ибодатхонага топширди. Рогхупоти болани тарбиялаб катта қилди, ўқитди. Жай Сингх учун ибодатхона ўз уйидай бўлиб қолди. Бу ердаги

<sup>1</sup> Р а ж п у т л а р — марказий Ҳиндистондаги разжпутани вилюти аҳолиси, ҳарбий заминдорлар кастасининг иоми.

ҳар бир зина, ҳар бир тош унга таниш эди. Жай Сингх онасини эслолмасди, ўз онаси аллақачон вафот этгани сабабли Олампаноҳ-Она ҳайкалини онам деб юрарди. У кўпинча маъбуда қаршисида ўтириб, у билан суҳбатлашар, бундай онларда ўзини танҳо ҳис этмасди. Унинг дўстлари ҳам бор эди: ибодатхона боғидаги кўп дарахтларни у ўз қўли билан ўстирди. Улар кун сайин бўй чўзиб борар, печакгул ўралиб, жингалак бўлар, шохлар гулга бурканар, соя қуюқлашарди. Янги шохлар майин барг чиқариб, яшил чодирлар ҳосил этар, сал шамол турдими, ёш — бебош япроқлар рақсга тушарди... бироқ, Жай Сингхнинг боқقا бўлган меҳри камдан-кам одамга маълум эди. Бу йигит фавқулодда кучи ва қўрқмаслиги билан шуҳрат топганди.

Жай Сингх ибодатхонадаги ишларини саранжомлаб бўлди-ю, ўз ҳужраси олдида ўтириб, яшиллик оламига маҳлиё бўлди. Кун кечга қараб оқсан, осмонни булат қоплаган. Жай Сингх ўстирган дарахтлар ниҳоят жала дийдорини кўриб, унинг томчилари билан рақсга тушмоқда. Ҳар бир япроқда байрам, катта томчиларнинг бир маромда япроқларга тушиб туриши рақс мақомини белгилаб, тобора авж олиб бормоқда. Юзлаб ариқчалардан шариллаганча лойқа сув дарёга қараб оқиб боради. Жай Сингхнинг юраги қувончга тўлиб-тошди, яшиллик салтанати уни мафтун этганди. Атрофни ўраб олган нимқоронғилик, барқ урган зумрад япроқлар латофати, узоқда қора девордай қад кўтарган ўрмон, бақаларнинг вақирлаши, жаланинг тинимсиз шовиллаши — хуллас ёмғирда ювилган тоза табиатнинг бу зеболик тантанаси ёш руҳоний юрагини юмшатиб, завқ-шавққа тўлдирди.

Бирдан ҳаммаёғи жиққа ҳўл бўлиб, Рогхупоти келиб қолди. Жай Сингх сапчиб туриб, ичкарига кирдида, бир зумда қуруқ лиbos ва қўл-оёқларни ювиш учун сув олиб келди.

— Буларни келтиришни ким буюрди сенга?

Рогхупоти жаҳл билан кийимларни ерга иргитди. Жай Сингх унинг оёқларини ювишга ҳозирланганда, оёғи билан кўзани туртиб юборди.

— Сувинг билан даф бўл!

Ҳанг-манг бўлиб қолган Жай Сингх нима учун унга бундай муомала қилинаётганини тушунолмади. У кийимларни ердан йиғиштириб олиб, жойига элтиб

қўймоқчи бўлганда, Рогхупоти қўполлик билан унинг қўлидан тортди:

— Қўл теккизма, қўй, тураверсин.

Брахман ўзи қайта кийиниб, ўзи оёқларини ювди.

— Мен нима гуноҳ қилдим, тақсир? — секин сўради Жай Сингх.

— Нима, мен сенга гуноҳ қилдинг, дедимми?

Йигит жим қолди. У довдираб қолган, ранжиган эди.

Рогхупоти ҳаяжонланиб, эшик олдида уёқдан-буёқка юра бошлади. Вақт алламаҳал бўлди. Ёмғир тўхтамади. Ниҳоят Рогхупоти Жай Сингхнинг елкасига қўлини қўйиб, мулойим гапирди:

— Кеч бўлди, ўғлим, бориб ухла.

Рогхупотининг мулойим овози Жай Сингхнинг кўнглини юмшатди.

— Аввал тақсирим ётсинглар.

— Менинг ҳали ётгим йўқ... бугун сенга қўполлик қилдим, ўғлим. Ранжима. Кўнглим жуда ғаш. Эрталаб ҳаммасини айтиб бераман, ҳозир бориб ухла.

— Хўп, тақсир.

Жай Сингх эрталаб келиб устозига таъзим қилди.

— Биз Онамизга бундан сўнг қурбонлик қилмаймиз, Жай Сингх.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, тақсир! — хитоб қилди ҳангуманг бўлган йигит.

— Рожанинг фармони шундай.

— Қайси рожанинг?

— Бизда у битта эмасми? — Рогхупоти ўзини тутолмай қолди.— Албатта, маҳарожа Гобиндо Маникко-да. У тирик маҳлуқнинг қонини тўкишни ман этди.

— Одам қониними?

— Сенга гап уқтириш учун қанақа бардош кераг-а! Мен тирик маҳлуқ десам — сен одамми деб сўрайсан.

— Демак қурбонликнинг ҳамма хили ман этилади?

— Ҳаммаси.

— Маҳарожа Гобиндо Маникконинг ўзи шундай фармон бердими?

— Ҳа, ҳа, ўзи. Бир гапни исча мартаба такрорлаш керак?

Жай Сингх хомуш бўлиб, дилида бир неча бор тақ-

порлади: «Махарожа Гобиндо Маникко, махарожа Гобиндо Маникко...»

Жай Сингх жуда ёш чогидан бери рожани худо деб биларди. Худди ёш бола осмондаги ойга интилгандек, бунда ҳам рожага қизиқиш зўр эди. Гобиндо Маникконинг осуда, нуроний чеҳраси уни мудом мафтуни этарди. Махарожа учун Жай Сингх, ўйлаб ўтирмай, жонини беришга тайёр эди...

— Бунга сирайм йўл қўйиб бўлмайди! — жимликни бузди Рогхупоти.

— Ҳа, ҳа, албатта. Мен махарожанинг ҳузурига бориб, бу фикрдан қайтишларини илтижо этаман.

— Беҳуда тараддуд.

— Бўлмаса нима қилиш керак?

Рогхупоти ўйланиб қолди:

— Эртага эрталаб сен шаҳзода Ноккхотро Рай олдига бориб, у билан махфий учрашиш ниятида эканимни айтасан.

## БЕШИНЧИ БОБ

Орадан бир кун ўтгач, эрталаб Ноккхотро Рай Рогхупоти ҳузурига келди.

— Менга қандай фармон беришни истайдилар, тақсирим? — таъзим этиб сўради у.

— Сенга Олампаноҳ-Она фармон бўрмоқчилар. Аввал Онага сажда қил.

Улар Жай Сингх билан биргалашиб ибодатхонзага киришди. Ноккхотро Рай маъбуда ҳайкали олдида бўш эгиб, жим қолди.

— Шаҳзода, — авраб кетди Рогхупоти, — сен рожа бўласан:

— Мен — рожа? — кулиб юборди Ноккхотро Рай. — Тақсирим нима хусусда гапираётганларини мен яхши тушунолмадим.

— Сен рожа бўласан деяпман.

— Мен рожа бўламан?

Ноккхотро Рай қоҳинга қараб қўйди.

— Сенингча мен ёлғон гапиряпманми?

— Ёлғон? Йўғ-э! Айтгандай, тушимнинг таъбирини айтиб беринг, тақсир, бугун тушимда қурбақа кўрибман. Бу тушнинг таъбири нима бўлади?

— У ўзи қанақа экан, — кулгисини тутиб сўради Рогхупоти, — бошида холи йўқмиди?

— Бор әди, албатта,— ғуур биран жавоб берди Ноккхотро Рай.— Холсиз бақа бўладими?

— Жуда соз! Демак сен пешонангда салтанат нишонини тақиб юрасан.

— Мен... салтанат нишонасини? Сиз менга, сен салтанат нишонасини тақиб юрасан, деяпсизми?! Борди-ю бундай бўлмаса-чи?

— Менинг кароматимга шак келтирасанми? Эсингни йигиб ол!

— Йўқ, мен бу ҳақда эмас. Мен шунчаки сўраяпман-да, борди-ю, бирор ҳодиса рўй бериб...

— Йўқ, ҳеч нарса рўй бермайди!

— Ҳеч нарса рўй бермайди?.. Сиз, ҳеч нарса рўй Сермайди, деяпсизми?.. Ундаи бўлса, биласизми, тақсир, мен рожа бўлишим билан дарҳол сизни вазирлик лавозимига кўтараман!

— Буни менга ҳеч ҳожати йўқ.

— Бўпти, ундаи бўлса, яхшиси, Жай Сингхни вазир қилиб оламан.

— Бу ҳақда кейин гаплашамиз,— гапни бўлди Рогхупоти,— ҳозир эса, қулоқ солиб, рожа бўлгунингча қиладиган ишларни билиб ол. Сенга очиғини айтаман: Олампаноҳ-Она менинг тушимга кирибди. У шоҳона қон талаб қиляпти.

— Тушингизга кирибди... Шоҳона қон талаб қиляпти... нима бўпти! Жуда соз!

— Унга Гобиндо Маникконинг қони керак ёкан, буни сен олиб келишинг лозим.

Ҳайратдан Ноккхотро Райнинг ҳатто оғзи очилиб қолди. Буниси унга унчалик соз туюлмади.

— Нима, бирдан биродарлик ҳисси ҳаракатга келдими?— зарда билан сўради Рогхупоти.

— Ҳа, ҳа,— зўр-зўраки иржайди Ноккхотро Рай.— Бу ростдан ҳам биродарлик ҳисси. Тақсирим жуда тўғри гапирдилар: биродарлик ҳисси.

Бу биродарлик ҳиссими — марҳамат қилиб бир ўйлаб кўринг-чи! Бундан бемаъни, бундан кулгили бир нарсани ўйлаб топиш қийин. Аммо, худога аён, Ноккхотро Райнинг юрагида чиндан ҳам акасига нисбатан муҳаббат ҳисси ҳаракатга келди ва уни ҳазил-мазах билан йўққа чиқариш осон эмасди.

— Қани, такрорла-чи, нима қилишинг керак,— фармон оҳангига деди Рогхупоти.

— Мен нима қилишим керак экан?

— Диққат билан қулоқ сол. Сен Олампаноҳ-Она оёқлари остига Гобиндо Маникконинг қонини олиб келиб тўкишинг зарур.

— Олампаноҳ-Она оёқларига Гобиндо Маникко қонини олиб келишим керак,— беихтиёр, дуо ўқигандай такрорлади Ноккхотро Рай.

— Эҳ, сендан бирор иш чиқиши амри маҳол,— чуқур нафрат билан гапирди коҳин.

— Нечун, тақсир? Мендан нимаики талаб қилинса барини бажо келтираман. Сизнинг хоҳишингиз шуми?

— Ҳа!

— Қандай фармон берадилар?

Рогхупоти ёрилиб кетгундай бўлди.

— Олампаноҳга шоҳона қон керак! Тушундингми? Гобиндо Маникконинг қонини сен олиб келасан ва шу билан унинг хоҳишини бажарган бўласан. Менинг фармоним мана шу.

— Мен шу бугуноқ бу ишни бажаришни Фотиҳонга топшираман.

— Бу сирайм мумкин эмас. Ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Сенга фақат Жай Сингх ёрдам беради. Эртага эрталаб кел, нима ва қандай қилиш кераклигини ўзим тушунтириб бераман!

Рогхупотининг олдидан чиқиб, Ноккхотро Рай ўзини жуда енгил ҳис этди. У иложи борича тез юриб сарой томон кетди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Ноккхотро Рай узоқлашиб, оёқ товуши тингандан сўнг Жай Сингх Рогхупотига мурожаат қилди:

— О устоз, бундан даҳшатлироқ нарсани мен ҳеч қачон эшитмаганман. Олампаноҳ-Она ҳузурида сиз биродаркушликка амр этдингиз-а!

— Қани, айт-чи, яна қандай восита бор?

— Восита? Нима учун?

— Ўғлим, сен Ноккхотро Райга ўхшаб боряпсан. Мендан қандай даҳшатли нарсани эшитдинг?

— Сиз айтган гапларни ҳатто эшитиш ҳам гуноҳ!

— Гуноҳ? Гуноҳ нимаю савоб нима экани ҳақида гапириш сенга қолдими?

— Ахир сиз менинг устозимсиз, менга сиз таълим бергансиз, бас, нечун бу ҳақда гапиролмас эканман?

— Яхши, ўғлим, ундан бўлса, сенга яна бир сабоқ бераман: гуноҳ деганлари — йўқ гап. Агар одам ўлдириш гуноҳ бўлса, кимни ўлдирма, бари бир гуноҳкор бўласан. Демак, бу маънода ота, ака ва бошқа бировнинг ҳеч фарқи йўқ. Бироқ, бировни жондан жудо қилиш — гуноҳ деб ким айтган? Ахир бу доимий, узлуксиз бўлиб турадиган жараён-ку. Одамлар турлича ўлишади: бировнинг бошига тош тушади, бошқаси тошқин вақтида ғарқ бўлиб кетади, учинчиси юқумли касалдан кўз юмади, тўртингиси пичоқ зарбидан ҳалок бўлади. Биз ўзимиз ҳар куни қанчадан-қанча чумолини поймол қиласиз, ўзинг ўйлаб кўр, бир жондор сифатида бизнинг улардан нима фарқимиз бор? Лекин бу майда қурт-қумурсқанинг яшали ва ўлиши шунчаки бир ўйиндан бошқа нарса әмас, уларнинг ҳаёт-мамоти ҳар нарсага қодир Олампаноҳнинг иродаси ва марҳаматига боғлиқ. Ҳар кун, ҳар соатда неча миллионлаб жонзор бешафқат маъбуданинг қурбони бўлади. Бутун оламдан унинг тўлмас жомига қон оқиб келади. Унинг мендан олмоқчи бўлгани дарёдан бир томчи. Вақт-соати етиб, Олампаноҳ ўз қурбонини чақиради, мен эса шунчаки бир воситачиман, холос.

Жай Сингх ҳайкалга қараб ўгирилди.

— Нахотки сени шунинг учун Она мақомига кўтаришган бўлса? Сен — тош маҳлуқсан! Сенга бу узун, қалтироқ, очкўз тил нима учун керак? Бутун дунёнинг қонини сўриб, қорнингни тўлдириш учунми? Нахотки шафқат, муҳаббат, самимилик, гўзаллик, диёнат — булар бари ёлғон бўлиб, фақат сенинг қонмас ташналигинг ҳақиқат бўлса? Сенинг қорнингни тўлдириш учун одам фарзанди ўз яқинининг бўйнига пичоқ солиши, ука акани ўлдириб, ота боласига душманлик қилиши керак экан-да! О, қандай тош юраксан-а! Борди-ю бу чиндан ҳам сенинг ироданг бўлса, нима учун булутлар қонли ёмғир қуймайди, нега сокин, дилкаш дарёлар қонли денгизга қўшилиш учун қип-қизариб оқмайди? Тилга келиб, бу фикрлар бари ёлғон десанг-чи, эй Она! Мен ўз Онамни, болалари қонига ташна қонхўр маҳлуқ, дейишларига бардош боролмайман.

Жай Сингхнинг юзларидан шашқатор ёш оқиб кетди. У ўз айтганларини қайта-қайта эсга олди. Агар Рог-

хупоти унга бу янги сабоқни бермаганды, йигитнинг бошига ҳеч қачон бунақа фикрлар келмаган бўларди. Жай Сингхда ҳеч қачон бундай ҳолат рўй бермаганди, бироқ у ўзига келмай туриб, ярани янгилагандай, ружоний яна гап бошлади.

— Ундаи бўлса,— кулимсиради Рогхупоти,— муқаддас одатларни өслашнинг ҳам ҳожати йўқ.

Болалигидан қурбонликларга ўрганиб кетган Жай Сингхнинг бу одатни йўқотиш кераклиги ҳақидаги гапларга тобу тоқати йўқ эди. Бу борадаги гапларгина әмас, бу хусусдаги хаёл ҳам унга озор берарди. Бинобарин, Жай Сингх устозининг луқмасига бундай жавоб берди:

— Бу бутунлай бошқа гап. Қурбонликнинг ўз маъноси бор, у гуноҳ әмас. Бироқ уканинг акани ўлдириши?! Махарожа Гобиндо Маниккони... Сиздан ёлвориб сўрайман, тақсир, менга ҳақиқатни очиқ айтинг. Маъбуда тушингизга кириб, шоҳона қонга ташнаман, дегани ростми?

Рогхупоти бир оз жим қолиб, кейин жавоб берди:

— Нима, сенингча мен ёлғон гапирияпманми? Нажотки менга ишонмасанг?

— Тангрим устозимга бўлган эътиқодимни камайтирмасин! — хитоб этди Жай Сингх таъзим ҳолатида туриб.— Лекин Ноккхотро Рай ҳам шоҳ хонадонига мансуб-ку!

— Қачон тангри тушингга кирса — бу бир нишона, ишора, аломат, холос. Ўйғонгач, кўп нарсани ўзинг ўйлаб тагига етишинг керак. Аммо бир нарса шубҳасиз: Гобиндо Маникко маъбуданинг газабини келтириди, модемики маъбудага шоҳона қон керак бўлибди, махарожадан бўлак кимнинг ҳақида гап бўлиши мумкин?

— У ҳолда шоҳ қонини мен топиб келаман! Ноккхотро Райни гуноҳга қолдиришнинг ҳеч ҳожати йўқ.

— Маъбуданинг амрини бажо келтириш — гуноҳ әмас!

— Аксинча, кони савоб! Бу ишни, устоз, мен ўзим қиласман.

— Сенга очигини айтаман, ўғлим. Мен сени тарбиялаб ўстирдим. Сенга ўз ўғлимдан кўпроқ ғамхўрлик қилдим, сен ҳаётимдан ортиқсан. Сени йўқотиш мен учун тоқатдан ташқари азоб. Агар Ноккхотро Рай акасини ўлдириб, унинг тахтига чиқса, ҳеч ким оғиз оч-

майди, борди-ю, рожага Жай Сингх қўл кўтарса, мен ўғлимни қайта кўролмайман.

— Ота! Мендай нолойиқ ўғилга бўлган муҳаббатингиз туфайли сиз чумолига ҳам озор беролмайсиз. Бироқ бу муҳаббат туфайли гуноҳга ботгудай бўлсангиз, муҳаббатингиз менга қувонч келтирмайди ва бунинг оқибати хайрли бўлмайди.

— Хўп, хўп, биз бу масалага яна қайтамиз,— шошилиб гапирди Рогхупоти.— Эртага Ноккхотро Рай келади, шунда бирор фикрга келамиз.

Жай Сингх шоҳона қонни шахсан ўзи топиб келишга жазм этди, бундан муроди: Олампаноҳ-Она йўлигами; маънавий раҳнамоси ҳурмати учунми, нима учун бўлмасин, биродаркушликка йўл қўймаслик эди.

## Е Т Т И Н Ч И Б О Б

Жай Сингх тун бўйи кўз юммади. Устози билан сухбат асноси юрагига тушган уруғ ниш уриб, шоҳ чиқарди. Кўпинча ривожи ва ечилиши дастлаб бизга боғлиқ бир жараён, кейинча бизга бўйсунмайди, мустакил давом этади. Бизнинг тафаккуримизда ҳам айни ҳол рўй беради. Йигитнинг бошида қаттиқ шубҳа пайдо бўлиб, болалигидан шуурига сингиб кетган ишонч-имоннинг томирини кемириб борарди. Жай Сингх тобора маъюсланиб, изтироб чекарди.

Бу даҳшат унга ором бермай қўйди. Нега устоз бу кунгача Жай Сингх учун она саналган маъбуданинг астар-аврасини ағдариб ташлади, нега уни бешафқат қудрат деб атади? Қудратни қаноатлантириш ёки ғазаблантиришнинг маъниси нима? Қудратнинг кўзи борми, қулоги қаерда? Қудрат бамисоли улкан арава, у тарақлаганча олға бориб, минглаб гилдираклари билан оламни янчидан ўтади. У кимни олиб кетяптию кимни янчидан ўтапти; кўрадими? Ким унга миниб олиб, тантана қиляптию ким остида эзилиб фарёд чекяпти, биладими? Наҳотки бу баҳайбат араванинг бошқарувчиси бўлмаса? Нима учун мен ўзимни ҳаққа топширдим? Ибодат ва риёзатдан мурод нима эди? Наҳотки бундан мурод оламни безаб турган беёзиқ, ожиз жониворларни бешафқат қудратга қурбон қилишдан иборат бўлса? Нима учун? У ўз ишини ўзи қиладику. Очлик, ўлат, тошқин, ёнгин, зилзила, касаллик, қақу.

рилик — ҳаммаси унинг хизматида. Тубан одамлар дилидаги ҳасад, нафрат ҳам унинг хизматида эмасми? Бас, унга мен зарранинг нима ҳожати бор?

Эртасига эрталаб кун жуда очиқ бўлди. Офтоб шуъласи кеча ёққан жалада ювилиб, кишини куйдирмас, мулоиймгина иситар, эркаларди. Қуримаган томчилар кўтарилиб келаётган қуёш нурларида беҳисоб дурданалардек сочилиб ётиби. Шодлик шафағи афсонавий нилуфар сингари осмонда порлаб, водий, ўрмон ва дарёни ёритмоқда. Мана, турналар осмондаги камалакни кесиб ўтишди. Зумрад самоларда калхат парвоз қилиб юриби. Олмахонлар дараҳтларнинг остидан устига, устидан остига қараб чопмоқда. Буталар орасидан қуён эҳтиёт билан тумшуғини чиқарди-да, шу заҳоти гойиб бўлди. Ундан сўнг иккинчи, учинчиси. Баланд чўққиларга чиқиб олган тоғ эчкилари кўкатларни кирт-кирт чимдиги туриби, яйловда сигирлар ўтлаб юриби, узоқдан чўпон қўшиғи эшитилмоқда. Хотинлар кўзаларни сонларига босиб сувга кетишяпти; уларнинг этагидан тутиб болалар чопмоқда. Маъбуданинг оёқлари остига қўйиш учун бир чол гул териб юриби. Гомоти дарёси бўйига таҳорат олиш учун келган одамларнинг сон-саноғи йўқ. Оломоннинг фала-ғовури дарёнинг шовуллаб оқишига қўшилиб кетган. Жай Сингх ернинг эртанги қувноқ чеҳрасига узоқ қараб қолди, сўнгра чуқур хўрсиниб, ибодатхона остонасидан ўтиб кетди.

Ёш коҳин ҳайкалга ўгирилиб, ибодатдагидек қўл қовуштириди:

— Она, нима учун бугун бунчалар хафақон кўринасан? Наҳотки, бир кун қурбонлик қонини кўрмаганинг учун қовоқ солиб турган бўлсанг? Бизнинг қалбимизга бир назар сол, наҳотки сенга эътиқодимиз заррача камайган бўлса? Аммо бу сени қувонтирмайди! Сен беёзиқ қурбонлар қонига ташнасан! Тўғрисини айт, Она, сен бу оламдан диёнатли Гобиндо Маниккони олиб, иблис салтанатини ўрнатмоқчимисан? Наҳотки сенга, албатта, подшоҳ қони зарур бўлса? Сенинг оғзингдан жавоб эшитмай, мен подшоҳқушликка асло йўл қўймайман, бор кучим билан бунга қаршилик кўрсатаман. Қани, жавоб бер-чи, шундайми?

Бирдан одамсиз ибодатхонани гувиллатиб:

— Шундай! — деган садо чиқди.

Жай Сингх сапчиб, орқага ўгирилди: ҳеч ким йўқ, фақат қандайдир бир соя тез ўтиб кетгандай бўлди. Жай Сингхга устозининг товушидай туюлди. Аммо кейин у, Она ўз истагини устоз овози билан ҳам баён этиши мумкин-ку, деб ўйлади. Жай Сингхнинг бадани жувиллаб кетди. Йигит боши ерга теккунча эгилиб маъбуда ҳайкалига таъзим қилди-да, қўлига қилич олиб, чиқиб кетди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Гомоти дарёсининг ўнг қирғогида яssi тепаликдан иборат бир жой бор. Жала ва ёмғир сувлари унинг сатҳида жуда кўп жарликлар ҳосил этган. Янги ой шаклида қирқилган бу ернинг атрофини азим дараҳтлар ўраган бўлса ҳам, ўртасида бирорта дараҳт йўқ, баъзи-баъзи дўнгликлардагина эгри-бугри салови ниҳолла-ри кўринади — бироқ, улар бу ерда яхши ўсмайди. Ҳар ер-ҳар ерда тошлоқлар учраб туради. Бир яримикки газ кенглиқдаги ўилаб ариқчалар, илон изи бўлиб, гоҳ бир-бирига қўшилиб кетади, гоҳ ажралиб дарёга қўшилишга ошиқади. Тепалик қуруқ чўл. Бу ерда дараҳт учлари осмонни тўсмайди. Гомотининг узоқларга чопиб кетаётгани, нариги қирғоқдаги экинзорларнинг ранго-ранг манзараси бу ердан яққол кўриниб туради. Гобиндо Маникконинг саҳарлаб шу ерга келиб сайр қилиш одати бор эди. У аъёнларидан бирор кишининг, яқинларидан бирортасининг ҳамроҳ бўлишига розилик бермасди. Баъзи-баъзида Гомоти балиқчилари-гина рожани узоқдан кўриб қолардилар. У кўзларини юмиб, қимир этмай ўтиради. Унинг осуда, дилкаш чеҳрасини ёритган шуъла тоғғ нуримиди ёинки бегубор қалби ёғдусимиidi, бунисини айтиш қийин. Кейинги кунларда Гобиндо Маникко ёмғирлар туфайли сайрга чиқолмай қолганди. Аммо ҳаво очилди дегунча кичкина Татани бошлаб, албатта, шу ерга келарди.

Нима учундир болани бундан сўнг Тата деб аташга тил бормайди. Тата деганда оғзидан бол томадиган қизча оламдан ўтди. Ўқувчи учун эса Тата сўзининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Хаши эрталаб кичкина укаси билан саловизорда шўхлик қилиб, буталар орасига Секиниб, қўнғироқдай овози билан уни чақирганда, төғ

чумчуқлари шохда туриб, қизча овозига жўр бўлганда, олислардаги бутазорлар акс-садо йўллаганда, бу сўз нинг маъноси бўларди. Ана шу фараҳбахш дақиқаларда Тата сўзи ўзгача маъно касб этиб, атрофни тўлдиради. Унда меҳр-муҳаббат тўла юракдан қушдек париллаб учган бу сўз йироқ жанинат юксакликлари томон парвоз этар, тонгни кутган қушлар навосидан йўнислироқ янграрди. Бу овозда уйғонаётган табиатнинг латофати билан шодликдан меҳри товланган кичкина Хашни бирикиб кетарди. Энди у йўқ: демак, Тата ҳам йўқ. Фақат бола қолди, лекин у юзлаб одамларга, шу сламнинг минг хил қувонч-қайгуларига мансуб, Тата эса фақат Хашига мансуб эди.

Махарожа болани Дхрубо деб атай бошлади. Биз ҳам уни шу ном билан атаймиз.

Шундай қилиб, махарожа Гомоти қирғогига бораётуб, ўзи билан бирга Дхрубони ҳам олиб кетди. Унинг маъсум юзларида, равшан кўзларида Гобиндо Маникко тангрилар оламининг шуъласини кўрарди. Кундузи рожа мўйсафид вазирлар суҳбатида бўлиб, уларнинг маслаҳатларини тингларди — давлат ишлари билан банд бўлиб, бош қашишга қўли тегмасди. Эрталаб эса, бола рожани тараддуд ва ташвишлардан қутқаарди. Боланинг сокин шаҳло кўзлари нигоҳидан дунёнинг ғам-ташвишлари, ғаламислик чекинарди. Махарожа боланинг қўлидан ушлаганда, коинотнинг интиҳосизлигига туташган тўғри, кенг йўлга чиқиб олгандай туғларди унга. Одамсиз соҳилга юлдузлар устидаги чекисиз кўк осмон назар солар, ер тароналари эшитилар, жанинат мусиқаси садолари янграгандай бўларди. Бу тўғри йўлда ҳамма нарса, оддий, табиий ва зиё эди. Орир фикрлар, ташвишлар, ғаму андуҳлар — ҳаммаси чекинар, фақат олға, олға интилиш хоҳиши қоларди. Мана бугун ҳам махарожа Дхрубо билан бирга соҳилдаги одамсиз ўрмонга келиб, ўзини меҳр мавжлари оғушида кўрди, унга бепоён муҳаббат денизиги томон йўл очилди.

Гобиндо Маникко болани тиззасига ўтқазиб, унга Дхрубо ҳақида ибратли ҳикоялар айтиб берди<sup>1</sup>. Эҳти-

<sup>1</sup> Дхрубо — ҳаракатсиз, иккиманмайдиган каби маънолари бор. Афсонавий подшоҳ Уттанападдининг ўғли. Кўп риёзат чеккани учун бош худолардан Шива уни ҳутб юлдузига айлантирган.

мол бола ҳаммасини тушунмагандир, лекин итоаткорлик билан рожанинг ҳар бир сўзини тақрорлаб турарди. Гўдакнинг майин овозини тинглаш Гобиндс Маниккога жудаям ёқарди. Бирдан бола рожанинг гапини бўлди:

- Мен ўрмонга бораман.
- Нима учун?
- Хотин худони кўриш учун.
- Биз ўзимиз ўрмондамиз, уни албатта кўрамиз.
- Хотин худо қаерда?
- Шу ерда.
- Опам қаерда?

Бола туриб, атрофга қаради. Унинг назарида ҳозир опаси илгаригидек секин орқасидан келиб, шўхлик қилиб, кафтлари билан кўзини бекитади. Лекин атрофда ҳеч ким кўринмади. Бола маъюсланиб бошини қўйи эгди ва кўз қири билан рожага қараб сўради:

- Опам қаерда?
- Опангни хотин худо чақириб олди.
- Хотин худо қаерда?
- Уни чақир, ўғлим, мен ўргатган шеърни ўқи.

Дхрубо бир маромда бош қимирилатиб ўқий боллади:

- Назар'эт, парвардигор, қошингда мен хокисор,  
Оҳ, нечоғлик танҳоман, танҳо, эй худо!
- Кўзларимда ёшим мўл, юрай десам йўқдир йўл,  
Тентирайман тим ўрмон аро, эй худо!

Нима қилай? Кўксимда қалбим бормоқда музлаб,  
Қара, қош қораймоқда, тун ҳам келмоқда хезлаб,  
О, кўрқаман! Юргайман доим шафқатинг излаб,  
Ўзингдурсан дардима даво, эй худо!

Муруватингни кутиб кўзларимдир нигорон,  
Раҳм айларсан, ки кўриб ёш ўрнига оқар қон,  
Сени раҳмон атарлар ўлкамизда мардумон,  
Умидсиз яшолмасман асло, эй худо!

Юлдуз кўзларинг доим ёнадир зулмат аро,  
Йўлга сен бошласанг гар, келмагай бошга бало.  
Фақат сенсан, сен бердинг мисли юлдуз — Дхрубо,  
Дхрубога атаб нури аъло, эй худо!<sup>1</sup>

Бола янгилишди, дудуқланиб ўқиди, сўзларнинг охирини ютди, аммо бундан шеър алоҳида латифлик касб

<sup>1</sup> Шеърларни Муҳаммад Али таржима қилган.

этди. Рожа бекиёс ҳаловат топди, тонг унга дучандон гўзал туюлди, дарё жилмайди, ўрмон жилмайди, дарахт ва буталар табассум этди. Тиллоранг нурда суғорилган зумрад осмонда у кимнингдир табассумдан ёришган гўзал чеҳрасини кўрди. Худди у Дхрубони тиззасига ўтқазгандай, кимдир уни ҳам тиззасига ўтқазиб, оғушига олди. Махарожа фақат ўзини эмас, ҳаммани, ўзини ўраб олганларни, бутун дунёни шу оғушда ҳис этди. Унинг юрагидаги қувонч, муҳаббат бамисоли қуёш нуридек бутун теварак-атрофга сочилиб, самоларни тўлдирди.

Тўсатдан рожанинг олдида қўлида қиличи билан Жай Сингх пайдо бўлди. У соҳилга дара орқали ўтиб келибди. Гобиндо Маникко унга қўл узатди.

— Буёққа кел, Жай Сингх, буёққа.

Болани әркалаб юриб рожанинг ўзи ҳам болага айланган эди. Унинг шоҳона улуғворлиги қаёққа кетди!

Еш коҳин ергача эгилиб таъзим қилди.

— Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим, махарожа.

— Нима хусусда?

— Она сиздан норози.

— Мен нима қилиб унинг ғазабини келтирибман?

— Қурбонликни ман этиб, маъбудани шарафлашга тўскинлик қилиб.

— Бу шафқатсизлик нима учун, Жай Сингх! — хитоб қилди рожа.— Сен Онанинг кўнглини олмоқ учун унинг тиззасида ўз болаларининг қонини тўқмоқчимисан?!<sup>1</sup>

Жай Сингх секингина рожанинг оёқларига йиқилди. Дхрубо қиличини олиб ўйнай бошлади.

— Ахир қурбонлик қилиш шастрларда<sup>1</sup> ёзилганку! — хитоб қилди ўз навбатида Жай Сингх.

— Шастрларнинг ҳақиқий маъносига ким етибди? Уни ҳар ким ўзи истаганча талқин этади. Қани, менга айт-чи, одамлар маъбуда олдида қурбонликнинг лойга қоришган қонларини юзларига суриб, девонавор ҳай-қирганда, жазавалари тутиб, тутуруқсиз ҳаракатлар қилганда, улар кимга сифинишади — Онагами ёки ўз ичларида яширинган қонхўр махлуққами? Мен ўйлайманки, шастрларда ёзилгани бутунлай бошқа: йирт-

<sup>1</sup> Шастрлар — қадимий муқаддас китоблар, илоҳиёт, фалсафа ва ахлоқий масалалардан баҳс этади.

қичликка қурбонлик қилиш керак эмас, йиртқичликни қурбон қилиш зарур.

Жай Сингх хомуш қолди. У ҳам кечаги оқшомдан бери худди шу ҳақда ўйларди. Ниҳоят бундай деди:

— Мен Онадан ўз қулогим билан эшилдим... Шубҳа бўлиши мумкин эмас... У, менга маҳарожанинг қони керак, деб айтди.

Жай Сингх ибодатхонада бўлган воҳеани айтиб берди.

— Бу Онанинг амри эмас, Рогхупотининг найранги,— кулимсиради Гобиндо Маникко.— У пана бир жойга яшириниб, ўша ердан сенинг саволингга жавоб берган.

Рожанинг сўzlари йигитни ларзага келтирди. Ўша куни эрталаб уни ҳам шубҳа яшини тешиб ўтган, аммо у дарҳол буни кўнглидан қувиб чиқарганди. Мана ҳозир рожа унга шуни эслатди. Шубҳа янги куч билан Жай Сингхни қамраб олди.

— Йўқ, маҳарожа,— довдираб гапирди ибодатхона коҳини,— азобимга азоб қўшманг, мени жар ёқасидан денгизга итариб юборманг. Сизнинг сўzlарингиз атрофимдаги зулматни қуюқлаштиради, холос. Қўйинг, менинг имон ва садоқатим илгаригидек қолаверсин, мен уни туманга алмаштиришни истамайман. Бу Онанинг хоҳишими, устозимнинг хоҳишими, бари бир мен уни бажараман.

Жай Сингх сакраб туриб, қиличини филофидан сурди, унинг тифи қуёш нурида ярқираб кетди. Дхрубо қаттиқ йиғлаб, рожани қучоқлади, уни ўз гавдаси билан тўсишга урингандай бўларди, Гобиндо Маникко Жай Сингхга эътибор бермай болани бағрига босди. Ёш коҳин қиличини улоқтириб, боланинг орқасини силади.

— Қўрқма, ўғлим, қўрқма, мен кетаман, сен бу мустаҳкам бошпанада — шу кенг кўкракда омон қол. Ҳеч ким сени рождан жудо қилмайди.

Ёш коҳин таъзим қилиб, нари кетди, аммо яна қайтди.

— Эҳтиёт бўлинг, маҳарожа: укангиз Нокхотро Рай ашарх ойининг йигирма тўққизинчи кечаси, ўн тўрт тангрига ибодат асноси, сизни ўлдириш ниятида.

— Нокхотро ҳеч қачон мени ўлдирмайди,— табасум этди рожа,— у мени яхши кўради.

Жай Сингх кетди.

Рожа Ҳхрубога қаради.

— Бугун қон тўкилишига сен йўл қўймадинг,— сидқидилдан гапирди у.— Опанг сени худди шунинг учун бу дунёда қолдириб кетган.

Гобиндо Маникко боланинг юзидағи ёшларни арти. Бола чеҳраси жиддийлашди.

— Опам қаерда?— нечанчи мартаба сўрарди бола.

...Бу орада булутлар қуёш юзини тўсди, дарёга қора соя тушди, узоқдаги ўрмон қоронгиликка шўнғиб, ёмғир даракчиси — қора булутга ўхшаб қолди. Рожа шошилганча саройга қараб йўл олди.

## ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ибодатхона унча узоқ эмасди, аммо Жай Сингх айланма йўл билан, одамсиз соҳил бўйлаб кетди. У ҳар хил фикрлар билан ҳолдан тойганди, охири дарахт тагида ўтириб, икки қўллаб бошини ушлади. «Бир қадам қўйилди, лекин шубҳа йўқолмади. Энди уни ким тарқатади, ҳақиқат қаердаю ёлғони қайси эканини ким айтиб беради? Нима кўп — йўл кўп, шулардан қайси бири ҳақ йўл эканини кимдан сўраш керак? Мен чексиз саҳрода кўр одамдек туриб қолдим, ҳассам синган, атрофда бирор кимса йўқ».

Жай Сингх ўрнидан турганда, ёмғир томчилай бошлиди. Ибодатхонага яқин келганда у бир тўда одамни кўриб қолди. Улар қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, шу томонга келардилар. Қандайдир чол бундай деди:

— Бизнинг бобо ва бобокалонларимиз замонасидан бери шундай қилинарди, нима, рожа улардан ақллироқми?

— Эндиликда ибодатхонага ҳам қатнагинг келмайди,— жавоб берди ёшроқ бир эркак.— Энди бу ердан файз кетди, олдинги файз йўқ.

Кимдир қўшиб қўйди:

— Биз гўё навоб қўл остига кириб қолгандай бўлдик.

Гапирган одам, афтидан, мусулмон қурбонлик фойдасига шубҳаланиши мумкин, аммо ҳиндига бу ақл бовар қилмайдиган иш, деб ўйласа керак.

— Энди бахту толе бизнинг давлатни абадий тарк этади,— гап қотди бир хотин.

Аёллардан бири бундай таъкидлади:

— Тақсирим ўзлари айтдилар: Она у кишининг тушларига кириб, ўлат бошланади, уч ойда мамлакат бўйм-бўш бўлиб қолади, деб огоҳлантирибди.

— Мана буни эшитинглар,— деди Хару,— Модҳо касал бўлиб, бир ярим йил азоб чекди, лекин тетапоя бўлиб юрарди, маъбудага қурбоилик келтирмай қўйишдию у ҳам нариги дунёга жўнаб қолди...

— Бу ҳам ҳеч нарсамас,— гапга қўшилди Кханто,— менинг жиянимни олинг. Уни ўлади деб ким ўйлабди? Безгак уч кунда уни обориб-обкелди. Табиб халдори берди, йигит уларни ютдию бу дунёдан кўз юмди.

Жияни мотами ва давлат тақдиридан ташвишга тушган Кхантонинг кўнгли вайрон бўлиб, тамоман жимиб қолди.

— Яқинда,— деб эслади Тинкори,— Мотхурхати бозорида ёнгин чиқиб, бус-бутун куйиб кетибди.

Чинтамони исмли дехқон ёнида кетаётган ёш дехқонга ўз ташвишини мана бундай баён этди:

— Булар ҳаммаси пуч гаплар, мана, гурунчнинг нархи пасайиб кетди, ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Шундай бораверса, бу йил биз дехқонларнинг ҳоли не кечади?

Қурбоилик ман этилгандан сўнг ва ундан олдин кимлар кулфат тортгани ҳақида яна кўп суҳбатлашдилар. Ҳаммалари ҳамжиҳат бўлиб, бутун бало рожанинг фармонида, деган фикрга келишди. Энг яхшиси ёнди бу ўлқадан чиқиб кетиш, дейишди ҳаммалари, лекин аслини олганда, ҳеч қайсилари кўчиш ниятида ёмасди.

Аммо Жай Сингх бу гаплардан деярли ҳеч нарса эшитмади — унинг фикри бошқа нарса билан банд эди. У тўғри ибодатхонага кирди. Ибодат аллақачон тугаб, Рогхупоти ҳовлида ўтирганди.

Ёш коҳин тез юриб, устози олдига борди-да, дард билан, лекин жиддий сўради:

— Эрталаб мен Онага илтижо қилиб, хоҳишлиарини сўраганимда, нега унинг ўрнига сиз жавоб бердингиз, устоз?

— Чунки Она ўз хоҳишини мен орқали айтади,— бир оз довдираб гапирди Рогхупоти,— унинг ўзи ҳеч нарса демайди.

— Нега сиз тўғри ёнимга келиб, шуни айта қолма-

дингиз? Яшириниб, муғамбирлик қилишнинг сизга ни-  
ма ҳожати бор эди?

— Бас қил! — Рогхупотининг жаҳли чиқди. — Ме-  
нинг қилмишларим ҳақида муҳокама юргизиш сенга  
қолдими? Оғзи бўш одамга ўхшаб бошингга келган  
ҳар бир беҳуда гапни валдирай берма. Менинг ишим  
фармон бермоқ, сеники эса — сўзсиз бажармоқ.

Жай Сингх бир оғиз ҳам гапирмади. Жафокор шуб-  
ҳа уни баттар кемира бошлади. Ниҳоят у тилга келди:

— Бугун эрталаб мен Онага, фармонини ўз оғзидан  
эшитмасам, подшоҳқушликка сира йўл қўймайман,  
деб айтган эдим. Гобиндо Маниккони ўлдириш фикри  
Олампаноҳ-Онадан чиқмаганини билганимдан сўнг,  
Ноккхотро Райнинг ниятидан махарожани огоҳланти-  
ришга тўғри келди.

Рогхупоти анчагача жим бўлиб қолди, кейин қай-  
наб турган ғазабини ютиб, қатъият билан гапирди:

— Ибодатхонага кир.

Икковлари ҳайкал ёнига боришли.

— Онанинг оёқларини ушлаб туриб, мен айтган  
сўзларни такрорла: «Йигирма тўққизинчи ашарх ку-  
ни бу оёқлар остига подшоҳ қонини олиб келишга қа-  
самёд этаман!»

Жай Сингх бошини қуий солиб турарди. Кейин ус-  
тозига қаради, ҳайкалга назар солди, маъбуданинг  
оёғини ушлаб туриб, секин такрорлади:

— Йигирма тўққизинчи ашарх куни бу оёқлар ос-  
тига подшоҳ қонини олиб келишга қасамёд этаман!

## У НИ Н ЧИ Б О Б

Рожа саройга қайтиб, ўзига мунтазир бўлиб турган  
давлат ишлари билан шуғулланди. Офтобли саҳар бу-  
лутли кунга айланди. Рожа паришон эди. Боргоҳда  
тўпланган сарой аъёнлари орасида у укаси Ноккхотро  
Райни кўрмади. Рожа унга одам юборди. У бир оз то-  
би қочганини рўкач қилиб келмади. Гобиндо Маникко  
уни кўргани ўзи борди. Ноккхотро Рай рожага қараш-  
га ботинолмади. Ёзилган бир варақ қофозни олдига тор-  
тиб, ўзини жуда банддай кўрсатди.

— Қаеринг оғрияпти, Ноккхотро?

У қофозни қўлида айлантириб, узугига тикилиб  
қолди.

— Оғрияпти? Йўқ, ҳеч қаерим оғримаяпти... Баъзи ишларим бор эди... Ҳа, ҳа, мен ростдан ҳам бетобман... Шундай бўлса керак...

Ноккхотро Рай саросима бўлиб қолди. Гобиндо Маникко чуқур қайғу билан унга қаради. «Ҳайҳот, макр меҳр масканига кириб олибди, илондек яшириняпти, юзига ниқоб тортяпти, бизнинг ўрмонларда йиртқич ҳайвонлар каммиди, энди одамнинг одамдан қўрқиши қолибмиди, аканинг ука кўкрагига бош қўйишидан хавфсираши етмаганмиди? Бизнинг ҳаётимизга таъмагирлик, ҳасад ва макр шунча суқилиб кирганки, унда меҳр-муҳаббатга ҳеч жой қолмабди. Мен билан бир уйда истиқомат қилиб, ёнма-ён ўтириб, сухбатлашиб, кулишиб юрган укам яширинча менга қарши пичоқ қайраб юрибди». Олам Гобиндо Маниккога йиртқич ҳайвонлар тўлиб-тошган қоронги, ўтиб бўлмас чангальзордай туюлди. Ҳаммаёқда тиш ва чангаль кўринди унга. «Бари бир-бирини ғажишга тайёр бу ўлкада менинг пайдо бўлишим,— деб ўйлади рожа оғир хўрсаниб,— ҳамкасб, ҳамқабилаларим орасида ҳасад, очкўзлик ва бир-бирини кўролмаслик оловини кучайтиради, холос. Тахтимни ўраб олган қариндошлар, менга яқин кишилар юракларида кин сақлаб, тишларини фижирлатиб, қутурган итлардек менга ташланишга тайёр турибдилар. Буларнинг тиш ва чангалига тушишдан кўра бу ўлкани тарқ этган маъқулроқ».

Рожанинг тонг пайти кулиб турган гўзал чеҳраси қаёққа ғойиб бўлди!

— Пешиндан кейин,— қатъият билан гапирди рожа ўрнидан қўзғала туриб,— биз сен билан Гомоти соҳилидаги ўрмонга борамиз.

Ноккхотро Рай эътиroz этишга ботинмади, лекин ваҳм ва гумондан юраги така-пука бўлиб кетди. Назарида Гобиндо Маникко унинг ёнида жим ўтирган пайтда, юрагининг қаърига, ёвуз ниятлари қуртдай ғимирлаб турган жойга назар солгандай бўлди. Мана энди бу қурт, гўё нур билан безовта қилингандай, ташқарига ўрмалаб чиқа бошлади. Ноккхотро Рай хавфсираб акасига қаради — маҳарожанинг юзида ғамгин осудалик бор эди. Одам қалбидаги бемаъни шафқатсизлик унинг юрагида чуқур қайғу қўзғади.

Кун пешиндан оғса ҳам булутлар тарқалмади. Маҳарожа Ноккхотро Рай билан ўрмонга қараб кетишиди.

Хаво шу қадар қорайдики, кеч кирганга ўхшарди. Дараҳт шоҳларида қарғалар тўхтосиз қағиллаб, осмонда бир неча калҳатлар парвоз этарди. Ака-ука қуюқ ўрмонга кириб келишди — Ноккхотро Райнинг этлари жувиллаб кетди. Теварак-атрофни азим дараҳтлар қуршаб олган. Улар гўё қотиб қолган, мижжа қоқмай, томирлари олдида қуюқлашган қоронғиликка, ўз сояларига тикилиб туради. Улар сас-садосиз, гўё қурт! Құмурсқаларнинг ҳаракатигача эшитгандай бўлардилар. Бу сирли қоронғиликда ҳар бир қадам Ноккхотро Рай учун бир азоб эди, унинг оёқлари чалишиб кетди, ўрмоннинг сассиз ҳайбатидан ваҳм ва гумон қамраб олган юраги жуда тез ура бошлади. У рожанинг орқасидан бамисоли тақдир йўллагандай, қаерга кетаётганини билмай бораради. Ноккхотро, қўлга тушдим, акам менга жазо бериш учун ўрмонга олиб келди, деб ўйлади. Ноккхотро Рай орқага қараб қочишга тайёр эди, бироқ кўзга кўринмас бир кимса уни олға қараб тортгандай бўларди. Қутулишнинг иложи йўқ!

Ниҳоят ака-ука бир майдонга чиқишиди. Ёнгинада ёмғир суви билан тўлган бир чуқур ҳам бор эди. Шу ерда рожа бирдан ўгирилди:

— Тўхта!

Ноккхотро Рай сагчиб тушди, қоққан қозиқдай қотиб қолди. Унда шундай бир туйғу пайдо бўлди: гўё рожанинг фармони билан вақтнинг ўзи тўхтаб, дараҳтлар уларга қараб эгилиб, еру осмон нафасини ичига олиб, уларга қараб қолгандай бўлди. Ҳатто қарғалар ҳам қағиллашдан тўхтади, ўрмон сукунатга чўмди, факат рожанинг фармони яна анча вақтгача қулоғи остида жаранглаб, дараҳтдан-дараҳтга, шоҳдан-шоҳга учиб юрди, ўрмон унинг овозига монанд қилиб япроқларни шитирлатиб қўйди.

Ноккхотро қимир этмай туриб қолди. Рожа укасига синчковлик билан ўйчан назар солди ва осойишта овоз билан секин гапирди:

— Сен мени ўлдириш ниятидамисан?

Ноккхотро яшин теккандай туриб қолди, бирор нарса деб жавоб беролмади.

— Нима учун, иним? — сўради Гобиндо Маникко. — Ҳокимият учунми? Сенингча рожа бўлиш — шоҳлик соябони остида олтин тахтда ўтириб, гавҳарлар билан безалган тоҷ кийишдан иборатми? Тоҷ, шоҳлик соя-

бони ва салтанат ҳассаси нечоғлиқ оғир эканини билан санми ўзинг? Тож остида минг-минглаб одамларнинг ғаму ташвиши яшириниб ётади. Агар олий ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлсанг, уларнинг ғам-ғуссаларини ўзингниkidай қабул эт, эҳтиёжлари юкини ўз елкангга ол. Шуларнинг ҳаммасини ўз оғушига сифдирган одам рожа деб аталишга сазовордир, ўзи кулбада яшайдими, саройда яшайдими — буниси фарқсиз. Барча фуқарони ўз ақрабосидек билган кишиларнигина ҳалойиқ тан олади. Раиятнинг оғирини енгил қилган одамгина уни идора қила олади, унинг қонини сўрган, молу мулкини ўзлаштирган кимса — талончи, горатгар, минглаб хонавайрон бўлганларнинг кўз ёши кечакундуз унинг бошига оқиб туради. Ҳеч қандай шоҳлик соябони уни лаънат оқимидан сақлаб қололмайди. Уни ўраб олган зебу зийнат — очлардан тортиб олинган бир бурда нон, олтин безаклар — кўп сонли етим-есирларнинг қашшоқлиги, шоҳона либослари — совуқда дилдираганларнинг ифлос жулдур чопони. Рожани ўлдириш ҳақиқий ҳокимият бермайди, иним! Ҳақиқий подшоҳ бўлиш учун ҳалқнинг ҳурматига сазовор бўлиш даркор.

Гобиндо Маникко жимиб қолди. Атрофда яна оғир сукунат бошланди. Ноккхотро Рай бошини қуани солиб турарди.

Махарожа қиличини филофидан суғуриб, уни укасига узатди.

— Ўрмонда одамлар йўқ, гувоҳлар йўқ, ҳеч ким йўқ. Агар муродинг мени ўлдириш бўлса, яххиси, шу ерда, ҳозир ўлдириш. Ҳеч ким халақит бермайди, ҳеч ким айб-сайб қилмайди. Бизнинг томиримизда бир қон, бир отанинг, бир бобонинг қони. Агар истасанг, сен бу қонни тўкишинг мумкин, лекин буни ҳеч ким билмаслиги керак, чунки унинг бир томчиси тўкилган жойда биродарлик тушунчасидан путур кетади. Бу гуноҳнинг оқибати нималарга олиб келишини ким айта олади? Ёвузлик уругидан аста-секин минглаб шоҳ ўсиб чиқиб, соғлом, бақувват жамиятнинг тадрижий равишда йиртқичлар тўдасига айланишини ким кузата олади? Шаҳар ва қишлоқларда ака-укалар бир-бирларини меҳр-шафқат билан қучоқ очиб қарши олади, бағрига босишади — сен ўз биродарингнинг қонини, ҳеч бўл-

маса, уларнинг уйлари ёнига тўкмаслигинг лозим. Мана шунинг учун мен сени ўрмонга бошлаб келдим.

Рожа қиличини Ноккхотро Райнинг қўлига тутқазди. Бироқ қурол ерга тушиб кетди. Ноккхотро Рай қўли билан юзини бекитди.

— Менинг гуноҳим йўқ, ака,— жавоб берди у йигламсираб,— бу фикр ҳеч қачон бошимга ҳам келган эмас.

— Мен биламан,— деди рожа укасини бағрига босиб.— Наҳотки сен менга қўл кўтарсанг! Сени одамлар ёмон йўлга бошлияпти.

— Мени бу йўлга бошлган Рогхупоти.

— Ундан узоқроқ юр.

— Айтинг, мен қаерга кетайин? Мен бу ерда қолишни истамайман. Мен қочмоқчиман! Рогхупотидан қочмоқчиман.

— Ҳожати йўқ. Мен билан бирга қол. Бу руҳоний сенга нима ҳам қила олади?

Ноккхотро Рай, гўё Рогхупоти пайдо бўлиб, уни етаклаб кетишидан қўрқандай, рожанинг қўлини маҳкамам ушлаб олди.

## У Н БИРИНЧИ БОБ

Уйга у шу йўсинда — акасининг қўлини маҳкамам ушлаганча қайтиб келди. Осмон ҳали ҳам равшан, аммо дараҳтзорда қоронғилик қуюқлашган эди. Ўрмонга юриш бошлаган зулмат ҳали дараҳт учига кўтарилиганча йўқ, лекин бир неча дақиқадан сўнг еру осмонни мусаххар этиши муқаррар.

Рожа саройга борадиган йўлдан ибодатхона томон бурилди. Рогхупоти ва Жай Сингх ибодатни тугатиб, чироқ ёқиғлиқ ҳужраларида ўтиришган эди. Уларнинг ҳар бири ўз ўй-хаёллари билан банд эдилар. Кучсиз шуъла юзларини аранг ёритарди. Рогхупотини кўриб, Ноккхотро рожанинг сояси тушиб турган жойга ўтиб, ерга тикилиб қолди, брахманга қарашга журъат қилмади. Аммо рожа укасини ёнида туришга ундан, қўлини маҳкам қисди ва Рогхупотига синовчан назар солди. У кўз қири билан Ноккхотро Райга хўмрайди. Охири рожа руҳонийга таъзим этди. Ноккхотро Рай акасига тақлид қилди. Таъзимларни қабул қилиб, Рогхупоти бўғиқ овозда:

— Зафар ёр, давлат барқарор бўлсин! — деди.

Рожа жавобда андак сабр қилди.

— Тақсир, бир дуо қилинг, давлатимиз мудом равнақ топиб, Олампаноҳ-Онанинг ҳамма болалари ботав-фиқ бўлишсин, бир-бирларига меҳр қўйиб, аҳиллик билан кун кўришсан, бизнинг давлатда ҳеч ким укани акадан тортиб олмасин, эзгулик ҳукм сурган жойга ёвузлик уругини сепмасин. Давлатга бирор зиён-захмат етмагай деган оғир ўйлар юрагимни тирнаб бора-ди. Бузуқ фикрлар, ёвуз ниятлар охири ёнғинга айла-ниши мумкин. Бунинг олдини олиш зарур. Тақсир, сиз яратгучига ёлвориб, оламга осудалик, раҳмат ёмғири сўранг, токи еримиз тоза-покиза бўлсин.

— Тангрилар газаби алангасини ким ўчиради? Бир кимсанинг айби билан бу алангада минглаб гуноҳсизлар ҳалок бўлади.

— Мени хавотирга колаётган нарса ҳам мана шу. Бизнинг мамлакатда худо номидан худонинг қаҳри келадиган ишлар қилинаётганини наҳотки сиз билма-сангиз? Уз давлатим таъдири борасидаги ташвиш мени бу ерга олиб келди. Сиз бу заминга ёвузлик дарахти ўтқазмоқчисиз. Бундай қилманг, менинг баҳтиёр, яш-наётган давлатимни осмоннинг газабига гирифторм қил-манг! Мен мана шуни айтмоқчи әдим, холос.

Махарожа Рогхупотига тикилиб қаради.

У жавоб бермади. Ҳаяжондан фақат брахманлик риштасини қимирлатиб қўйди<sup>1</sup>. Рожа таъзим қилиб, укасининг қўлидан ушлаганча ҳужрадан чиқиб кетди. Уларнинг кетидан Жай Сингх ҳам чиқди. Ҳужрада чи-роқ, Рогхупоти ва унинг улкан соясигина қолди.

Тун ерга тушиб, булут юлдузларни яширган. Осмонда йилт этган жой йўқ. Шамол қаердандир кодом гулининг ҳидини олиб келмоқда, ўрмон алланима деб шивирлайди. Рожа хаёлга чўмиб, яхши таниш йўлдан қадамлаб бормоқда. Бирдан кимдир орқадан уни ча-қирди:

— Махарожа!

Гебиндо Маникко орқага ўгирилди.

— Кимсан?

<sup>1</sup> Муқаддас ришта — уч олий каста вакиллари: брахманлар, кшатрийлар, вайшисилар тақиб юрадиган иш ришта.

— Сизнинг номуносиб туломингиз,— жавоб берди таниш овоз — Жай Сингх.— Сиз менинг устозим, сultonимсиз, маҳарожа. Менинг сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Мени ҳам укангиздек қўлимдан ушлаб, ҳидоятга йўлланг. Мен зулмат ичида қолдим. Нима савобу нима гуноҳ эканини идрок этолмай қолдим. Мен гоҳ бир тарафга, гоҳ бошқа тарафга бормоқдаман, мени тўғри йўлга соладиган одам йўқ.

Қоронгида кўз ёши кўринмади, Гобиндо Маникко шундай қалтираган эҳтиросли овозни эшитдики, шамол бўридан денгиз чайқалгандек, бу овоздан тун зулмати ларзага келди. Рожа Жай Сингхнинг қўлидан ушлади.

— Юр мен билан саройга.

## Ў Н И К КИ Н ЧИ Б О Б

Ёш коҳин эртасига эрталаб ибодатхонага қайтиб келганда ибодат вақти ўтган, Рогхупоти маъюсланиб, танҳо ўтирган эди. Худолар уйида ўрнатилган тартиб биринчи марта ва абадий бузилган эди бу кун.

Жай Сингх устози билан гаплашмай, унинг ёнидан ўтиб кетди, боққа кириб, дарахтлар соясида ўтириди. Шоҳлар қимиirlаб, барглар шитирлади, соялар ҳаракатга келди. Атроф — қийғос гуллаган бута ва дарахтлар, бир-бирига чирмашиб кетган шоҳлар, қалашиб кетган япроқлар... сўлим, роҳатбахш оромгоҳ... табиатнинг эркаловчи оғуши, дилбар бир ундов... Бу ерда сабр ҳукмрон, ҳеч ким ҳеч нарса ҳақида сўрамайди, фикр оқимини бузмайди, ўзинг истагандагина сенга назар солади, саволингни эшитганда жавоб беради. Жай Сингх ўзи билан ўзи бўлиб, йўқолган калаванинг учини топиш ниятида мана шу осудалик сарманзилига, табиатнинг сир-асрор масканига кириб келди. У қайта-қайта рожа берган маслаҳатларни ўйлаб кўрди.

Ёш коҳин бирдан елқасига кимнингдир қўли текканни сезди: бу секингина келган Рогхупоти эди. Жай Сингх чўчиб сакраб тушди. Руҳоний унинг ёнига ўтириди, юзига қараб, ҳаяжон билан сўради:

— Нима учун авзойинг бузуқ, ўғлим? Мен нима қилдимки, сен аста-секин мендан узоқлашиб бораяпсан?

Жай Сингх бир нима демоқчи әди, лекин Рогхупоти гап бермади:

— Наҳотки мен сени ўз муҳаббатимдан маҳрум этган бўлсам? Эҳтимол сенинг олдингда бирор гуноҳ қилганман, Жай Сингх? Ундай бўлса, мен, устозинг, иккинчи отанг, сендан илтижо қиласман — мени афв эт!

Жай Сингх бошида момақалдироқ гумбурлагандай чўчиб тушди, устози оёқлари остига йиқилиб, бутун вужуди қалтираб кетди.

— Мен ҳеч нарса билмайман, ота, ҳеч нарсани тушунмай қолдим ва қаерга бораётганимни кўрмай турибман!

Рогхупоти қўлини йигитнинг қўли устига қўйди.

— Ўғлим, сени болалигингдан бошлаб онадек меҳр билан тарбия қилиб келяпман, отадек ғамхўрлик билан шастрларни ўқитяпман, сенга энг яхши дўстдек ишонаман. Ҳамма ишимда сени ёрдамчи қилдим. Энди мендан ўғлимни тортиб олмоқчи бўлаётган, кўп йиллик муҳаббат ва меҳрибонликка қасд қилган ким? Сенга бўлган муқаддас ҳуқуқим — худонинг туҳфаси. Ким энди унга суиқасд қилмоқчи? Бу улуғ гуноҳкорнинг номини айт менга, ўғлим!

— Бирорни айблаб юрманг, устоз, ўғлингизни ўзингиз четлатиб қўйдингиз. Сиз мени саранжом-саришта уйимиздан бўм-бўш кўчага чиқариб ташладингиз. Сиз ўзингиз, меҳр-оқибат деганлари пуч гап, муҳаббат ва садоқатнинг муқаддас ҳуқуқи йўқ, деб айтдингиз. Мен учун она саналиб келган зотни — ҳасад тўлиб-тошган, қон оқиб турган, одам-одамни бўғизлашга шайланган жойда ҳозира нозир қонхўр Қудрат деб атадингиз! Сиз мени Она тиззасидан олиб, қандайдир иблис ўлкасига олиб келдингиз!

Рогхупоти ҳанг манг бўлиб, анчагача жим қолди. Нихоят хўрсиниб гапирди:

— Демак, алоқа узилди, сен озод бўлдинг, мен эса сенга бўлган ҳар қандай ҳуқуқимдан воз кечаман. Агар шу билан сен бахтиёр бўлсанг, майли, шундай бўла қолсин.

Брахман ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, устоз! — хитоб этди Жай Сингх унинг оёқларига йиқилиб. — Сиз мендан юз ўғиргандан ҳам, бари бир мен сиз билан қоламан, мен учун бошқача бўлиши мумкин эмас, мени нима қиласангиз розиман!

Мен қоламан, сизнинг оёқларингиз учидаги қоламан. Сиз қаерга борманг мен кетингиздан эргашаман — мен бошқа йўлни тан олмайман.

Рогхупоти Жай Сингхни бағрига босди — кўз ёшлидан ёш коҳиннинг елкаси ҳўл бўлди.

## У Н У Ч И Н Ч И Б О Б

Ибодатхона олдига жуда кўп халойиқ тўпланган. Қий-чув қулоқни қоматга келтиради.

— Нима учун келдинглар? — тундлик билан сўради Рогхупоти.

— Олампаноҳ-Онани кўргани келдик, — турли товушда жавоб қилди оломон.

— Қани у? Бизнинг давлатимизда энди у йўқ. Сизлар унинг ҳурматини бажо келтиролмадинглар, мана, у ҳам сизларни тарк этди.

Оломон шовқин кўтарди:

— Бу қанақаси бўлди, тақсир?

— Бизнинг гуноҳимиз нима экан?

— Наҳотки Она ҳеч қачон жаҳлидан тушмаса?

— Тўғри, мен бир неча кун ибодатга келолмадим, чунки жияним касал эди.

(Гапирган киши маъбуда у ибодатни канда қилгани учун кетиб қолган деб ишонарди).

— Мен Олампаноҳ-Онага иккита эчки қурбон қилмоқчи эдим, ибодатхона жуда узоқ бўлгани туфайли вақтида етказиб келолмадим.

(Бу шўрлик ўзини ҳар тарафлама айбдор санаарди, агар у эчкilarини ҳаялламай олиб келганда, мамлакат бошига бунчалик оғир мусибат тушмасди).

— Гобордхон Онага атаган совғасини олиб келмади, бу тўғри. Аммо Она ҳам унинг жазосини берди: қора жигари дўмбирадай шишиб, ярим йилдан бери ётиб қолди.

(Гобордхон қора жигари билан даф бўлмайдими, ишқилиб, Она кетмаса бўлди! Одамларнинг ҳаммаси, жигаринг баттар шишин, деб Гобордхонни қарғай бошлашди.)

Оломон ичидан новча, барваста бир киши ажralиб чиқди. У одамларга қараб бир бақирди-да, шовқин тингач, қўл қовуштириб, руҳонийга мурожаат қилди:



— Она нега кетиб қолдилар, тақсир? Биз нима гуноҳ қилибмиз?

— Сизлар Онага қурбонлик келтирмадинглар, унинг ҳурмати шу бўлдими?

Ҳамма жим бўлиб қолди. Кейин олаговур бошланди, кимдир секингина сўз қотди:

— Рожа рухсат бермайди! Нима, айб биздами?!

Жай Сингх тош ҳайкалдек ўтиради. Уининг: «Она ўзи ман этган», деб қичқиригиси келди-ю, яна бу хоҳини босиб жим ўтираверди.

— Рожа ўзи ким бўпти?!— жиддий эътиroz этди Рогхупоти.— Наҳотки Онанинг тахти унинг тахтидан паст бўлса? Мана, рожаларингга сифина беринглар. Қани кўрайлик-чи, Она тарк этган мамлакатда сизларни ким ҳимоя қиларкан?

Оломон орасида шивир-шивир бошланди. Аммо ҳаммалари хавфсираб гапиришарди.

Рогхупоти ўрнидан турди.

— Рожани худо даражасига кўтариб, Олампаноҳинг ғазабини келтирдинглар, уни мамлакатдан қувиб чиқардинглар. Энди бахтли бўламиз деб ўйламай қўя қолинглар, уч йилдан сўнг бу улуф подшоҳликда уйжойларингиздан асар ҳам қолмайди, аждодлар чироғини ёқадиган бирор кимса ҳам қолмайди.

Оломон бамисоли денгиздай тўлқинлана бошлади. Одам тобора кўпайиб борарди. Новча, барваста киши яна Рогхупотига мурожаат қилди:

— Агар бола гуноҳ қилса, онаси унинг адабини бериб қўяди, аммо кўчага ҳайдаб юбормайди! Тақсир, айтинг-чи, Онани қайтаришнинг йўли қандай бўлади?

— То сизнинг рожангиз бу тупроқдан кетмагунча Она қайтиб бу ерга тушмайди.

Бу сўзни эшитиб ҳамма жимиб, қотиб қолди. Одамлар бир-бирларига қаарарди-ю, бирор сўз дейишга ботинмасди.

— Сизлар бу ерга узоқ-узоқлардан Олампаноҳ дийдорини кўриш умидида келгансизлар!— ҳайқирди Рогхупоти.— Яхши, уни кўрасизлар. Юинглар мен билан. Мен сизларни ибодатхонага олиб кираман!

Ваҳм босган одамлар бирин-кетин ҳовлига ёпирилиб жиришди. Ибодатхона эшиклари берк эди. Рогхупоти уларни секин очиб юборди.

Оломон кўриб туриб кўзларига ишонмади: маъбуланинг юзи кўринмади. У орқасини қилиб турибди. Демак Олампаноҳ-Она юз ўгириган! Ҳўнграган овоз ёшигилди. «Буёққа қара, Она, бизга бир назар сол! Бизнинг гуноҳимиз нима?» «Она, бизни ташлаб қаёқка кетдинг?!!»— каби овозлар ҳар тарафдан янграпарди.

Ҳайкал қимир этмай тураверди: чунки у тошдан ясалган! Кўплар ҳушдан кетиб ииқилди. Болалар нима бўлаётганини билмай йиғлай бошладилар. Чоллар

уларга жўр бўлишди. Хотинлар кўкракларига уриб фарёд кўтаришди, уларнинг юzlари очилиб, елкаларидан сарилари тушиб кетди. Эркаклар бўғиқ, лекин баланд овозда такрорлар әдилар:

— Қайт, Она, болаларингни ташлаб кетмай!

Кейин девонавор куйлаб кетишиди:

— Тошдан бино этилган она маъбуда,  
Болаларига боқмас, қайгули жуда...

Гўё шу давлатнинг бутун аҳолиси ибодатхона олди-  
га тўпланиб, қайғу-надомат билан чақираради:

— Она! Она!

Аммо ҳайкал ҳаракатга келмади. Чошгоҳ пайти бў-  
либ офтоб шафқатсизлик билан куйдира бошла-  
ди, одамлар эса ҳамон тарқалмай, боягидек сурон со-  
ларди.

Жай Сингх коҳин ҳузурига бориб, ҳаяжондан тути-  
ла-тутила сўради:

— Устоз, наҳотки менинг жим туришим керак  
бўлса?

— Ҳа, жим туришинг зарур.

— Ҳеч нарсага шубҳаланишим ҳам мумкин  
эмасми?

— Ҳеч нарсага,— гапни қисқа қилди Рогхупоти.

Жай Сингхнинг қўли муштга айланди.

— Ҳаммасини ҳақ деб билишим лозимми?

— Ҳаммасини,— жавоб берди брахман ёш коҳинга  
хўмрайиб туриб.

— Менинг юрагим ёрилиб кетай деяпти,— деди  
йигит қўлини кўкрагига босиб.

У оломон орасидан қисилиб ўтди-да, қоча бош-  
лади.

## У Н ТЎРТИНЧИ БОБ

Бугун ашарх ойининг йигирма тўққизинчи куни. Кечаси ўн тўрт тангри шарафига ибодат қилинади.

Бирорта булут кўринмаган пальма ўрмони устига қуёш кўтарилиди. Жай Сингх олтин шуълада чўмилаётган шу ўрмонга кириб келди. У дарахт тагида ўтириб, ўйга ботди. Унинг қанчадан-қанча хотиралари шу ибодатхона билан боғлиқ. Кўм-кўк пальмазор соя ташлаб турадиган оқ мармар зиналар, Гомоти соҳилида тарважайлаб ўсган банъян ва ёнгинасида кўл. Унинг болалик чоги шу ерда ўтди. Ўтган кунларнинг гўзал кўринишлари жилмайиб, оғушта этади уни. Юрагида эса бундай садо янграрди: «Мен энди йўлдаман, ҳамма ҳаммалари билан хайрлашдим, энди қайтмайман...» Қуёш оқ мармар иморатни ёритди, унинг пойдеворига чап тарафдан боқул дарахти шохининг қимиirlаб турган сояси тушди. Жай Сингх ёш чоғида ибодатхона унга тирик бир жондордай туюлиб, у ўйнаб юрган зиналар энг яхши дўсти эди. Бугун ҳам саҳар офтоби нурида ёришган ибодатхона Жай Сингхга тирикдай туюлди. У худди болалик чоғларидагидек бир ҳиссиёт билан оқ зиналарга қараб қолди, ибодатхонадаги тош ҳайкал эса, яна аввалгидек Она бўлиб кўринди. Шундай бўлса ҳам бир алам, бир дард юрагини эзарди. Жай Сингх йиғлади, бироқ Рогхупотини кўриб кўз ёшларини арти, ўрнидан туриб, устозига таъзим этди.

— Бугун ибодат куни. Сен Онага қасамёд этганингни унугтанинг йўқми?

— Йўқ.

— Бажарасанми?

— Ҳа.

— Эҳтиётлик билан ҳаракат қил, ўғлим. Фоят хавфли иш. Сенга бирор заарар-захмат етмасин деб мен барчани рожага қарши оёқлантирдим.

Жай Сингх жавоб бермади, устозига бир қараб қўйди, холос; Рогхупоти қўлини унинг бошига қўйди.

— Менинг фотижам билан сен ўз бурчинг ва Она амрини хавфу хатарсиз адо этасан.

Шундан сўнг брахман кетди.

...Чошгоҳдан сўнг Гобиндо Маникко Дхрубони ўйнатарди. Дхрубонинг илтимоси билан у гоҳ тожини бо-

шидан олар, гоҳ қайта киярди. Бу машғулотнинг рожага нечоғлиқ ўнғайсизлигини кўриб, бола кўзларига ёш келгунча куларди.

— Ўрганиш керак,— кулимсираб деди Гобиндо Маникко.— Парвардигорнинг иродаси билан менинг тож кийишм осон бўлди, илоҳим унинг хоҳиши билан бошдан олишим ҳам енгил бўлсин. Тож кийиш қийин, ундан ажралиш яна ҳам қийин.

Бирдан Дхрубонинг бошига бир фикр келиб қолди. У Гобиндо Маниккога қаради, бармоғини оғзига тиқиб, сўнгра деди:

— Сиз ожа.

Бола «р»ни айттолмагани учун заррача пушаймон эмасди, аксинча — рожанинг ҳузурида уни «ожа» деб атаганидан жуда хурсанд эди. Гобиндо Маникко Дхру-бога тегажаклик қилмоқчи бўлди.

— Сен ўзинг ожа.

— Йўқ, сиз ожа.

Мунозара чўзилиб кетди. Икки томоннинг ҳам далили йўқ эди, улар шунчаки гапдан қолмасликка тиришардилар. Охири рожа Дхрубонинг бошига тожини кийдиралиб қўйди — бола тамом мағлубиятга учраб жим бўлиб қолди. Тож Дхрубо юзининг ярмини беркитди, шундан боши жуда катта бўлиб кўринди.

— Эртак айтиб беринг,— тождан жудо бўлган рожага фармон берди Дхрубо ва бош қимирлатиб фармонини таъкидлади.

— Сенга нимани айтиб берсамикан?

— Опам айтганларини айтиб беринг.— Дхрубо дунёда опасидан эшитганларидан бошқа ҳеч қандай воқеа бўлмаган деб ўйларди.

Гобиндо Маникко унга узун, қадимий бир воқеани нақл-эта бошлади.

— Бор экан, йўқ экан, Хиранякашипу номли бир ожа бор экан<sup>1</sup>...

— Мен ожа! — хитоб этди Дхрубо.

Бошида ўёқдан-буёқча силкиниб турган тожнинг қудратию вазни туфайли бола Хиранякашипунинг подшоҳлигини қатъян рад этди.

<sup>1</sup> Хиранякашипу — девлар подшоҳи, ўғли Салқин Вишнуга байъат келтиргани учун отаси уни маҳв этмоқчи бўлади, аммо шу пайт Вишну шер қиёфасида ҳозир бўлиб, Хиранякашипуни пора-пора қилиб ташлайди.

Бола хурсанд бўлсин деб Гобиндо Маникко кушо-  
мадгўй сарой аъёнларига тақлид қилиб деди:

— Сен ҳам рожа, уям рожа.

Аммо Дхрубо бунга рози эмасди:

— Йўқ, мен, мен ожа.

Гобиндо Маникко чекинди:

— Бўпти, Хиранякашипу рожа эмас, у иблис.

Бола, энди бунга қаршилик қилмаса ҳам бўлади,  
деб ўйлади.

Шу пайт хонага Ноккхотро Рай кириб келди.

— Муҳим бир иш сабабли маҳарожа мени кўрмоқ-  
чи эканлар. Фармонларини кутаман.

— Ҳозир, ҳозир, мана бу эртакни айтиб бўлай.

Дхрубо эртакни охиригача эшитиб, ўзининг қисқа-  
ча хулосасини чиқарди: «Иблис — тантиқ экан».

Тожни Дхрубо бошида кўриб Ноккхотронинг энса-  
си қотди. Ноккхотронинг хўмрайиб қараши бола-  
нинг эътиборидан четда қолмади ва у жиддий оҳанг-  
да:

— Мен ожа,— деди.

— Нималар деялсан, тирмизак, бунаقا дейиш мум-  
кин эмас.

Ноккхотро Дхрубонинг бошидан тожни олиб, рожа-  
га бермоқчи бўлди. Аммо Дхрубо тожни бергиси кел-  
май, ҳақиқий ҳукмдордек жаҳл билан қичқириб  
юборди. Гобиндо Маникко укасини тўхтатди, шу тари-  
қа жанжал ҳам тугади.

Охири рожа ишга ўтди.

— Эштишимча,— деди у Ноккхотро Райга,— ко-  
ҳин Рогхупоти разилона воситалар билан фуқаролар  
орасига низо уругини сепиб юрибди. Сен шаҳарга ту-  
шиб, нима росту нима ёлғон эканини аниқлаб, менга  
хабар қиласан.

— Бош устига,— жавоб берди Ноккхотро Рай ва  
тожни Дхрубо бошида кўрган пайтдаги кўнгилсиз ҳис-  
сиёт билан чиқиб кетди.

Соқчи кирди.

— Ёш коҳин Жай Сингх ҳазрат олийларининг му-  
лоқотига келибдир.

— Кирсин!

Жай Сингх қўлини салом ҳолатида тутиб таъзим  
этди.

— Маҳарожа, мен бугун йироқ йўлга чиқаман.

Сиз менинг султоним, устозимсиз, бинобарин, сиздан фотиҳа олгани келдим.

— Сен қаёққа бормоқчисан, Жай Сингх.

— Билмадим, махарожа. Бу йўлни ҳеч ким билмайди.

Рожа қандайдир эътиroz этмоқчи эди, бироқ ёш руҳоний унга халақит берди:

— Сиздан ёлвориб сўрайман, махарожа, мени бу йўлдан қайтарманг! Ман этманг! Йўқса, йўлим хайрли бўлмайди. Яхшиси дуо қилинг, токи у нотаниш ўлкада, мени бу ердагидек шубҳалар кемирмасин, улардан халос бўлай, йўлим чароғон бўлсин, шундай бир ўлкага тушайки, уни сиздек диёнатли рожа идора қилаётган бўлсин, охир-оқибат мен ҳам ором топай.

— Қачон жўнамоқчисан?

— Бугун оқшомда. Вақт унча кўп эмас. Мен кетдим.

Жай Сингх эгилиб таъзим қилди, рожанинг оёқларига икки томчи кўз ёши оқиб тушди.

Йигит ўрнидан туриб, эшик томон йўл олди. Дхрубо секин унга яқинлашиб, этагидан тортди.

— Кетманг.

Жай Сингх кулимсираб ўгирилди, болани қўлига олиб ўпди.

— Мен ким билан қоламан, ўғлим? Бу ерда менинг ҳеч кимим йўқ.

— Мен ожа,— эълон қилди Дхрубо.

— Сен рожадан кучлисан. Қимни хоҳласанг уни ўзингга банд эта оласан.

Жай Сингх болани ерга қўйиб, рожанинг хонасида чиқиб кетди. Гобиндо Маникко чуқур ўйга чўмди.

## У Н БЕШИНЧИ БОБ

Ибодат кечаси ҳам келди. Осмонда булутлар пайдо бўлди. Ой гоҳ кўринар, гоҳ қайта яширинарди. Гомоти қирғоқларида ўсган дараҳтлар ой жамолига боқиб, аҳён-аҳёнда шитирлаб оҳ тортиб, ўзларини ўраб олган тун сукунатини бузарди.

Бу кечада одамларнинг кўчага чиқиши тақиқланган, бундай кеч пайтда одатдаги вақтларда ҳам ҳеч ким кўчада кўринмайди, бугун ёса ҳамма ёппасига

ўлгандай туюларди. Шаҳарликлар эшикларини беркитиб, чироқларини ўчиришган, соқчилар қоровуллик қилиб турган жойларини ташлаб кетишган.

Ҳатто қароқчилар ҳам бу тунда кўчага чиқишмайди. Оиласида бирор киши қазо этганлар ҳам, жасадни дағн гулханига олиб бориш учун тонг отиб, қуёш чиқишини пойлаб туради. Жон узаётган гўдак учун бориб табиб чақириш ҳам мумкин эмас. Йўл бўйидаги дараҳт остида тунайдиган гадо ҳам бу кечада қандайдир бир оғилхонадан бошпана топган. Шаҳарда чиябўри ва итлар чопиб юрар, қоплонлар эса тап тортмай уйларнинг остонасигача борарди.

Фақат бир кишигина бу кечада уйида эмасди — одамларнинг фақат биттаси. У дарё соҳилида ўтириб ханжар қайрарди, унинг хаёллари эса қаердадир йироқ-йироқларда. Пўлат аллақачон олмосдек ўткир бўлса ҳам, бу одам уни қайрашда давом этяпти, гўё қурол билан бирга ўз фикрларини қайрамоқда эди. Ўткир тиг қайроққа суркалиб, қонга ташнадай қизиб кетди. Дарё қора лента бўлиб, тун зулматида чопиб кетмоқда, осмонда сартосар қора булут сузиб юрибди. Зулмат кечада фалак узра санқиб, вақт-соат ҳисобин чиқармоқда.

Сел бошланиб, Жай Сингхнинг — бу ўша эди — хаёлинини бўлди. Ёш коҳин қизиб кетган ханжарни қинига солиб, ўрнидан турди. Тезда ибодат бошланади. Йигит ўз қасамини унуганий йўқ, энди ҳаяллаш мумкин эмас.

...Ибодатхона минглаб шам билан ёритилган. Ўн учтангри орасида тилини чиқариб маъбуда Кали турибди — у одам қонига ташна. Рогхупоти ибодатхонанинг ҳамма ходимларига жавоб бериб, энди ўзи ёлғиз ўн тўрт ҳайкал қаршисида ўтирибди. Унинг олдида узун қилич. У ярақлади, шамлар шуъласида қотиб қолган яшинни эслатади. Қилич маъбуданинг фармонига мунтазир.

Ибодат ярим кечада бошланади, вақт жуда оз қолди. Рогхупоти бесаранжом, чунки Жай Сингх ҳамон бедарак. Қўйқисдан момақалдироқ бошланди. Шамол минглаб шамларнинг оловли тилларини титратди, яланғоч қилич тифида чақмоқ шуъласи ўйнаб ўтди. Ўн тўрт ҳайкал ва Рогхупотининг ҳаракатга келган соялари, қандайдир рақсга тушиб, ибодатхонани гир

айланиб кетишиди, бўрон шиддатидан чаноқ-қадаҳ ерда юмалаб кетди. Қуруқ япроқ шамолда учгандай икки кўршапалак сояси деворда уёқдан-буёққа учиб юарди.

Ярим кечада бўлиб қолди. Аевал яқинда, кейин узоқда, ниҳоят қаердадир жуда йироқда чиябўри увиллагани эшитилди. Уларга жўр бўлиб шамол бўкириди. Ибодатни бошлиши вақти келди. Дилғашлик Рогхупотига ором бермасди.

Бирдан тун зулмати қаъридан ёргуғ ибодатхонага Жай Сингх кириб келди, у бамисоли яшиндай тўсатдан, бир онда пайдо бўлди! Ёш коҳин ўраниб олган узун чакмондан сув оқар, у тез ва оғир нафас олар, кўзлари ёнарди.

Рогхупоти унга ёпишиб, қулоғига шивирлади:

— Олиб келдингми?

— Олиб келдим! — қаттиқ гапирди Жай Сингх брахманнинг қўлини четлатиб.— Мен подшоҳ қонини олиб келдим. Нари туринг. Мен Олампаноҳ-Онага мурожаат қилмоқчиман.

Унинг овозидан ибодатхона деворлари ларзага келди. Жай Сингх маъбуда Кали — Олампаноҳ-Она ҳайкали қаршисида туриб қолди.

— Она, сенга чиндан ҳам ўз болангнинг қони керакми? Ташналигингни фақат подшоҳ қони қондирадими? Мен болалигимдан сени Онам деб келдим, сидқидилдан сенга тоат-ибодат қилдим, зеро менда бундан бошқа мақсад йўқ эди. Мен рожпут, кшатрийларданман. Отамнинг бобоси рожа эди. Она авлодларим ҳали ҳам подшоҳлик қилмоқдалар. Ол, болангнинг қонини. Бу ҳам подшоҳ қони!

Чакмон елкадан тушди, ханжар яшиндай ялт ётди — Жай Сингх уни сопигача кўкрагига санчди. Ажалнинг ўткир тифи юракни тешиб ўтди. Йигит Она оёқлари остига йиқилди. Лекин Олампаноҳ-Она қимир этмади, чунки у тошдан-да.

Рогхупоти фарёд кўтариб Жай Сингхга ташланди, уни кўтаришга уринди, кейин ҳолдан кетиб, мурданинг устига йиқилди. Оқ зиналардан қон оқиб кетди. Бирин-кетин шамлар сўнди. Тун бўйи қоронғида ким-

<sup>1</sup> Чаноқ-қадаҳ — диний маросимларда ишлатиладиган май идиши.

нингдир нафас олгани эшитилиб турди. Саҳарга яқин момақалдироқ тўхтаб, атроф жимжит бўлиб қолди. Тонгга яқин булутлар остидан ой чиқиб, ибодатхонага назар солди, унинг заиф нурлари йигитнинг оқариб кетган юзини аранг ёритди. Бош тарафдаги ўн тўрт тангри унга қараб турибди. Субҳидамга бориб, ўрмонда қушлар чирқиллай бошлигандагина Рогхупоти содиқ ходимнинг жонсиз жасади олдидан нари кетди.

## У Н ОЛТИНЧИ БОБ

Рожанинг фармонини бажариш учун Ноккхотро Рай саҳарлаб саройдан чиқди. Ҳозир ибодатхонага бориши — шаҳзодани ғулғулага солиб қўйди. Чунки Ноккхотро Рай Рогхупоти ҳузурида алланечук бўлиб, ўзини қандай тутишини, нима қилишини билмай қоларди. Брахманнинг кўзига кўринишни истамай, у яширинча Жай Сингх олдига киришга жазм этди, ундан ҳамма нарсани ипидан-игнасигача билиб олиши мумкин.

У худди шундай қилди: оҳистагина ёш коҳин ҳужрасига кирди, аммо шу ондаёқ қиммишидан пушаймон бўлди. Жай Сингхнинг нарсалари — китоблар, идишлар тартибсиз сочилиб кетган, ўртада Рогхупоти ўтирибди. Жай Сингхнинг ўзи йўқ. Брахманнинг кўзлари чўғдек ёниб, соchlари тўзғиб кетган. У Ноккхотро Райнинг қўлидан маҳкам ушлаб, зўрлаб ерга ўтқазди. У на ўлик, на тирик эди. Рогхупотининг қарашидан унинг юраги така-пука бўлиб кетди.

— Қон қани?

Ноккхотро Райнинг юраги орқасига тортиб, бирор сўз деёлмай қолди.

— Ваъданг нима бўлди? Қон қани? — Рогхупоти девонавор бақиради.

Шаҳзоданинг аъзойи бадани қалтираб кетди, қимтиниб, орқага тисарилди ва кийимининг әтагини йиғишитирди.

— Тақсир... — деб бошлиди Ноккхотро қуриқшаган лаблари билан, бироқ руҳоний унга гал бермай, ўзи давом этди:

— Олампаноҳ-Она жазокор қиличини ўзи кўтарди. Энди ҳамма жойда қон дарё бўлиб оқади. Авлодларингиз томирида унинг бир томчиси ҳам қолмайди.

Сенинг акангга муҳаббатинг оқибатини ўшандада кўрамиз!

— Акамга муҳаббат! Ҳа, ҳа, ҳа! Тақсир...

Кулги унинг лабида қотиб, томоғини бўғди.

— Менга Гобиндо Маникконинг қони эмас, дунёда унинг учун энг қимматли, жонидан азиз кимсанинг қони керак. Мен унинг қонини Гобиндо Маниккога сепаман, бу қон унинг кўкрагида қотиб қолади, унинг доги ҳеч қачон, ҳеч вақт кетмайди! Мана қара, диққат билан қара!

Коҳин устидаги чадорни йиртди — унинг бадани бутунлай қонга белангган, кўкрагида лахта бўлиб қрайган қон доғлари кўринарди.

Ноккхотро Рай сапчиб тушди. Рогхупоти унинг қўлини омбурдай қисди.

— У ким? Гобиндо Маникко кимни ўзидан зиёд-реқ севади? Кимнинг йўқолиши билан дунё унинг кўзига қоронғи, ҳаёти маъносиз бўлади? Эрталаб уйқудан уйғонган ҳамон у кимни эслайди, оқшом истироҳатга бориш олдида юрагида кимга бахту толе тилаб дуо қилади? Унинг кўнглини тўлдирган ким? Сенми?

Рогхупоти мижжак қоқмай шаҳзодага кўз қадаб қолди. Йўлбарс кийик боласига ҳамла қилишдан оддин шундай қарайди.

— Йўқ, мен эмас,— ошиғич равишда жавоб берди Ноккхотро. У қўлини бўшатмоқчи эди, бироқ сираям бўшатолмади.

— Ундан бўлса, ким у?

— Дхрубо! — Оғзидан чиқиб кетди.

— Дхрубо ким ўзи?

— Бир гўдак...

— А-а, биламан, биламан... Рожа тарбиясидаги бола. Ҳукмдор уни ўз фарзандидек ардоқлайди. Ўзиники йўқ-да. Одамлар ўз болаларини қандоқ севади, билмайман, аммо боқиб олган болалари учун ўз жонларини беришга тайёр. Тўғри, бу гўдакнинг бахти Гобиндо Маникко учун унинг бутун давлатидан қиймат. Менинг фикримча, тожни унинг бошида кўриш рожга ўзи кийгандан кўра кўпроқ ҳаловат бағишиласа керак.

— Худди шундай, ҳаммаси тўғри,— жавоб берди Ноккхотро Рай Рогхупотининг зийраклигидан ҳайратда қолиб.

— Бўлмасам-чи! — кулимсиради брахман.— Рожа болани қандай севганини мен билмай ким билсин? Мен буни яхши тушунаман. Менга ана шу бола керак!

Шаҳзода бу гапни эшитиб, оғзи очилиб қолди. Ке-йин ўз-ўзича такрорлади:

— Ана шу бола керак...

— Сен уни олиб келишинг лозим. Шу кечасиёқ!

— ...Шу кечасиёқ...

Рогхупоти Ноккхотро Райнинг кўзидан кўз узмай, овозини пасайтириб гапирди:

— Мана шу бола сенинг душманинг, буни пайқайсанми? Сен сулоланинг вориси буёқда қолиб, қандайдир таги-туги номаълум асранди тожни сендан тортиб олмоқчи. Лоақал мана шу тушунарлими сенга? Нахотки кўзинг очиқ бўла туриб, сени кутган тахтда унга жой тайёрлаётганларини кўрмасанг?

Эшитганлари Ноккхотро Рай учун янгилик эмасди, шу хил фикрлар унинг ҳам бошига келган эди.

— Бу хусусда гапирмасангиз ҳам бўларди, тақсир. Мен кўр эмасман! — ғуур билан жавоб берди шаҳзода.

— Ундай бўлса, яна ўйлаб ўтиришга ҳожат йўқ! Уни олиб кел, шу билан сен учун тахтга муқаррар йўл очилади. Нима бўлса ҳам, яна бир кун кутамиз, ке-йин эса... сен уни қачон олиб келасан?

— Шу оқшом, қал қоронги тушиши билан.

— Агар олиб келмасанг брахманнинг лаънатига қоласан.— Рогхупоти муқаддас риштасини ушлаб қўйди.— Сен ваъда бердингми, уни бажаришга мажбурсан — йўқса, уч кеча ўтмай, шу сўз чиққан лабу лунжингни қузгуналар чўқий бошлайди.

Ноккхотро Рай чўчиб, қўли билан юзларини силаб қўйди. Йиртқич қушнинг ўткир тушмуғи билан нозик терини қандай чўқишини тасаввур қилганида, унинг әтлари жунжукиб кетди. У Рогхупотига таъзим қилиб, ошиғич равишда чиқиб кетди. Ёруққа чиқиб, одамлар орасига киргандагина Ноккхотронинг руҳи кўтарилди.

## ЎН ЕТТИ НЧИ БОБ

Оқшом яқинлашди. Дхрубо саройнинг ички хона-ларида ўйнаб юрарди. Ноккхотро Райни кўриб, «амаки» деб қичқирганча унга ташланди, жажжи қўллари билан бўйнидан қучоқлаб, юзини юзига қўйди.

— Амаки, амакижон,— секин такрорлadi гўдак.

— Жим-м, ундаи дема! Мен сенга қандай амакиман?

Дхрубо ҳайратда қолди: ахир у кишини бола мудом шундай деб чақиради-да. Бола бир зумда жим бўлиб, жиддий тус олди. Кейин шаҳло кўзлари билан шаҳзодага қараб сўради:

— Бўлмаса кимсан?

— Мен сенинг амакинг эмасман.

Гўдакнинг кўнгли чоф бўлди: у ҳеч қачон бундай қизиқ ҳазилни эшитмаган эди.

— Сен амаким, амаким,— кулди Дхрубо.

Ноккхотро уни ишонтиromoқчи бўлди, лекин у ўз сўзини тақрорлаб, борган сари қаттиқроқ кула бошлади. Ноккхотронинг жигига тегиш унга жуда ёқиб қолди.

— Дхрубо, опангни кўришни истайсанми?

Бола шу заҳоти қўлдан тушди.

— Опам қаерда?

— Она ҳузурида.

— Она қаерда?

— Унча узоқ эмас. Мен сени унинг олдига олиб боришим мумкин.

Дхрубо чапак чалиб юборди.

— Қачон, амакижон?

— Ҳозир.

Бола шодликдан чинқириб, яна Ноккхотронинг пинжига кирди. У Дхрубони кўтариб, уни чакмон билан ўради-да, яширин йўл билан саройдан олиб чиқиб кетди.

Бу кеча ҳам кўчага чиқиши тақиқланган; кечагидек йўлда на соқчилар, на йўловчилар бор. Фақат тўлин ой осмонда порларди.

Ибодатхонага кирибоқ Ноккхотро Дхрубони брахманга бермоқчи бўлди. Бироқ бола шаҳзодага ёпишиб, ундан сира ажralишини истамади. Рогхупоти зўр билан уни юлқиб олди. У: «Амаки, амакижон!»— дея қичқириб йиглади. Шаҳзоданинг кўзларига ёш келди, бироқ брахманинг олдида раҳмдиллик қилишга уяларди. Ноккхотро тошюрак одам эканини кўрсатмоқчи бўлди. Дхрубо йиглаб: «Опа, опа!»— деб чақиради лекин опаси келмасди. Рогхупоти ваҳимали ҳайқири билан боланинг овозини ўчирди. Бола қўрқанидан

жимиб, аҳён-аҳёнда ҳиқиллаб қўярди. Бўлаётган во-  
қеага ўн тўрт тангри эҳтиросиз назар соларди.

...Уйқусида кимнингдир йиғисини эшишиб Гобиндо  
Маникко кўзларини очди.

— Махарожа! Махарожа! — бирдан ҳаяжонланган  
овоз келди дераза орқали пастдан.

Рожа сапчиб турди. Ой ёруғида у Кедарешшорни  
кўрди.

— Нима гап?

— Махарожа, менинг Дхрубом қаерда?

— У ўрнида йўқми?

— Йўқ.

Шундан сўнг Кедарешшор тушунтира кетди:

— Кечки пайт қарасам Дхубо йўқ. Одамлардан  
сўраб-суриштиридим. Ноккхотро Райнинг хизматкорла-  
ри, Дхубо ичкарида шаҳзода билан бирга, дейишиди.  
Мен хотиржам бўлдим, кейин қарасам вақт жуда кеч,  
яна бесаранжом бўла бошладим. Суриштириб билсан  
шаҳзода саройда йўқ экан. Сизнинг ҳузурингизга ки-  
ришга уриниб кўрдим, бироқ соқчилар менинг сўзимга  
қулоқ ҳам солишмади. Ночор деразадан қичқириш-  
га тўғри келди. Уйқунгизни қочирганим учун афв  
этинг.

Рожа бу косанинг тагида ним коса борлигини дар-  
жол пайқади. У тўрт соқчини чақирди.

— Қурол олиб, мен билан бирга юринглар.

— Махарожа,— эслатди соқчилардан бири,— бу  
кеча уйдан чиқиш ман этилган-ку.

— Сизларга мен фармон этяпман.

Кедарешшор бирга бормоқчи бўлди, лекин Гобиндо  
Маникко уни қайтарди. Одамсиз, лекин сутдек ойдин  
йўл билан рожа ибодатхона томонга кетди.

...Бирдан ибодатхона эшиклари ланг очилди. Ич-  
кари қоронғи, фақат битта шам ёниб турибди. Нокк-  
хотро билан Рогхупоти май ичиб ўтирибди, олдилари-  
да қилич.

Дхубо қани? У Кали ҳайкали оёқлари остида ух-  
лазб ётибди. Юзларида қуриган кўз ёшининг изи, оғзи  
сал очиқ, чеҳрасида осудалик, гўё тош устида эмас,  
опасининг тиззасида ухлаган-у, у ўпиб-ўпиб кўз ёшини  
қуритгандек.

Май таъсиридан Ноккхотро сергап бўлиб қолди,  
аммо Рогхупоти маст шаҳзоданинг гапларига эътибор

бермай, сокин ўтириб, ибодат вақтини күтмоқда, у эса бамисоли бақабулбул:

— Сизнинг юрагингиз така-пука бўляпти, тақсир. Мен эса қўрқмайман! Нимасидан қўрқаман? Кимдан? Қўрқманг, тақсир! Сизни ўзим ҳимоя қиласман. Мени рожадан қўрқади деб ўйлайсизми? Мен Шоҳ Шужадан ҳам тап тортмайман. Ҳатто Шоҳ Жаҳонни ҳам писанд қиласман! Сал ишорат қилганингизда, мез рожанинг ўзини олиб келардим, унда маъбудага муносиб совга бўларди-да! Бу тирранчанинг қанча қони бор?

Бирдан ибодатхона йўлагида соя пайдо бўлди. Ноккхотро Рай ўгирилди — рожа! У бир зумда ҳушёр бўлиб, ўз соясидан ҳам қорайиб кетди. Гобиндо Маникко дарров ухлаб ётган Дхрубони қўлига олиб, соқчи-ларга фармон берди:

— Икковлари ҳибсга олисин!

Тўрт соқчи Рогхупоти ва Ноккхотро Райнин кўхтиқларидан олишди. Рожа Дхрубони бағрига босиб, ўша одамсиз ойдин йўл билан саройга қараб кетди. Рогхупоти ва Ноккхотро Рай бу кечани қамоқхонага ўтказишиди.

## УН САККИЗИНЧИ БОБ

Эртасига суд бошланди. Залга шундай одам йиғидики, игна ташланса ерга тушмасди. Суд ўрнида рожа, атрофида яқинлари, рўпарада айбордорлар ўтиради. Уларнинг қўлларига кишан солинмаган, аммо ёнларда қуролли соқчилар бор эди. Рогхупоти тош ҳайкал ёнига келди, Ноккхотро Рай бошини кўкрагигача энчо хомуш туради.

Рогхупотининг гуноҳкорлигини бўйнига қўйиб, рожа ундан сўради:

— Сиз бир нарса демоқчимисиз?

— Мени суд қилишга сизнинг ҳаққининг Ҳўй.

— Нима учун?

— Мен брахман, парвардигорнинг хизматкори, мени фақат ўтпанинг ўзи суд қила оладим.

— Парвардигорнинг ерда юнадо жиёларни бора охлар гуноҳ учун жаао, савоб учун мукаддире берадиган. Биз, Гобиндо Маникко, шударнинг оғзи. Мен сиз ўлан муносибаша қилиб ўтпанини метамайдам. Сизни

ўраяпман, сиз кеча қурбонлик қилиш учун бола ўғирладингизми?

— Ҳа.

— Гуноҳингизни бўйнингизга оласизми?

— Бўйнимга олмайман! Менинг ҳеч қандай тунорхим йўқ. Мен Олампаноҳ-Онанинг амрини бажо келтираман, сиз бунга халақит бердингиз. Демак, сиз гуноҳкорсиз. Олампаноҳ номидан мен сизни айблайман! У сизни суд қиласди.

Коҳиннинг сўзларини жавобсиз қолдириб, рожа бундай деди:

— Кимки тангриларга қурбонлик қилса ёки қилмоқчи бўлса — мамлакатдан бадарга қилинади. Шу қонунга мувофиқ сизни саккиз йилга бадарға қиласман. Соқчилар сизни менинг қаламравим ҳудудидан чиқарип қўйишади.

Соқчилар Рөгхупотипи суд залидан олиб чиқмоқчи бўлишиди.

— Қимирламанг! — ҳайқирди у, сўнг рожага мурожаат этди: — Сизнинг судингиз тугади, энди мен сизни суд қиласман, марҳамат қилиб эшитинг! Бизнинг ибодатхоналарда бир қонун бор: кимки ўн тўрт тангрига ибодат қилинадиган икки кечанинг бирида уйдан чиқса — коҳин олдида жавобгар бўлади. Шу қадимий қонунга мувофиқ сиз менинг олдимда жавобгарсиз.

— Мен жавоб беришга тайёрман.

— Бу ҳаракат учун фақат жарима солинади, — эслатишиди яқинлари.

— Мен сизга икки юз минг рупия жарима соламан! Буни шу заҳоти тўлаш лозим.

Бир оз тафаккурдан кейин рожа жавоб берди:

— Майли, шундай бўла қолсин.

У хазиначини чакириб, икки юз минг рупия санаб беришга амр этди. Соқчилар Рөгхупотини олиб кетишиди.

Рожа шаҳзода томон ўгирилиб, жиддий сўради.

— Ноккхотро Рай, сен ўз айбингни бўйнингга оласанми?

— Мен айборман, махарожа, лекин менга раҳмашафқат қилишингизни ўтинаман!

У ўзини акасининг оёқлари остига ташлади.

Махарожа бир лаҳза иккиланиб, кейин ўзини қўлга олди.

— Ўрнингдан тур, Нокх хотро Рай, менинг сўзимга қулоқ сол. Афв этишга ҳаққим йўқ, мен ўзим жорий этган қонунга ўзим бўйсунишим керак. Бу қоидага риоя қилиш айбдор учун ҳам, судья учун ҳам мажбурий. Бир жиноят учун бирига жазо бериб, бирини афв этиш мумкинми, ўзинг ўйлаб кўр?

— Махарожа, Нокх хотро сизнинг укангиз, унга шафқат қилинг,— тарафдорлик қилишди яқинлари.

— Жим туринг!— сўзларини бўлди рожа.— Мен адолат курсисида ўтирган пайтда укам ва дўстим бўлмайди!

Яқинлари қайта лом-мим деёлмай қолишиди. Зал жимжит бўлиб қолди.

— Ҳаммангиз эшитдингизми?— қатъият билан давом этди рожа.— Кимки тангрига қурбонлик қилса ёхуд қилмоқчи бўлса — бадарға қилинади. Менинг мамлакатим қонуни мана шундай. Кеча кечқурун Нокх хотро Рай коҳин билан тил бириктириб, қурбонлик қилиш учун бола ўғирлашган. Нокх хотро Рай айбдор, бинобарин, мен уни саккиз йилга бадарға қила-ман.

Соқчилар шаҳзодани олиб кетиш учун унга яқинлашдилар. Рожа ўрнидан туриб, Нокх хотро Райни қу-choқлади ва йигламсираган, қалтироқ овозда галирди:

— Иним, жазоланган фақат сен эмас, мен ҳам. Илгариги туғилишимда нима гуноҳ қилганимни билмайман. Дўстлардан йироқда худойим сени ўз паноҳида арасасин.

Ҳукм ҳақидаги хабар дарров ҳаммага маълум бўлди. Саройнинг ички хоналарида йифи-сиги бошланди. Рожа ўз хонасига кириб эшикни беркитди ва қўлла-рини қовуштириб, худога муножот қилди:

— Эй поко парвардигоро! Мен қачон гуноҳ қилсан раҳму шафқат қилмай, гуноҳимга яраша жазо бер. Гуноҳ учун берилган жазога бардош бериш мумкин, аммо афв юкини кўтариш — тоқатдан ташқари.

Рожанинг кўнглида укасига нисбатан муҳаббат аввалгисидан зўрайди. Болалигини эслади, Нокх хотро, унинг ўйинлари, сўзлари, қилиқлари. Кунлар, оқшом-лар бирин-кетин кўз ўнгидан ясов тортиб ўтдилар... Мана, кичкина Нокх хотро қуёш шуъласида... Мана, у юлдуз тўла осмон остида...

Рожанинг юзлари кўз ёшидан ҳўл эди.

## ЎН ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

Рогхупотининг Трипур билан видолашадиган пайти келди.

— Қайси тарафга борамиз, тақсир? — сўрашди соқчилар.

— Ғарб томонга!

Хўп йўл юришди, ўнинчи куни Даққа шаҳри намоён бўлди. Соқчилар маҳкумни қолдириб, ўзлари пойтахтга қайтишди.

«Агар ҳозирги замонда брахман дуосининг таъсири қолмаган бўлса, кўрайлик-чи, у ўз ақли билан нимага эришади? Рожа Гобиндо Маникконинг баҳоси нима бўлади-ю, мен брахманинг нархи қанча эканини вақтнинг ўзи кўрсатади», — деди ўз-ўзига Рогхупоти.

Унинг узоқ Трипурдаги ибодатхонасига Бобирийлар салтанатидан камдан-кам хабарлар етиб бораради. Даққага бориши билан Рогхупоти Бобирийлар давлатининг сиёсати ва бу давлатдаги аҳвол ҳақида ҳамма нарсани суриштириб билишга ошиқди.

У вақтларда бу жойлар Шоҳ Жаҳоннинг қўл остида эди. Унинг учинчи ўғли Аврангзеб Бижапурни босиб олиш учун ғарбга юриш бошлиди. Иккинчи ўғли Шужа Бенгалия ҳокими эди. Ражмохолни ўзига пойтахт қилиб олди. Кенже ўғли Мурод Гужарад ҳокими эди. Тўнғич ўғли валиаҳад шаҳзода Доро пойтахт — Деҳлида яшарди. Подшоҳ Шоҳ Жаҳон олтмиш етти ёнда бўлиб, мўнкиллаб қолганди, бинобарин, улуғ давлатни идора қилишининг ҳамма ташвиши шаҳзода Доро зиммасига тушарди.

Рогхупоти бирмунча вақт Даққада яшаб, у ерда урду тилини ўрганди, кейин Ражмохолга жўнади.

Бенгалия ҳокими пойтахтига келиб руҳоний бутун Ҳиндистонни ҳаяжонга солган янгиликни эшиитди: Шоҳ Жаҳон ўлим тўшагида эди. Шужа дарҳол Деҳлига қўшин тортди. Шоҳ Жаҳоннинг тўрттала ўғли ҳам калхатлардек ўлаётган подшоҳнинг тахтига чов солишга тайёр эдилар.

Шужанинг кетидан бориши ниятида брахман ҳам Ражмохолни тарқ этди. Тахтиравонни кўтариб юрадиган ҳаммоллар ва бошқа хизматкорларга жавоб берди, иккиси юз минг руپияни Ражмохол яқинида, кўздан йироқ бир жойга кўмиб, тепасига белги қилиб қўйди. Ўзи

озгина пул олди, холос. Рогхупоти олға қараб кетаркан, куйган кулбалар, ташландиқ қишлоқлар, пайхон этилган экинзорларга қараб йўлни аниқлаб борарди. Ударвишона кийиниб олган бўлса ҳам, тунаш учун бошпана топиш мушкул эди. Қаердан қўшин, бу горатгар чигиртка галаси ўтган бўлса, шу ерда очлик ҳукм сурарди. Суворийлар ва филлар учун этилмаган ҳосилни ўриб олишарди. Деконларнинг омборлари бўшаб қолди. Талончилик, бебошлиқ вақти келди. Одамлар қишлоқлардан қочиб кетишиди. Қолганлари эса ҳуркиб кетган кийикларга ўхшарди, улар ҳеч кимга ишонмас, ҳеч кимга шафқат этмас, ҳатто кулмас эдилар. Йўл бўйидаги дараҳт остида бир неча шоввозлар таёқ ушлаб ўтиришади. Улар кун бўйи йўловчиларни кутишади.

Кометанинг думидай қароқчилар тўхтовсиз қўшин кетидан юриб, аскарлардан қолган нарсаларни йигиширардилар. Баъзан аскарлар билан қароқчилар орасида уриш-муштлашиш бошланарди. Ўлик жасад устида итлар билан чиябўрилар шундай гажишади. Қаттиққўллик, йиртқичлик аскарлар учун шунчаки бир кўнгилхушлик бўлиб қолди. Улар учун тинчгина кетаётган йўловчининг қорнига қилич тиқиш ёхуд уни салласига қўшиб бошини кесиб ташлаш ҳеч гап эмасди. Улардан дехонларнинг ваҳимага тушиши бу каллакесарларнинг гайратига гайрат қўшарди, холос. Аскарлар қишлоқни талаб, одамларни хўрлаш, таҳқирлаш билан вақтичоғлик қилишарди. Икки мўътабар брахманни бир-бирига орқасини қилиб боғлашди, бурунларига димоғи нос сепишиди, қандайдир бир эркакни икки отга миндириб, отларни қамчиласди, отлар чопиб кетди, у одам йиқилиб, қўл-оёғи синди. Аскарлар ҳар кун янги эрмак йилаб топардилар. Қишлоқни ёндириб, бу подшоҳ шарафига мушакбозлик, дейишарди. Умуман уларнинг бебошликларини бир йўла айтиб адо қилиб бўлмайди. Табиий, бу шароитда Рогхупотининг иши енгил кўчмади. Баъзан у бирор емак топарди, аммо туз тотмаган кунлари ҳам бўларди, бу оқшом у ҳорган-толган ҳолда ярим вайронга кулбага кириб, шу ерда тунади. Эрталаб туриб қараса, унга ёстиқ бўлган нарса бошсиз жасад экан. Бошқа бир куни оч Рогхупоти кимнингдир уйига кирди — синиқ сандиқда бир одам юз тубан ётибди. Рогхупоти,

бу талантган нарсалари учун қуйиб-ёняшти, деб ўйлади, унга яқин келиб, секингина туртди, одам қопдек ерга қулаб тушди — бу ҳам мурда...

Кейин Рогхупоти яна кимнингдир кулбасида туанди. Саҳарга яқин эшик астагина очилди. Кузги ой нури билан хонага бир неча соя кириб келди, шивирлаган овоз эшитилди. Руҳоний сапчиб кетиб, сас-садосиз ўтирди. Шу заҳотиёқ қўрқсан хотинларнинг қичқириғи эшитилди. Қандайдир бир эркак бир қадам олдинга ўтиб, урду тилида сўради:

— Бу ерда ким бор?

— Мен брахман, дарвишман. Сизлар ким бўласизлар?

— Биз шу ерда яшаймиз. Қочган әдик, энди қайтиб келдик: аскарлар кетганга ўхшайди.

— Қайси томонга?

— Вижайгар томонга, яқинда Вижайгар ўрмонига кириб ғойиб бўлишди.

Рогхупоти, бошқа ҳеч нарсани сўраб-суриштирмай, йўлга равона бўлди.

## ИИГИРМАНЧИ БОБ

Вижайгар ўрмони — қароқчилар макони. Ўрмон орасига олиб борадиган йўлнинг гулга кўмилган қирғоқларида ер қанчадан-қанча қурбонларни яшириб ётибди. Ўрмонда, буталарга чирмашиб кетган чирмовуқ, азамат банъян, акация ва муқаддас ним дараҳтлари ҳамнафас бўлиб яшайди. Бу ерда тоза сув топилмайди, кўл эса кўлмакнинг ўзи, дараҳтлардан мутта-сил япроқ тўкилиб, суви кўкариб кетган. Илон изидек өгри-бугри тор йўлак қалин қоронги ўрмонда йўқ бўлиб кетади. Дараҳт шоҳларида маймун галаси. Банъяндан юзлаб ҳаво томирлари ва маймун думлари осилиб туради. Маймунларнинг тиржайган тишларидан, шефали дараҳтининг очилиб-сочилиган гулидан вайро-на ибодатхона ҳовлиси оппоқ оқариб кўринади. Да-раҳтларнинг садасимон учларида яширинган узун қуйруқ тўтиларнинг оқшомги қийқириқлари тун зулматини тешиб кетарди. Салкам йигирма минг қўшии мана шу жойга кириб келди. Чирмовуқ, ўт-ўлан ва буталар чирмашиб кетган, улкан телпакдек кенг май-донни қамраб олган ўрмон, тумшуғидан чангали ўт-

кирроқ йигирма минг қузғуннинг — тиш-тироғигача қуролланган қўшинининг қароргоҳи бўлиб қолди.

Ҳуркиб ҳавога кўтарилган қарға галаси қағилла-  
ганча осмонда айланиб, дараҳтга қўнишга ботинмас-  
ди. Аскарларнинг шовқин-сурон кўтаришлари та-  
қиқланган. Кун бўйи йўл юриб, улар оч қолишган,  
гулханларда овқат пишириб, ўзаро шивирлаб гаплаш-  
моқдалар; уларнинг шивирлаши ўрмонни тўлдириб,  
чигирткаларнинг тунги қўшиғини босиб кетди. Отлар  
дараҳтларга боғланган. Аҳён-аҳёнда уларнинг ер те-  
пингани ва кишинагани эшитилиб, бундан атроф ларза-  
га келади. Майдондаги нураган ибодатхона ёнида Шоҳ  
Шужага чодир қурилган, бошқаларнинг хобгоҳи да-  
раҳт остию кўкат усти эди, албатта.

Роғхупоти дам олмай, кун бўйи юриб, ўрмонга ке-  
часи етиб келди. Деярли ҳамма аскарлар донг қотиб  
ухлаган, фақат қоровулларгина бедор эди. Ҳар жой-  
ҳар жойда гулханнинг хира шуъласи кўриниб, гўё зул-  
мат уйқули кўзини аранг очиб қараётгандай бўларди.  
Роғхупоти ўрмонга кирган ҳамон бир йўла минглаб  
аскарнинг нафас олишини эшитаётгандай бўлди. Минг-  
лаб дараҳтлар донг қотиб посбонликда тургандай эди.  
Бойўғли қанотларини ёзиб, жўжаларини қўриқлаган-  
дай, ўрмонни ташқаридан ўраб турган, интиҳосиз тун  
ўрмон ичкарисини қора қанотлари остига олди. Ўрмон  
ичкарисидаги тун бошини кўкрагига тушириб мудра-  
ётган пайтда — ўрмон ташқарисидаги тун уйғониб,  
бошини юқори кўтарган эди. Роғхупоти ўрмон ёқаси-  
да ётиб уйқуга кетди.

Илк саҳарда у қандайдир ўткир қуролнинг тегиши-  
дан безовталаниб, сапчиб турди. Серсоқол, саллали —  
турк аскарлари унга бегона тилда алланималар де-  
йишди. Роғхупоти билдики, улар сўкишяпти. Бу ҳам  
бенгал тилида бир неча нордон сўзларни айтиб олди.  
Аскарлар уни қўйоллик билан ўраб олишди.

— Нима, сизлар мен билан ҳазиллашмоқчими-  
сиз? — сапчиб турди Роғхупоти. Бироқ аскарларнинг  
авзойидан яхшилик кутиб бўлмасди. Улар брахманни  
бепарволик билан ўрмонга судраб кетишли.

— Мени судрашнинг ҳожати йўқ, — қичқирди Роғ-  
хупоти, — ўзим бораман. Мен бекорга шунча йўл юриб  
келдимми?

Аскарлар унинг бенгалча нутқини масхаралаб ку-

лишди. Бошқалар келиб қўшилди. Улар ҳам бунинг устидан ҳазил-мазах қила бошладилар. Кимдир унинг сочи олинган бошига олмахоннинг думини улоқтириди, бошқаси брахманнинг ёнида юриб, унинг бурнига уни эгилган йўғон қамишни текизиб борарди, агар қамишнинг бу уни қўйиб юборилса борми, Рогхупотининг кеккайган бурни пачақланиб, юзи билан баравар бўлиб кетарди. Аскарларнинг қаҳқаҳасидан ўрмон ларзага келди. Бугун қиём пайтида улар жангга киришлари керак, ҳозирча тасодифий ўлжани хоҳлаганларича хўрлаб кўнгил очмоқдалар. Кўнгиллари тўлгунча ўйнашиб, аскарлар Рогхупотини Шужа чодирига олиб кирдилар<sup>1</sup>.

Рогхупоти Шужага мусулмонча таъзим-тавозе қилмади. У худолар ва ўз кастаси одамларидан бошқа ҳеч кимга, ҳеч қачон бош эгиб таъзим этмаган. Брахман шоҳ ҳузурида бошини тик кўтариб туради.

— Шоҳга шоҳлар устидан зафар ёр бўлғай,— хитоб этди у қўлини кўтариб.

Шужа қўлида қадаҳ тутиб, яқинлари даврасида ўтиради.

— Хўш, нима гап? — ялқовланиб, эътиборсизлик билан сўради у.

— Шоҳим,— жавоб беришди аскарлар,— биз душман айғоқчисини тутиб келдик.

— Яхши, яхши! Бу бахти қаро бизнинг кучимиз қанчалигини билмоқчи эканми? Бўпти, унга ҳаммасини кўрсатиб, қўйиб юборинглар. Бориб кўрганларини айтиб берсин.

— Шоҳим, рухсат беринг, сизга хизмат қилай,— тутила-тутила ҳиндистони тилида гапирди Рогхупоти.

Шужа эринchoқлик билан қўл силтаб, чодирдан чиқишини амр этди унга.

— Иссик,— деди Шужа.

Хизматкор дучандон куч билан елпий кетди уни.

Доро ўғли Сулаймонни рожа Жай Сингх қўмондонлиги остига қўйиб, Шужанинг ҳужумини қайтариш учун унга катта қўшин берди. Душман қўшинининг яқинлашганини билгач, Шужа Вижайгарни босиб олиб, ўз қўшинини ўша ерга жойлашга жазм этди. У

<sup>1</sup> Шоҳ Шужа — Ҳиндистон подшоҳи Шоҳ Жаҳоннинг иккинчи ўғли (1628—1658), Вобирийлардан, Бенгалия ҳокими.

қалъа бошлиғи Викрам Сингхга чопар юбориб, қалъа ва хазинани топширишини талаб қилди. Викрам Сингх: «Мен фақат икки ҳуқмдорни — Дәхлида Шоҳ Жаҳонни, осмонда худони биламан, Шужаси ким, буниси менга номаълум», деб чопарни қайтариб юборди.

— Қандай дағаллик,— хуноб бўлди Шужа,— қандай одобсизлик! Нима деб бўлади, бемаъни жанг қилишга тўғри келади.

Буларнинг ҳаммаси Рогхупотига аён бўлиб қолди, аскарлар уни қўйиб юборган ҳамон у Вижайгар томон йўл олди.

## ИИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Вижайгар тоққа жойлашган. Қалъа ўрмоннинг ёнгинасида. Рогхупоти ўрмондан чиққан ҳамон шундай узун, баланд деворга кўзи тушдики, гўё осмонга туашгандай. Ўрмон минглаб дарахтлардан иборат ёғоч девор билан ўзини қамраб олган, қалъа тош билан иҳота қилинган, хуллас ўрмон — шай, қалъа — сергак эди. Ўрмон ер бағирлаб ётган йўлбарсни әслатарди, қалъа бўлса, бўйнини гажак қилиб, ёлинни ёйиб, ҳамлага ҳозирланган шердек турарди. Ўрмон қулогини ерга қўйиб эшитар, қалъа зумрад осмонга назар соларди.

Рогхупоти ўрмон ёқасида пайдо бўлиши билан қалъа девори устидаги посбонлар ҳаракатга келишди, мўғиз чалинди — қалъа наъра тортиб, ҳурпайди, чангалини ёзди. Рогхупоти брахманлик риштасини кўтариб, қўли билан ишоралар қила бошлади.

— Келаётган ким? — посбоннинг ҳайқириғи эшигилди Рогхупоти қалъа деворига яқинлашганда.

— Брахман, меҳмон.

Қалъа бошлиғи Викрам Сингх художўйлиги билан сжралиб турарди. Айтишларича у ўзини ҳаққа, брахманлар ва меҳмонларга хизмат қилишга бағишилаган. Муқаддас ришта шарофати билан осонгина унинг қалъасига кириш мумкин, ҳеч қандай ёрлиқ талаб қилинмасди. Бироқ ҳозирги уруш вазиятида нима қилмоқ керак? Аскарлар ўйлаб қолишибди.

— Агар менга бошпана бермассангиз, мен мусулмонлар қўлида ҳалок бўламан, — деди Рогхупоти.

Келгинди ҳақида Викрам Сингхга ҳабар қилишди. У брахманни қалъага киритишга амр этди. Девордан наровон туширишди. Бир неча дақиқадан сўнг Рогхупоти қалъага кириб олди.

Бу ерда жанг тараддути авжига чиққан пайт. Брахманга ғамхўрлик қилишни кўнни кўрган, жангларда синалган соҳиб амаки ўз зиммасига олди. Унинг ҳақиқий номи Кхорго Сингх бўлса ҳам, одамлар уни соҳиб амаки ёхуд ноиб соҳиб деб атардилар. Аммо нима учунлигини ҳеч ким билмайди. Ҳолбуки унинг жияни әмас, ҳатто укаси ҳам йўқ эди, бинобарин, ўзи хоҳланган тақдирда ҳам бировга амаки бўлолмасди, бунинг устига унинг унвонига ҳеч ким эътиroz этмаган, заррача шубҳа қилмаган эса-да, у умрида бировга муовин ҳам бўлмаган. Укаси бўлмай — амаки, бирор ўлка ҳокими бўлмай ноиб унвонини олганлар учун ҳаётнинг бебақолиги, бахтнинг беқарорлиги, жиянданд жудо бўлиш, юксак лавозимдан тушиб қолиш хавфини турдирмайди, албатта.

— А-ҳа, мана бу ҳақиқий брахман! — хитоб қилди соҳиб амаки руҳонийни кўриб, унга таъзим этаркан. Рогхупоти атрофдагиларга олов қурт-қумурсқага қандай таъсир қиласа, шундай таъсир қиларди.

Дунёдаги ишларнинг чаппа кетаётганидан зорланниб, соҳиб амаки бундай деди:

— Ҳозирги пайтда илгаригидек ҳақиқий брахмандар кўп қолдими, тақсир?

— Жуда оз қолди!

— Илгари брахмандарнинг кўзида муқаддас олов порларди, энди бу олов қоринга кириб кетди.

— Уларнинг қорнидаги ўт ҳам илгариги ўт әмас, албатта.

— Каромат қилдилар, тақсирим, — бош иргаб маъқуллади соҳиб амаки. — Кўз олдингизга келтириб кўринг, агар донишманд Агастя<sup>1</sup> шунча ичган бўлса у қанча ейди экан!

— Бошқа мисоллар ҳам бор.

— Бор, албатта. Донишманд Жахнунинг ташали-

<sup>1</sup> Агастя — худолар билан иблислар орасида уруш бўлиб турганда, иблислар океан тубида яшириниб олишади, худоларга ёрдамлашиш мақсадида афсонавий донишманд Агастя океан сувиини ичиб қурилади.

ги ҳақида ҳам ривоят бор<sup>1</sup>. Түғри, унинг қанча ейиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ерда ёзилмаган, аммо-лекин тагига етса бўлади. Бир майизни қирқ қаландар бўлиб еган бўлиши мумкин, лекин бу — қаландарларда иштаҳа йўқ эди деган гап эмас. Ахир уларнинг кунига бунақа майиздан қанчадан еганлари маълум эмас-да.

Брахманларнинг қадр-қимматларини эслаб, Рогхупоти виқор билан гапирди:

— Йўқ, соҳиб, улар овқатга унча ўч бўлмаганлар.

— Рам, рам! Нималар деяптилар, тақсири? — таажжубланди соҳиб амаки.— Уларнинг иштаҳа ўти нечоғлик авж олгани ҳақида далиллар бор. Ишонаев-ринг, тақсир, вақти келиб, ҳамма ўтлар, ҳатто қурбонлик ўти ҳам сўнади, фақат...

— Қурбонлик ўти сўнмай нима қилсин? — бир оз тажанг бўлиб сўради Рогхупоти.— Ҳозир мамлакатда ёғ қани? Нопоклар ҳамма сигирларни сўйиб битирди, ёғ қаёқдан бўлсин? Қурбонлик ўти бўлмаса брахман салобатидан токайгача нур томсин?

Бу Рогхупоти юрагида яширинган аланганинг дастлабки авж олиши, холос.

— Сиз нишонни тўғри олдингиз, тақсир! Сигирларни қириб юбориши. Улар энди одам қиёфасида пайдо бўляпти, улардан ёғ кутиб бўлмайди, мияси ҳам йўқ. Тақсирим қаердан келдилар?

— Трипурдан, подшоҳ саройидан.

Соҳиб амаки жуғрофиядан, шунингдек мамлакат тарихидан заифроқ эдилар. Ҳинди斯顿да Вижайгардан бошқа диққатга сазовор бирор нарса борлигига ишонмасди. Шунинг учун оғзига келганини айтди-кўйди.

— О! Трипур рожаси — улуғ рожа.

Рогхупоти унга далда берди.

— Тақсирим қандай хизматдалар?

— Рожа саройининг маънавий раҳнамоси.

— О! — хитоб этди соҳиб амаки, кўзларини юмиб, бош иргаб. Унда Рогхупотига нисбатан чуқур эҳтиром пайдо бўлди.

— Тақсиримнинг сафардан муродлари нима?

— Муқаддас жойларни зиёрат қилиш.

<sup>1</sup> Жахну — Ганг сувини ичиб қурилган афсонавий донишманд.

Шовқин күтарилиді, милтиқ овози әшитилди — душман қалъага ҳужум бошлади.

— Шу ҳам гап бўлди-ю, тош отиб ўйнашыпти шекилли,— кулимсираб, имлаб қўйди соҳиб амаки.

Қалъа деворининг тошлари соҳиб амакининг уларга бўлган ишончи қадар қаттиқ эмасди.

Узоқ ўлкалардан келган йўловчи Вижайгарга тушдими, соҳиб амаки уни бирор дақиқа ўзидан нари кетказмай, Вижайгарнинг улуғворлиги ҳақида гапиргани-гапирган эди. Рогхупоти эса оддий меҳмон эмас, у Трипурдан, рожа саройидан келган, бунақа меҳмон камдан-кам бўлади. Завқу шавқи жўш урган соҳиб амаки Вижайгарнинг нечоғлик қадимийлигидан сўз очиб қолди. Унинг сўзларидан маълум бўлишича Брахма<sup>1</sup> оламни яратгандан сўнг орадан салча вақт ўтмай қалъага асос солинган экан. Рожа Викрам Сингх аждодлари қалъани идора қила бошлаган давр эса Ману<sup>2</sup> нашъу намо сурган даврга бориб тақалади. Бундан ташқари, Рогхупоти Шиванинг қалъага нечоғлик ҳомийлик қилишинию бу ерда Картавирья-Аржуна<sup>3</sup> асирикда қандай сақланганини ҳам билиб олди.

Кечга бориб маълум бўлдики, душман қалъага ҳеч қандай зарап-заҳмат етказолмаган. Тўплардан отилган ўқлар қалъа деворига етиб келмаган. Соҳиб амаки ўзидан мамнун ҳолда, мийигида кулимсираб, Рогхупотига қараб қўйди, бу билан гўё, Шиванинг чиндан ҳам қалъага ҳомийлигига бундан ҳам кучлироқ далил керакми, деб айтмоқчи бўларди. Учиб келаётган тўп ўқларини Нандининг<sup>4</sup> ўзи ҳавода тутиб олди, энди Ганеша билан Картикея<sup>5</sup> уларни Шиванинг тоғдаги кўшкида копток қилиб ўйнашади.

<sup>1</sup> Брахма — қадими ҳинд мифологиясида бош худолардан бири, халлоқи олам.

<sup>2</sup> Ману — ҳарфан таржимаси «одам» маъносида келади. Пурилар — қадимги ривоятларга кўра инсониятнинг дастлабки ўн тўрт аждоди, шуларнинг биринчиси Сваямбхува тахминан 30 миллион йил аввал яшаган, брахманизм асосларини акс эттирган «Манавадхарама-шастри» номли китобининг муаллифи ҳам шу киши деб фараз қилинади.

<sup>3</sup> Картавирья-Аржуна — ривоятларга кўра Виндхъя тоғларida яшовчи ҳайкаллар подшоҳининг ўғли. Картавирья брахман Жамадгнинг ҳожатбарор сигирини ўғирлагани учун унинг ўғли қўлида ҳалок бўлади.

<sup>4</sup> Нанди — бош худолардан Шиванинг оқ буқаси.

<sup>5</sup> Картикея (Картика) — Шиванинг ўғли, уруш тангриси.

## ИИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Рогхупоти нима қилиб бўлса ҳам Шоҳ Шужани ўз таъсирига олишга жазм этди. Шужанинг Вижайгарга ҳужум қилиш ниятида эканини билиб, брахман дўст қиёфасида қалъага кириб, уни забт этиш учун бирор йўл билан Шужага ёрдам қилиш фикрига тушди. Бироқ Рогхупсти умрида милтиқ дорисини ҳидлаб кўрмаганлардан, шу важдан ҳозир Бенгалия нэибига не тариқа ёрдам бериши мумкинлигини тасаввур ҳам қиломасди.

Эртасига яна жанг бошланди. Душман қалъа деворининг бир жойидан рахна солди, аммо шу ўринда қаттиқ отишмага дуч келиб, чекинишга мажбур бўлди. Рахна солинган жой дарҳол тикланди. Бироқ эндиликда тўплардан отилган ўқларнинг баъзиси қалъага туша бошлади. Улганлар бор эди, ярадорлар пайдо бўлди.

— Қўрқманг, тақсир! Бу болалар ўйини,— эълон қилди соҳиб амаки брахманга ва уни қалъани бирга кўздан кечиришга бошлаб кетди. Қурол қаерда сақланади, омборлар қаерда, ярадорларни қаерда даволайди, зиндан қаерда, Вижайгар саройи қаерда, хуллас қалъанинг ҳамма сиру асрорини батафсил тушунтирган соҳиб амаки лаҳза сайин Рогхупотига қараб қўярди.

— Ажойиб иншоот,— мақтаб кетди брахман,— Трипур қалъасидан ўтиб кетади. Бироқ соҳиб, Трипур қалъасида жуда яхши яширин йўллар бор, бу ерда эса нима учундир мен унақа нарсани кўрмадим.

Соҳиб амаки дарров жавоб бермоқчи эди, бирдан хатосини пайқаб қолди.

— Ҳа, бу ерда унақаси йўқ.

— Шундай улуғ қалъада яширин йўл бўлмаса-я? Йўқ, бунга ақл бовар қилмайди!

— Ҳа, ҳа, ақл бовар қилмайди,— довдираб қолди соҳиб,— яширин йўл бўлса бордир, аммо бизга номаълум.

— Бу йўқ деган гапнинг худди ўзи,— кулимсиради Рогхупоти.— Сиз билмагандан сўнг бошқалар ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ.

Соҳиб амаки бирдан жиддий тус олиб, хомуш бўл-

ди. Кейин: «Рам, рам, ё раббий!» — деб юборди, эснади, панжаларини қирсиллатди, кафти билан юзлари, мўйловлари ва соқолини силади-да, кутилмаганда бундай деди:

— Тақсириминг умрлари тоат-ибодат билан ўтади. У кишига айтиш гуноҳ эмас. Иккита яширин йўл бор, шулар орқали сездирмай қалъага кириб чиқиш мумкин. Аммо у йўлларни чет одамларга кўрсатиш қатъиян қатағон этилган.

— Ростданми? Қаранг-а,— ишонмаган қиёфада гапирди Рогхупоти.

Соҳиб амаки ўзини айбдордай сезди. Албатта, брахман унинг гапига ишонмади. Чиндан ҳам бировга гоҳ ундей, гоҳ бундай деб айтилса, унда шубҳа туғилади. Яна шуниси ҳам борки, ажнабий бир одамнинг, Вижайгар қалъаси Трипур қалъасидан қолишади, деган фикрга келиши кўхна жангчи учун тоқатдан ташқари эди.

— Сизнинг Трипурингиз, тақсири, бу ердан жуда йироқда бўлса керак, бунинг устига брахмансиз, сизнинг бурчингиз тоат-ибодат, тангри даргоҳида хизмат қилиш, сиздан ҳеч ким ҳеч қачон сўраб-суриштириб ўтирумайди...

— Соҳиб, агар сизда бирор шак-шубҳа бўлса, бу гапни йиғишириб қўйяйлик. Мен брахманман, брахман ўғлиман, қалъага тааллуқли тафсилотларни билишнинг мен учун ҳеч бир аҳамияти йўқ.

Соҳиб амаки ўнгайсиз аҳволга тушиб қолди.

— О, рам, рам. Сиздан гумонсираб бўладими! Юринг; ҳаммасини кўрсатаман сизга.

Бу орада қалъа ташқарисида кутилмаганда Шужа қўшини сафида парокандалик юз берди. Шужанинг чодири ўрмонда қолган эди. Ёприлиб келган Сулаймон ва Жай Сингх қўшини Шужани асир қилиб олди, кейин тўсатдан қалъага ҳужум қилаётган қўшин устига ташланди. Шужа қўшини жанг майдонида, йигирма тўпни қолдириб, тумтарақай бўлиб кетди.

Вижайгарда шоду хуррамлик бошланди. Сулаймоннинг чопари Викрам Сингх ҳузўрига келган ҳамон, у қалъа дарвозаларини очишга амр этиб, ўзи Сулаймон билан рожа Жай Сингх истиқболига чиқди. Қалъа Декли ҳукмдорининг аскарлари, отлари ва филлари

билан тўлди. Байроқлар кўтарилди, карнай садолари янгради. Соҳиб амакининг оқ мўйловлари остида табассум порлади.

## ИИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Камоли хурсандликдан соҳиб амаки ўзини йўқотиб қўйди. Бугун Деҳли ҳукмдорининг ражпутлари — шер юрак жангчилари Вижайгар меҳмони, қудратли шоҳ Шужа — қалъа асири. Бунаقا тутқун бу ерда Карта-виръя-Аржуна замонидан бери бўлмаган эди. Соҳиб амаки Аржунанинг асоратга тушганини хўрсиниб эслади-да, сўнгра ражпут Сучет Сингхга қараб бундай деди:

— Ҳа-а, минг қўллик қаҳрамонни кишанлаб қўйиш — ҳақиқий ғалаба. Энди у замонлар ўтди, ҳамма нарса майдалашиб кетди. Рожанинг ўғли ёхуд подшоҳни олайлик — иккитадан ортиқ қўли бор одамни кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Ҳатто шу мисолдан ҳам кўнгил таскин топмайди.

Сучет Сингх кулимсираб ўз қўлларига қаради.

— Масалан менга шу икки қўлнинг ўзи кифоя.

Соҳиб амаки ўйланиб қолди.

— Нафсиламрини айтганда сенинг гапинги тўғри. Ахир тилга олишга арзигулик улуғ ишлар илгари кўп эди-да, ҳозирги вақтда улар шундай камайиб кетдиди, бор-йўғи иккита қўлимиизга мўйлов бурашдан бошқа иш қолмади.

Бугун соҳиб амаки ўзига роса оро берганди. Иккига бўлиб тараган кумушранг соқолининг учлари қулоқларига ҳалқа қилиб осиб қўйилган, буралган мўйловининг учлари ҳам қулоқлари томон бўй чўзган. Бошида серҳашам салла, белига осиб олган эгри қиличи савлатига ҳайбат қўшган. Зардўзи кавушининг уни мугуз-дек юқори кўтарилган. У, гўё Вижайгар қалъасининг барча ҳашаматини ўзида акс эттиргандек, ажиб бир виқор билан қадам ташларди. Бундай ишларга фаҳми етадиган одамлар мана бугун Вижайгарнинг улуғворлигига ишонч ҳосил қилсинглар уни кўриб. Соҳиб амаки шодликдан терисига сиғмасди.

Деярли кун бўйи у Сучет Сингх билан қалъани айланди. Бироқ ражпут ҳеч нарсадан таажжубланмади, кекса жангчи эса ҳар қадамда: «Бай-бай! Ҳай-ҳай!»

каби хитоблари билан меҳмонни ҳам завқлантиришга уринарди. Аммо у бунга муваффақ бўлмади. Гап қалъа деворининг қурилиши устида боргандада соҳиб амаки айниқса жон куйдириб гапирарди. Тўғри, қалъа пишиқ ишланган, мустаҳкам эди, бироқ Сучет Сингх бундан ҳам пишиқ чиқди, унинг юзида тан бериш, қойил қолишнинг бирор бир аломати кўринмади. Соҳиб амаки қалъани: «Кўркам! Ажойиб!» — дея мақташдан қолмай, меҳмонни деворнинг ўнг ва сўл томонига олиб борди, биргаллашиб деворга чиқди, пастга тушди — аммо ражпут юрагининг қалъасини забт этолмади. Кечга бориб ҳориб-толган Сучет Сингх бундай деб юборса-я:

— Мен Бхаратпурдаги қалъани кўрганман. Шундан бери бошқаларига ҳатто қарагим ҳам келмайди.

Соҳиб амаки ҳеч қачон ҳеч ким билан гап талашиб юрмаганди.

— Албатта, албатта,— тори сусайиб гапирди у.— Сизда, албатта, бундай дейиш учун асос бўлса керак.

У оғир сўлиш олди ва қалъа ҳақида вайсашни йиғинтириб, Викрам Сингхнинг аждоди Дурга Сингх ҳақида гапириб кетди.

— Дурга Сингхнинг уч ўғли бўларди, шуларнинг кичиги Читра Сингхнинг ҳар куни эрталаб ярим сер<sup>1</sup> сутда пиширилган ясмиқ ейдиган антиқа одати бор эди. Аммо ўзи ҳам жуда норғул одам эди... Дарвоҷе, сен Бхаратпур қалъаси ҳақида гапирган эдинг. У жуда катта бўлса керак. Бироқ, нима учундир «Брахмавайварта»да бу хусусда ҳеч нарса дейилмаган<sup>2</sup>.

— Шундай бўлса ҳам,— кулимсиради Сучет Сингх,— мен гапнинг ҳаппа-ҳалолини айтдим.

— Ха-ха-ха! — чўзисб қаҳ-қаҳ урди соҳиб амаки.— Сен ҳақсан, сен ҳақсан. Аммо шуниси ҳам борки, Трипур қалъаси ҳам чакки әмас, аммо Вижайгар қалъаси...

— Бу Трипур ўзи қайси давлатда?

— О, бу жуда улуғ давлат. Нимасини айтиб ўтирай, уларнинг сарой коҳини бизда меҳмон бўлиб юрибди, ана у сенга ҳаммасини айтиб беради.

<sup>1</sup> Сер — оғирлик ўлчови, тахминан 1 кг. га тенг.

<sup>2</sup> «Брахмавайварт» — пуран, унда бош худолардан Кришнанинг нималар яратгани баён этилган.

Бироқ руҳонийни ҳеч ердан топиб бўлмади. Соҳиб амаки жуда дилгир бўлиб, ўз-ўзига бундай деб таъкидлади: «Бу қўпол ражпутдан ўша брахманнинг ўлса ўлиги ортиқ эди». Кекса жангчи энди иштиёқ билан Рогхупотини мақтай бошлади, муносабат топиб унинг Вижайгар қалъаси хусусидаги ижобий фикрларини ҳам қистириб ўтди, албатта.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Сучет Сингх соҳиб амакидан қутулишга ошиқди, чунки унинг фурсати йўқ эди, подшоҳ қўшини эртага эрталаб қалъадаги асирни олиб йўлга тушиши лозим. Аскарлар юришга ҳозирланмоқда эдилар.

Шоҳ Шужа зинданда ўтириб: «Қандай нодонлик! Чодирдан менинг чилимимни олиб келишга ҳам ақллари етмабди»,— дея вайсагани-вайсаган эди.

Вижайгар қалъаси тоққа қурилгани ўқувчига аён, тог тагида чуқур канал қазилган бўлиб, унинг қирғоғида яшин тегиб куйдирган анжир дараҳтининг танаси сўплайиб туради. Кечаси алламаҳал бўлганда Рогхупоти каналдан куйган дараҳтгача сузиб борди-да, сўнг шўнгигб, сув остида ғойиб бўлди.

Канал тагидан қалъага олиб борадиган еости йўли бошланарди. Бу махфий йўлнинг нариги бошида жуда катта тош ётарди. Қалъага кириб олиш учун уни пастдан куч билан итариб юборишга тўғри келарди. Юқоридан туриб уни тўнтариш мумкин эмасди. Қалъада турган одамлар бу йўлдан фойдалана олмасдилар.

...Шужа шам шуъласи хирагина ёритиб турган бўш зинданда ёлғиз ётарди. Бирдан полда тешик пайдо бўлди. Рогхупоти оҳистагина бошини кўтариб, ер остидан чиқди. Унинг шалаббо кийимларидан сув оқиб туради. Брахман ухлаётган одамни салгина туртди.

Шужа сесканди, ўтириб кўзларини уқалади.

— Қандай беҳаёлик!— сустлик билан гапирди у.— Наҳотки мени кечаси ҳам ухлагани қўйишишаса? Менга муносабатингиздан ҳайронман.

— Ўринларидан турмайдиларми, шаҳзода,— жуда мулойим гапирди Рогхупоти.— Мен ўша брахманман, эслайдиларми? Бундан сўнг ҳам хотирларида тутсинлар.

...Эрталаб подшоҳ қўшини йўлга тушиш олдида рожа Жай Сингхнинг ўзи Шужани уйғотгани борди. Рожа асирини уйғотмоқ учун у ётган жойга бориб қараса — тутқуннинг ўрнида унинг кийимлари ётибди. Шужа тойиб бўлибди! Зиндан остида пайдо бўлган қора тешик оғиз очиб турарди. Уни ёпиб турган тош ағдариб ташланган.

Шужанинг зиндандан қочгани ҳақидаги хабар бир зумда қалъага ёйилди. Уни тутиб келиш учун чор атрофга кишилар юборилди. Рожа Викрам Сингхнинг таъби хира бўлди. Тутқун не тариқа қочганини аниқлаш учун сарой мажлиси чақирилди.

Соҳиб амакининг ўшлардек кеккайиб юриши қаерда қолди! У телбадек чор атрофни айланиб: «Бракман қаерда, брахман қайси гўрда?» — деб жавварди нуқул. Аммо брахмандан на ном, на нишон бор. Соҳиб амаки бир жойга ўтириб олди-да, салласини ерга қўйди, сўнг бошини икки кафти орасига олди. Сучет Сингх келиб ёнига ўтирди.

— Жуда ғалати иш бўлди-да, соҳиб амаки! Қандайдир иблиснинг кирдикорига ўхшайди бу.

— Йўқ, Сучет Сингх,— ғамгин бош чайқади соҳиб амаки.— Иблиснинг кирдикори эмас. Бу бир ақлдан озган чол билан бир муртад хоиннинг иши.

— Агар жиноятчилар сизга маълум бўлса, нега уларни қўлга олмайсиз? — таажжубланди ражпут.

— Улардан бири қочган, бошқаси посбонлар назорати остида ҳозир саройда бўлади.

Соҳиб амаки саллани бошига қўйди, тантанали маросимларга муносиб либослар кийди. У сарой мажлисига кириб борганда посбонлар сўроқ қилинаётган эди. Амаки соҳиб қиличини Викрам Сингхнинг оёқлари остига қўйди.

— Фармон беринг, мени қамоққа олишсин. Жиноятчи — мен.

— Ўзи нима гап, соҳиб амаки? — таажжубланди рожа.

— Бенгаллик брахмани эслайсизми? Бу ўшанинг иши.

— Сен кимсан? — сўради рожа Жай Сингх.

— Мен вижайгарлик кекса соҳиб амакиман.

— Сен нима гуноҳ қилиб қўйдинг?

— Мен хоинона иш қилдим — лақиллаб қалъа сирини айтиб қўйибман. Мен аҳмоқ бенгаллик брахманга ишониб унга маҳфий йўлларни айтиб бергандим.

— Кхорго Сингх! — ловиллаб кетди қалъа бошлиғи.

Соҳиб амаки сапчиб кетди. У ўзининг номини унтаёзган эди.

— Сенга нима бўлди, Кхорго Сингх,— давом этди қалъа бошлиғи,— бола бўлиб қолдингми?

Айбдор бошини қуий солиб хомуш турарди.

— Бу ишни келиб-келиб сен қилдинг, соҳиб амаки! Вижайгарни расвойи жаҳон қилдинг!

Соҳиб амакининг қўллари сал қалтираб кетди. Қалтироқ панжалари билан пешонасини ушлаб: «Тақдир!» — деб ўйлади ўзича.

— Менинг қалъамдан Деҳли подшоҳининг душмани қочиб кетди! Сен подшоҳ назарида мени ҳам жиноятчи қилиб қўйдинг!

— Ҳамма айб менда. Деҳли подшоҳи маҳарожанинг жиноят қилишига ишонмайди.

— Сен ўзинг кимсан? — жаҳли чиқиб сўради Викрам Сингх. — Подшоҳ сени қаердан билади? Сен менинг қўл остиндаги одамсан, бинобарин, мен ўз ихтиёrim билан тутқунни қўйиб юбсрган бўламан.

Соҳиб амаки бунга жавобан ҳеч нима демади, аммо кўз ёшларини ҳам тийиб туролмади.

— Бу қилмишинг учун сенга қандай жазо берса бўлади?

— Маҳарожа нимани раво кўрсалар мен рози.

— Сен кексайиб қолгансан, бинобарин, қаттиқ жазо бериб бўлмайди. Сени бу ердан бадарга қилишининг ўзи кифоя.

Соҳиб амаки Викрам Сингхнинг оёқларига йиқилди.

— Вижайгардан бадарға қилиш! Йўқ, маҳарожа, йўқ! Мен қариб, ақлдан оздим, қўйинг, Вижайгарда ўлайин. Яхшиси, мени ўлдиришга амр этинг. Ўлим олдида мени итдек қалъадан ҳайдаб юборманг.

— Маҳарожа,— деди Жай Сингх,— унга шафқат қилинг. Нима бўлганини подшоҳга мен ўзим айтиб берраман.

Соҳиб амакини афв этишиди. Сарой мажлисида чиққач, унинг аъзойи бадани қалтираб, гуппа қулади.

Шу кундан эътиборан уни камдан-кам кўришди, у деярли уйдан чиқмади. Ҳаёт қария учун эндиликда тамом маъносиз бўлиб қолганди.

## ИИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Брамапутра соҳилида Гужурпара қишлоғи бор, у ерда Питамбор Рай исмли ўрта ҳол заминдор яшайди. У ернинг аҳолиси кўп эмас. Заминдор шийпонида, дех-қонлар ўртасида ўтирганда ўзини рожа деб атайди. Фуқаролари ҳам уни шу ном билан эъзозлашади. Питамбор Райнинг таъсири анбаҳ (манго) дараҳтлари ўраб олган шу қишлоқчадан нари ўтмас, шуҳрати ҳам дараҳтлардан юқори кўтарилимасди. Бошқа ўлкаларда яшовчи қудратли ҳукмдорларнинг ҳашамати ва зебвийнатлари бу фақирона маскан аҳолисига номаълум.Faқат дарё соҳилидагина Трипур рожасининг саройи қад кўтариб туради, бу ерга қачонлардир дам олиш, чўмилиш учун келиб туришган, бироқ кўпдан буён бу ерга ҳеч ким келмагани сабабли қишлоқ аҳолиси Трипур рожасини элас-элас эслашади.

Аммо бир куни — бу бҳадро ойида эди — Гужурпрага Брамапутра соҳилидаги саройга Трипур шаҳзодаси кўчиб келади, деган хабар тарқалди. Орадан озгин вақт ўтмай, саройда саллали одамлар пайдо бўлишди. Улар анчагина эди. Улар гайрат билан эски саройга вебу зийнат беришга киришдилар. Бир ҳафтадан сўнг Гужурпрага аъёнлари рафоқатида, асъасаю дабдаба билан Ноккхотро Райнинг ўзи кириб келдики, булар орасида пиёдалар, отлиқлар ва фил суворалар ҳам бор ёди. Бу ҳашаматни кўриб қишлоқ аҳолиси ҳангуман бўлиб қолишиди. Ҳозиргача уларнинг назарида Питамбордан кўра улугроқ рожа йўқдай туюларди. Аммо ҳовир улар Ноккхотро Райга диққат билан қараб, ҳаммалари бир оғиздан: «Шаҳзода бунақа бўларканда!» — деб қолишиди.

Питамбор ўзининг ғишин иморатию эски ибодатхонаси билан соядга қолиб кетди, шунга қарамай у шодликдан терисига сиғмасди. Заминдорнинг назарида Ноккхотро ҳақиқий рожа эди. Шу важдан бўлса керак Питамбор назарногиро улуғлигини унга пойандоз қилиб, ўзини одамларнинг энг бахтлиси деб ҳис этарди. Агар Ноккхотро Райнинг филга минаётганини кў-

риб қолса, у фуқароларини чақириб, уларга: «Рожани кўрдингларми? Қаранглар, қаранглар, ана у!» дерди. Питамбор ҳар куни Нокхотро Райга балиқ, сабзавот ва бошқа егуликлар совға қилиб турарди. Шаҳзоданинг ёшлиги, кўркамлиги заминдорнинг юрагида завқу шавқ уйғотарди. Шундай қилиб Нокхотро Рай қишлоқ рожасию Питамбор унинг фуқароларидан бирни бўлиб қолди.

Кунига уч маротаба мусиқа чалишар, қишлоқдан от ва филларни олиб ўтишар, сарой дарвозаси олдида қиличлар ярақларди. Атроф қишлоқларининг аҳолиси Гужурпарага бозор қилиб келадиган бўлишди. Бундан Питамбор ва фуқароларининг қувончи ичига сифмасди. Сургунда рожа бўлиб олган Нокхотро Рай ўзининг барча гаму ташвишларини унуди. Бу ерда унинг подшоҳлик вазифаси бўлмаса ҳам, шоҳона ҳузур-ҳаловат билан тўла таъминланган. Нокхотро Рай ўзи хон, ўзи бек бўлиб олди, Трипурда унинг ҳеч қачон бундай нуфузи бўлмаганди. Энг муҳими бу ерда уни Рогхупотининг сояси таъқиб этмасди. Нокхотро Рай туну кун кайфу сафо билан банд эди. Даққадан раққос ва раққосалар олиб келишди — шаҳзода рақс, мусиқа ва қўшиқ борасида нуктадон эди.

Нокхотро Рай Трипурда қандай тартиб бўлса, бу ерда ҳам ўшани айнан тиклашга киришди. Мулозимлардан бирини сарой вазири лавозимига кўтарди, иккинчисини лашкарбоши қилиб тайинлади. Питамбор сарой маъмури бўлиб қолди. Белгиланган вақтда сарой аҳли тўпланарди. Нокхотро Рай адолат ўрнатишга жуда жиддий киришди. Бир кун Нокур Мотхур устидан, мени ит деди, деб шикоят қилди. Қонунга мувоғиқ суд бошланди. Тўплангандар далиллар асосида Мотхурнинг айбордлиги тасдиқланди. Нокхотро Рай ҳукмни тантанали равишда эълон қилди: «Майли, Нокур Мотхурнинг қулогини чўзиб қўя қолсин!»

Вақт кўнгилли ва беташвиш ўтарди. Бошқа зарур ишлар бўлмаган шундай кунларнинг бирида шаҳзода сарой вазирига, қандайдир қизиқ бир ўйин ўйлаб топ, деб амр этди. Вазир маслаҳатчиларини тўплади. Улар ўйлаб кетишиди. Маслаҳат қилишди, мунозара қилишиди, охирил амр кўпчилик биргалашиб янги бир эрмак кашиф этишиди. Бир куни қуролти аскарлар Питамборнинг ибодатхонасига ҳужум қилишди. Унинг кўлидан

балиқ, боғидан кокс ёнғоги, томорқасидан сабзавот олиб, мусиқа садолари остида худди ҳарбий ўлжадек саройга олиб боришиди. Бундай ҳазилларни кўриб Питамбор Нокхотро Райнни яна қаттиқроқ севиб қолди.

Мана бугун, масалан, саройда мушук тўйи. Нокхотро Рай ўзининг кичкина мушукчасини Мондоллар хонадонининг мушугига эрга беряптилар.

Совчи Чурамони ўз хизмати учун бир дона қиммат-баҳо рўмол билан уч юз рупия пул олди. Тўйининг ҳамма расм-русларни бекаму кўст бажо келтирилди. Фақат тўй учун саодатли соатни кутардиларки, у ҳам шу оқшомга тўғри келганди. Тўйга тайёргарлик бир неча кун давом этиб, саройда ҳамма оёқдан қолганди.

Қоронғи тушиши билан кўчаларда чироқлар ёқилди, мусиқа чалина бошланди. Парча ҳошияли шоҳи ёниққа ўралган куёв шикоятомуз миёвлаб, тахтиравонда саройга жўнади, тахтиравонни тўрт киши кўтариб бораради. Мондоллар хонадонидан кичкина бир бола — куёвнинг дўсти қўлида чилвирнинг бир учини ушлаб бораради. Унинг иккинчи уни куёв мушукнинг бўйнига боғланган. Хотинларнинг «убу-бу-бу»<sup>1</sup> табриклари, чиганоқ сурнайнинг чўзиқ садолари остида куёв тўйхонага кириб келди. Қишлоқ имомининг номи Кенарам бўлса ҳам, Нокхотро Рай унга Рогхупоти деб ном қўйганди. Нокхотро Рай ҳақиқий Рогхупотидан кўп озор кўрганди, шунинг учун эндиликда Кенарамга бўлар-бўлмасга озор бериб кўнглини бўшатарди. Бечора брахман хомушона итоаткорлик билан барисига бардош берарди. Буни қарангки, шу бугун Кенарам саройга келолмаса бўладими: унинг ўғли безгакдан жонталвасасида эди.

— Рогхупоти қаерда? — сабрсизлик билан сўради Нокхотро Рай.

— Унинг уйида bemor бор, — жавоб беришиди хизматкорлар.

— Уни чақириб келинглар! — қичқирди шаҳзода.

Бирор чопганча имомникига кетди. Бу орада шикоятомуз миёвлаб турган куёв олдида ўйин бошланди.

— Ашуланни бошланг! — амр әтди Нокхотро.

<sup>1</sup> «Убу-бу-бу» — куёв тўйхонада пайдо бўлиши билан хотинлар бармоқларини оғзига тиқиб, шу хил овоз чиқариб, куёвга баҳт тилашади.

Чўзиб қўшиқ бошлашди.

Бир оз фурсатдан сўнг мулозим келиб арз қилди:

— Рогхупоти келди.

— Буёқقا чақирилсин! — жаҳл билан буюрди Ноккхотро.

Залга коҳин кириб келди. У кўриниши билан Ноккхотронинг чимирилган қоши тўғри бўлиб, бир онда ғазабидан асар ҳам қолмади, юзлари оқарди, пешонасидан тер чиқди. Қўшиқ тўхтади, мусиқа садолари тинди, сукунатда мушукнинг миёвлаши қаттиқроқ эшитила бошлади.

Ҳақиқий Рогхупоти кириб келди! Бу шак-шубҳасиз. У новча, озиб-тўзиган, шиддатли, оч итдек кўзлари чақнаган бир кимса эди. Брахман чанг оёқлари билан парча гиламга қадам қўйди.

— Ноккхотро Рай!

У жим туради.

— Сен Рогхупотини чақирган эдинг, мана мен келдим.

— Тақсир... тақсир! — пўнфиллади Ноккхотро.

— Тур, кетамиз.

Ноккхотро Рай секин қадам ташлаб залдан чиқди. Шундай қилиб, мушук тўйида тўйиб ўйнашолмади.

## И И Г И Р М А О Л Т И Н Ч И Б О Б

— У ерда нима бўлаётганди? — сўради Рогхупоти.

— Шундай, ҳеч нарса... рақс, — бўйнини қашиди Ноккхотро.

Брахман жирканиб ижирғанди.

Ноккхотро гуноҳкорона ерга қараб қолди.

— Эрталаб йўлга чиқамиз, тайёр бўлиб тур.

— Қаёқقا?

— Кейин биласан. Ҳозирча мен билан борасан.

— Менга шу ернинг ўзи яхши.

— Шу ернинг ўзи яхши! Сен сулоланинг ворисисан, сенинг аждодларинг тахтда ўтиришган, сен эса бу пасқамликда қашқирлар рожаси бўлиб туриб: «Менга шу ернинг ўзи яхши!» — деб ўтирибсан.

Рогхупотининг ўринли сўzlари, тикилиб боқиши, кўтаринки руҳи дарров шаҳзоданинг кайфиятини ўзгартиди.

— Нимаси яхши бўларди,— тори сусайиб гапирди у,— ҳеч ҳам яхши эмас. Еироқ менинг қўлимдан нима келади? Чораси борми бирор?

— Бир эмас, бир неча чораси бор. Кетдик, уларни сенга мени кўрсатиб бераман.

— Мен маъмур билан гаплашишим керак.

— Иўқ.

— Менинг нарсаларим...

— Уларнинг ҳожати йўқ.

— Одамлар...

— Ҳеч қандай зарурати йўқ.

— Ҳозир ёнимда озгина пул бор, холос.

— Мендаги кифоя. Найрангни қўй. Ҳозир бориб ухла, илк саҳарда йўлга тушамиз.

Жавобни кутмай Рогхупоти кетиб қолди.

Ноккхотро Рай илк саҳарда уйғонди. Раққосалар бир маъномни чўзиб куйламоқда әдилар. Шаҳзода ичкаридаги хонадан чиқиб, дераза ёнига борди. Осмоннинг шарқ томони қизарди, ҳозир қуёш чиқиши керак. Брамалутра дарёси ўз қиргоқларида ўсган дараҳтлар аро оқтоб, ҳали уйқу оғушида ётган қишлоқ ёнидан ўтарди. Сув ёқасида бир аёл турибди. Яна бир хотин қовли супурарди. Унинг олдига қандайдир бир эркак яқин келиб, бир нима деб айтди-да, бошини чадори билан бослади, бамбуқ таёқнинг учига тугунчани осиб, қаёққасир ўз йўлига кетди. Сайроқи ўрмон қушларига майна ва дронго овоз чиқарип, бир-бирларни кутхатди. Нон дараҳтининг қуюқ япроқлари орасидан зарғайдоқ чуғурлади. Ноккхотро Рай ихтиёrsиз субҳидам латофатига маҳлиё бўлиб, оғир сўлиш олди. Қўйқисдан шаҳзода ўз елкасига кимнингдир қўли текканини сезди. Ноккхотро чўчиб тушди.

— Ҳамма нарса тайёр, энди кетсак бўлади,— мулоjим гапирди брахман.

— Мени кечиринг, тақсир,— хижолат тортиб, қўл қовуштириб гапирди шаҳзода,— мен ҳеч қаёққа бормайман, менга шу ернинг ўзи яхши.

Рогхупоти хомушлик билан Ноккхотро Райнинг юсига тикилди, у бардош беролмай, ерга қараб қолди.

— Қаёққа борамиз?

— Ҳозир бу ҳақда гапиришнинг вақти эмас.

— Мен акамга қарши ҳеч бир фитна-фасодга арамашмайман.

— Қани айт-чи, аканг сенга нима яхшилик қилди? — дарғазаб деди Рогхупоти.

Ноккхотро орқасига ўгирилиб, тирноғи билан деразани қитирлата бошлади.

— Мен биламан, у мени яхши кўради.

— Ё раббий, бу қандай муҳаббат-а,— заҳарханда қилди Рогхупоти.— Дхрубонинг таҳтга чиқишига бироров халақит бермасин деб рожа сени мамлакатдан сургун қилмадими, эҳтимол бу навда-ниҳол уканинг қомати тож остида букилмасин деб қилинган меҳрибонликдир. Аҳмоқ! У қачон бўлмасин қайтишингга рухсат беради, деб ўйлайсанми?

— Нима, мени тушунмайди, деб ўйлайсизми? — шошилиб жавоб берди Ноккхотро.— Мен ҳаммасини тушунаман. Қани айтинг-чи, тақсир, мен нима ҳам қила оламан? Қани бунинг чораси?

— Гап худди шу хусусда, шунинг учун сенинг олдингга келдим, гапнинг пўскалласи шу: хоҳласанг мен билан юр, хоҳламасанг — шу овлоқда меҳрибон акангнинг дуойи жонини қилиб ўтиравер.

Шундай деб, Рогхупоти эшик томон йўналди. Ноккхотро орқасидан чопди.

— Мен ҳам бораман, тақсир, агар маъмур ҳам хоҳласа-чи... бизга ҳамроҳ бўлиши мумкин эмасми?

— Фақат мену сен.

Саройдан чиққанда Ноккхотронинг оёқлари қалтираб кетди. Беозор ўйин-кулгиларни қолдириб, маъмурни ташлаб, ёлғиз брахман билан номаълум тарафга кетса-я... аммо ўйлашга ўрин йўқ эди, чунки назарида Рогхупоти уни сочидан судрагандек бўларди. Бундан ташқари, шаҳзоданинг қўрқувига синчковлик ҳисси ҳам қўшилди, мана бунда улуғ куч яширган!

Уларни қайиқ кутиб туради. Дарё қирғоғида Ноккхотро Питамборни учратиб қолди, у елкасига сочиқ ташлаб чўмилгани бораётганди.

— Махарожага омад ёр бўлсин! — хушомадкорона табассум этди Питамбор.— Эшитишмча, кеча қайси гўрдандир бир аblaҳ брахман пайдо бўлиб, тўй ҳам бузилиб кетибди.

Ноккхотронинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ўша аblaҳ — мен! — ваҳимали ҳайқирди Рогхупоти.

— Ҳа-ҳа, яхши бўлмади,— кулди Питамбор.— Ҳар

қандай олчоқ одам ҳам агар оқибатини билса, тилини тийиши керак. Лекин бу хафа бўлишга арзирмикан, тақсир? «Ўзи йўқнинг кўзи йўқ», дейдилар. Одамлар ўз яқинларини орқасидан нималар деб ғийбат қилишмайди! Мени, масалан, олдимда рожа деб аташади, орқамдан Питу дейишади. Энг муҳими юзгачопарлик қилишмаса бас, мен шундай тушунаман. Сизга ўхшаган тунд, бадқовоқ одамни кўрганда, унинг ҳақида нималар деб лақиллашмайди... Хўш, нима учун махарожа тўсатдан бундай саҳарлаб дарё бўйига келдилар?

— Мен узоқ сафарга жўнайман, Питамбор,— бир оз малол билан жавоб берди Ноккхотро Рай.

— Қаёққа? Қўшни қишлоққа, Мондоллар хонадонигами?

— Йўқ, Питамбор, Мондоллар хонадонига эмас, ундан ҳам йироққа.

— Ундан ҳам йироққа? Пайкхатага овга эмасми?

Рогхупотига қараб қўйиб, ғамгин бош чайқади Ноккхотро.

— Вақт ўтиб боряпти, қайиққа ўтириш фурсати келди,— шоширди Рогхупоти.

— Сен ўзинг кимсанки, бизнинг рожага фармен берасан? Қайси гўрдан келдинг?

Ноккхотро дарров Питамборни бир чеккага олиб берди.

— У бизнинг устозимиз бўлади.

— Бўлса бўлар!— хитоб этди Питамбор.— Майли, бизнинг ибодатхонага бора қолсин, у ерда ҳамма нарса тўкин-сочин бўлади, иззат-ҳурматини бажо келтиришади, бизнинг махарожага элакишига бало борми?

— Вақт бекор ўтяпти. Мен жўнайман,— халақит берди Рогхупоти.

— Ҳақиқатан тўғри! Имиллашнинг не ҳожати бор? Жўнаб қолинг-чи, жаноб, илосжи борича тезроқ. Биз эса, махарожа билан саройга борамиз.

Ноккхотро гоҳ унисига, гоҳ бунисига қаради.

— Йўқ, Питамбор, мен кетаман.

— Ундей бўлса, мен ҳам сиз билан бирга бораман. Яна одамлар олинг. Рожаларга муносиб равишда йўлга чиқинг. Рожа кетади-ю, маъмур қолаверадими?

Ноккхотро Рогхупотига қаради.

— Унга бироннинг эргашиши мумкин эмас,— жавоб берди брахман.

Питамборнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Буёққа қаранг, тақсир, сиз...

— Мен жўнашим керак,— шошилиб уни тўхтатди шаҳзода,— анча кечикдик.

Таъби хира бўлган Питамбор Ноккхотрони қўлидан ушлади.

— Қулоқ сол, ўғлим, мен сени ројжа деб атайман-у, аммо ўз фарзандимдек яхши кўраман, ўзимнинг болам йўқ. Сенга ўз измимни ўтказолмайман, зўрлик билан ушлаб қололмайман. Аммо бир нарсани илтимос қиласман: қаерда бўлмагин, мен бу оламни тарқ этмасдан олдинроқ кел. Мен бор-йўғимни сенга ўз қўлим билан топширмоқчиман. Бу менинг энг эзгу ниятим.

Ноккхотро Рай билан Рогхупоти қайиққа тушиб, гарб томонга сузид кетишиди. Питамбор чўмилишни ҳам унутиб, елкасида сочиғи билан уйига қараб кетди. Гужурпара гўё бўшаб қолди, тантаналар, ўйин-кулгилар тўхтади. Фақат табиатнинг абадий тантанасигина давом этарди. Ҳамон саҳарда қушлар сайрар, япроқлар шитирлаб қўшиқ айтар, дарё сувлари шўхлик қиласлаб қирғоққа урилар, чайқалар, шовиллар эди.

## ИИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Узоқ ва машаққатли йўл... дарёлар, ўтиб бўлмас чангальзорлар, яланғоч саҳролар. Гоҳ қайиқда, гоҳ пиёда, гоҳ тотида<sup>1</sup>, жазирама иссиғу ёмғир остида, шовқин-суронли кунлару сас-садосиз қоронги кечаларда, бирор жойда қарор топмай, тобора олға, олға қараб бормоқда Ноккхотро Рай. Ўлкалар кетидан ўлкалар ортда қолиб боради, янгидан-янги қишлоқлар кўзга ташланиб, манзаралар ўзгаради, ранго-ранг одамлар турна қатор ўтиб боради, унинг ёнида эса ҳамон ўша Рогхупоти. Кундузи Рогхупоти, кечаси Рогхупоти, ҳатто тушида ҳам Рогхупоти. Нотаниш йўловчиilar бироннинг орқасидан, бироннинг қаршисидан юриб бормоқдалар, йўл четларида чангга ботиб болалар йўниб турибди, бозорларда юзлаб одамлар рўзгор ташвиши билан овора, қишлоқларда чоллар ошиқ йўниб.

<sup>1</sup> Тоти — кичик от, мўгул оти.

ни билан машғул, дарё бўйида кўза кўтарган хотинлар кўринади, қайниқчилар қўшиқ айтиб сузиб бормоқда, бироқ шиддаткор брахман шаҳзоданинг олдидан бир қадам нари кетмайди, бир дақиқа ўз ҳолига қўймайди. Олам гир айланиб ўзининг турфа манзараларини, турли-туман воқеаларини кўз-кўз этиб турганда, ёвуз тақдир бир жойда тўхтамай, Ноккхотро Райни ҳамон эргаштириб олга, олга қараб бормоқда. Гавжум йўллар — одамсиздек, шаҳар ва қишлоқлар — ҳаётсиз сахродек туюла бошлайди.

Мажоли қуриган Ноккхотро Рай мудом кетидан кузатиб бораётган соядан сўрайди:

— Ҳали узоқми?

Соя жавоб беради:

— Жуда узоқ.

— Қаёққа боряпмиз ўзи?

Жавоб бўлмайди. Ноккхотро Рай хўрсинди — яна йўл. Ана дарахт соясида танҳо бир кулба кўзга ташланди. «Қани энди шу ерда қолиб, шу ерда яшасам», — деб кўнглидан кечирди Ноккхотро Рай. Кечки пайт. Чўпон таёғини елкасига ташлаб даладан сигирларни ҳайдаб келмоқда. «Қани энди мен ҳам шу чўпон билан ўтлоқларда кезиб, оқшом уйга қайтиб, беташвиш ухлосам!» Пешин жазирамасида бир дехқон терга пишиб қўш ҳайдаялти. Буни кўрган Ноккхотро: «Қандай бахтли!» — деб ўйлади.

Ноккхотро Рай ўзини олдириб, сўла бошлади.

— Тақсир, менинг мажолим қуриди, ортиқ бардош беролмайман.

— Ҳозир сенинг ўлишингга ким рухсат беради?

«Агар Рогхупоти хоҳламаса, менинг ўлишга ҳам ҳаққим йўқ», — ўйлади шаҳзода. Қандайдир бир хотин Ноккхотрони кўриб: «Кимнинг боласисан, ўғлим, нега санқиб юрибсан?» — деб сўради. Ноккхотронинг юраги эзилиб, кўзига ёш олди; бу олиjanоб аёлни она деб, унинг кетидан эргашиб уйига боргиси келди.

Бироқ шаҳзода брахманинг шафқатсизлигидан қанча озор топса, унга шунча муте, заррача ишорасини ҳам сўёсиз бажаргучи бўлиб қолди.

Мана, дарёлар ҳам кам учрайдиган бўлиб қолди. Қизғиш тошлоқ ер бошланди. Қишлоқлар орасидаги масофа ҳам узоқ, дарахtlар кам, кейинроқ пальмазорлар бошланиб, кокс дарахти деярли кўринмай қолди.

Аҳён-аҳёнда катта тўғонлар, қуриган дарёлар учрарди, йироқ-йироқларда булутга ўхшаган тоглар кўринди. Йўловчилар Ражмохолга — Шужа давлатининг пойтахтига яқинлашмоқда эдилар.

## И И Г И Р М А С А К К И З И Н Ч И Б О Б

Ниҳоят Рогхупоти билан Ноккхотро Рай пойтахтга етиб келишди. Мағлубиятга учраб, асирикдан қочган Шужа янгидан қўшин тўпламоқда эди. Аммо хазина бўм-бўш, оғир солиқдан йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайт. Бу орада Аврангзеб Доро қўшинини тор-мор келтириб, ўзи тахтга чиқиб олди. Бу хабар Шужани қаттиқ ҳаяжонга келтирди. Бироқ қўшин ҳозирча тайёр эмасди. Муғамбирлик қилишга тўғри келди. Вақтдан фойдаланиб қолмоқ ниятида у Аврангзебга чопар орқали қўйидаги номани юборди:

«Кўзимизнинг нури, юрагимиз ҳаловати, севикли ва муҳтарам укамиз Аврангзебнинг тахтга чиқсанни ҳақидаги хушхабар Шужанинг зардоб юрагига малҳам бўлди. Агар янги подшоҳ бу фақиру ҳақирнинг ноиблигини тан олсалар — камина беҳад мамнун ва миннатдор бўлурди».

Аврангзеб чопарни меҳрибонлик билан қабул қилиб, Шужа ва оиласининг сиҳат-саломатлиги ҳақида батафсил сўраб-суршириб кўрди. «Модомики қиблагоҳимиз Шоҳ Жаҳон акамиз Шужани Бенгалия ноиби қилиб тайинлаган экан,— жавоб берди Аврангзеб,— бу фармонни қайта тасдиқ ёки таъкид этишнинг ҳеч дожжати йўқ».

Рогхупоти Шужа саройига кириб келганда мамлакатдаги сиёсий аҳвол мана шундай эди. У ўз ҳалоскорини миннатдорлик билан табриклади.

— Хўш, қандай хабарлар бор?

— Менинг подшоҳга илтимосим бор.

«Нима сўраркин? — Шужанинг кўнглидан кечди.— Ишқилиб, пул сўрамасин-да!»

— Мен сўрардимки...

— Сенинг илтимосингни, албатта, бажараман, брахман. Фақат бир неча кун сабр қилишга тўғри келади. Ҳозир хазинамиз бўм-бўш.

— Менга олтин, кумуш ва бошқа маъданнинг кера-

ги йўқ, менга фақатгина қайралган қилич керак. Шикоятимга қулоқ солинг, менadolat талаб қиламан.

— Сен мени оғир аҳволга солиб қўйдинг, брахман. Ҳозирadolat излашга менинг вақтим йўқ. Бахтга қарашни сен ўзинг ҳам жуда бевақт келиб қолдинг.

— Ҳаммамизнинг вақтимиз йўқ, шаҳзода, сизнинг ҳам, подшоҳнинг ҳам, мен бечора брахманинг ҳам. Қачон сизларда вақт бўлиб,adolat билан шуғулланишинингизни кута оламанми мен?

— Қандай одобсизлик? — жаҳли чиқа бошлади Шужанинг. — Бунча сўзни эшитгандан кўра сенинг никоятингни эшитган афзалроқ. Қани гапир.

— Трипур рожаси Гобиндо Маникко ўз укаси Ноккхотро Райни беёзиқдан-беёзиқ бадарға қилди.

— Брахман, нега мени ўзгаларнинг илтимоси билан ишдан қолдирасан? — Ноибнинг жаҳли чиқди. — Ҳозир бу хил ишлар билан шуғулланадиган вақт эмас.

— Адолатталаб пойтахтда, шоҳим.

— Қачон унинг ўзи келиб, шикоят қилса, эҳтимол мен шунда ўйлаб кўрарман.

— Уни қачон олиб келишга амр этадилар?

— Сендан қутулиб бўлмайди. Хайр майли, дейлик, бир ҳафтадан сўнг.

— Подшоҳнинг рухсатлари билан мен уни эртага олиб келаман.

— Хўп, майли, майли, — энсаси қотиб жавоб берди Шужа, тезроқ брахмандан қутулиш учун, — олиб кел.

— Мен ноибга нимани тортиқ қилиб бораман? — сўради Ноккхотро Рай.

— Буёгидан хотиржам бўл, — деди Рогхупоти ва тертиқ учун бир юз эллик минг руния санаб берди.

Эртасига әрталаб Рогхупоти билан Ноккхотро Рай Шужа саройига кириб келишиди. Ҳаяжондан шаҳзоданинг юраги тез ура кетди. Ноибнинг оёқлари остига бир юз эллик минг руния қўйилди. Шундан сўнг ноибнинг ғазаби марҳаматга айланди, Ноккхотро Райнинг шикояти дарров юрагига бориб тегди.

— Ҳозир сизнинг муродингиз нима? — сўради Шужа.

— Амр этинг, Гобиндо Маниккони қувиб, унинг ўрнига Ноккхотро Райни тахтга ўтқазишисин, — жавоб берди брахман.

Гарчи Шужа ўзи ҳам укасининг тахтига таҳдид қилишдан тоймәса-да, ҳар ҳолда брахманнинг илтимоси уни ранжитди, шунга қарамай, у бу илтимосни қондиришга жазм этди, чунки бунингсиз брахмандан қутулиб бўлмасди.

— Яхши,— рози бўлди ноиб,— сизлар Гобинде Маниккони қувиб, тожни Ноккхотро Райга бериш ҳақида ёрлиқ олиб борасизлар.

— Аммо ёрлиқнинг ўзи кифоя қилмайди, сиз бизга озроқ бўлса ҳам, қўшин беришингиз лозим.

— Йўқ,— қатъий эътиroz этди Шужа,— аскар беролмайман, биласиз-ку, мен урушишим керак.

— Ҳарбий юришларингиз учун мен сизга яна ўттиз олти минг рупия қолдираман. Ноккхотро Рай Трипур рожаси бўлиши билан дарҳол қўшин қўймондони орқали бир йиллик божу хирожни ҳам юборамиз.

Бу таклиф Шужага жуда оқилона туюлди, маслаҳатчилари ҳам унинг фикрига қўшилишди.

Шундай қилиб, Рогхупоти билан Ноккхотро Рай шоҳ қўшинини бошлаб Трипур томон равона бўлдилар.

## И И Г И Р М А Т Ү Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

Биз қиссамиз бошида ҳикоя қилган воқеалардан кейин икки йил ўтди. Тўрт яшар Дхрубо энди анча сўзларни билиб олиб жуда гердайиб қолганди. Тўғри, у ҳамма сўзларни яхши талаффуз этолмасди, шунга қарамай, димоги баланд эди. Бола, масалан, валломатлик билан рожага: «Яхши бўлсанг қўғирчоқ бераман», ёки: «Йиглама, қўғирчоқ бераман», деб гапиради. Агар рожа «шўхлик» қилиб қолса, Дхрубо уни: «Ўйга қамаб қўяман», деб қўрқитар эди. Шундай қилиб, рожа қаттиқ назорат остига тушиб қолди. У Дхрубонинг резилигисиз бирор нарса қилишга ботинмасди.

Дхрубо ўзидан олти ой кичикроқ қўшни қизча билан дўстлашиб қолди. Улар бир-бирларини кўришиди-ю, орадан ўн дақиқа ўтмай жуда қалин дўст бўлишди. Аммо баъзан ораларига совуқчилик ҳам тушиб турарди. Бир куни — бу дўстликларининг биринчи даврида эди — болага бир бўлак ҳолва беришди. Дхрубо уни эҳтиётлик билан синдириб, бир бўлагини қизчанинг оғзига солди ва саҳоватпешалик ила бош иргаб:

— Е, егин,— деди.

Қизча ҳолвани маза қилиб еди-да:

— Тағин бер,— деди.

Дхрубо саросимага тушиб қолди. Дўстликнинг бу зайлда қатъий талаб қўйиши унга ғайритабий кўринди. У ўзига хос жиддият ва салмоқ билан:

— Бўлди, бўлди, кўп еб бўлмайди, касал бўласан, даданг уради,— деб огоҳлантириди.

У гапни чўзмай, қолган ҳолвани оғзига тиқиб юборди. Қизчанинг лаблари чўччайди, қоши тиккайди — афтидан ҳозир йиғлаб юборгудай эди.

Дхрубо қўз ёшини кўролмасди, шунинг учун қизчани юпатишга ошиди:

— Йиғлама, эртага тағин бераман.

Шу пайт рожа кириб келди.

— Унга гапирманг, бўлмаса йиғлаб юборади,— деди Дхрубо рожага ошнасини кўрсатиб ва қўшиб қўйди:— Уни уриб ҳам бўлмайди.

Бундай фикр Гобиндо Маникконинг хаёлига ҳам келмаганди, аммо бола рожага шундай маслаҳатни жудаям ўринли деб топди. Албатта рожа қизчага қўл ҳам тегизмади, Дхрубо буни ҳам ўз маслаҳатининг са-мараси деб ўйлади.

Кейин у ўзининг бутун афти-ангори билан қизчага, қўрқадиган жойи йўқ, деб кўрсатишга тиришди.

Бироқ, бунинг ҳеч қандай ҳожати йўқ эди: қизча ҳеч бир тортинмай, рожанинг олдига бориб, синчковлик билан унинг қўлидаги билагузукни ҳар томонга айлантириб қўра бошлади.

Ер юзида тинчлик ва муҳаббат ўрнатганидан беҳад қувонган Дхрубо ўпиш учун рожага ўзининг жасмин гулидек юзини тутди — бу яхши хулқ учун мукофот ёди, албатта.

Кейин бола астагина қизчани кўтариб, рожага тутди-да, амр ва илтижо оҳангиди:

— Буни ҳам ўпинг,— деди.

Гобиндо Маникко Дхрубонинг фармонини қайта-ришга ботинмади. Қизча бўлса, рожанинг тиззасига шундай бетакаллуф чиқиб олдики, худди ҳар куни шундай қилиб ўргангандай.

Бошда ҳаммаси бир текис бораётган эди. Дхрубо бундай қараса, унинг тахтига таҳдид қиляпти, шунда у ўз дугонасига бўлган чексиз муҳаббатини унуди. Дхрубо қошлирини чимириб, рожанинг тиззасида ўти-

риш фақат унинг ҳуқуки әканини исботлашга уриди. У дугонасини турғди, қўлидан тортди, ҳатто айрим вақтларда қизечани уриш ҳам унча адолатсизлик эмас, деб ўйлади.

Болаларни юпатишга уриниб рожа Дхрубони иккинчи тиззасига ўтиқазди, бироқ бола бу билан ҳам қаноатланмади, у қўлдан кетганини қайтариш учун янги ҳужумга ҳозирланди. Шу пайт хонага подшоҳ янги тайинлаган коҳин — Биллон кириб келди.

Биллон болани ўзига тортди.

— Дугонани қаердан топдинг?

Дхрубо бир оз ўйлаб, сўнг жавоб берди:

— Мен от миниб сайр қиласман.

— Буниси қизиқ бўлди! Менинг саволимга тўғри жавоб.

Дхрубо қизга терс қараб, ўз фикри ва ниятини икки сўзда ифода қилди:

— У ёмон қиз, мен уни ураман.

У жажжи мушти билан унга даф этмоқчи бўлди.

— Уят эмасми, Дхрубо? — уни тўхтатди рожа.

Шу ондаёқ боланинг чеҳраси сўнди, салча пуфланса, шам шундай сўнади. Дхрубо аввал дадиллашиб, мушти билан кўзларини ишқалади, кейин аламига чидомлай йиғлаб юборди.

Биллон уни қитиқлаб-тортқилай бошлади, бир неча мартаба ҳавога иргитиб, илиб олди ва баланд овоз билан тез-тез гапириб кетди:

— Қани, қани, Дхрубо, қулоқ сол, сенга бир гапни айтаман.— Шундай деб, у нафас олмай, қизиқ бир шеърни ўқиди:

Калаха катакатанг катха катхиня катхянг

Катана китанг кутналанг қхаттаматтанг.

Дхрубо шу ондаёқ жим бўлди. Сўз оқимидан гангиб қолган бола ҳайрат ва ёш тўла кўзлари билан брахманга қараб қолди, кейин синчковлик билан Биллоннинг қўл ва лаб ҳаракатини кузата бошлади, мамнун оҳанга илтимос қилди:

— Яна ўқинг.

Биллон шеърни такрор ўқиди.

— Яна,— сўради Дхрубо хандон уриб куларкан.

Рожа боланинг кўз ёшидан ҳўл юзларию кулиб турган лабларидан бир неча бор ўпиб қўйди.

— Болалар даврасида бўлиш — махарожага халоват бағишлайди,— деди Биллон.— Кечакундуз ақллилар билан муомала қилишдан мия қуриқшайди. Агар ханжар ҳадеб чархлай берилса, тифи тобора юпқалашиб, охири тугайди, ўтмас сопи қолади, холос.

— Бунинг менга тааллуғи йўқми ишиқилиб!

— Назаримда йўқдай. Кимки ақлни қайрайверса, ҳамма осон, табиий нарсалар унга мураккаб ва чигъл кўринади. Дунёда бунча ақллилар бўлмагандан яшаш енгил бўларди. Ўнгайлик кетидан қувиш ўнгайсизлини вужудга келтиради. Одам ортиқча ақлни нима қилишини билмай қолади.

— Одамга қўлидаги беш бармоқ кифоя. Бахтга қарши еттига бўлиб қолсами, истар-истамас унга иш қидиришга тўғри келарди.

Аллақачон дугонаси билан ярашиб, у билан ўйнаб ўтирган Дхрубони чақирди рожа. Гобиндо Маникконинг чақирганини эшитган бола ўйинни қўйиб, дарров унинг ҳузурига келди. Рожа уни рўпарасига ўтқазди.

— Қани, Дхрубо, тақсиримизга янги ўргангани шеърингни ўқиб бер-чи.

Дхрубо брахманга: «Бунга ҳеч бир хоҳишим йўқ», дегандай қараб қўйди.

— Сени отга миндираман,— деди рожа.

Бундай қизиқ ваъдани эшитиб бола дароз рози бўлди ва сўзларни ноаниқ талаффуз этиб ўқишга киришди:

Бизни йўлга бошлай дер — кўпdir йўл бошловчи эр,  
Йўлларнинг йўқсаноги аммо, эй худо!  
Ҳамма ақлли, фозил, валақламоққа мойил —  
Эсдан адашгай ҳатто доно, эй худо!

Беҳуда уринмадим етай деб сенга фақат.  
Ахир дудогинг фақат сўйлар менга ҳақиқат.  
Минг хил гап бор атрофда — барчаси пуч, мағзи бад,  
Қаерда ҳақ — ул асл маъно, эй худо? 6

Хижолатман қошингда, тилда нола тафсири,  
Бари пинҳон ҳақойиқ, аён эмасдир бири,  
Пешонамда не бўлса, кўргайман юриб-юриб,  
Хоки пойинг қил менга ато, эй худо!

Минг бўлакка бўлинди «Мен» — барчаси исёнда,  
Жанжал ила қолдилар қирғину қатагонда.  
Бўлак ҳам йўқ, бутун ҳам. Назар қилгил бу онда,  
Хориб-толиб бўлибман адо, эй худо!

Минг бўлакни имон-ла жо этиб боғла маҳкам,  
Тариқатни кўрсатгил айлабон менга карам,  
Улармен изтиробда, лаънат деб толега ҳам,  
Бас, пойинг ўпнуб бўлай фидо, эй худо!  
Қўнгли эриган брахман:

— Баракалло, ўғлим, умринг узоқ бўлсин,—  
деди.

Биллон болани тиззасига ўтқазиб, шеърни яна бир  
марtaba ўқи, деб ялина бошлади. Дхрубо сукут билан  
жавоб берди.

— Ўқимасанг мен йиғлайман,— деди руҳоний қўу-  
ли билан юзини бекитиб, боланинг раҳми келди.

— Йиғлама, йиғлама, эртага ўқиб бераман. Ҳозир  
уйларингга кет, бўлмаса даданг уради.

— Мана буни меҳмондан назокат билан қутулиш  
деса бўлади,— кулимсиради Биллон.

Рожа билан хайрлашиб, коҳин чиқиб кетди. У йўл-  
да икки йўловчига етиб олди. Уларнинг бири иккинчи-  
сига деди:

— Уч кундан бери унинг олдига қатнаб бир пайса  
ундиролмадим. Қани энди уйидан бир чиқиб кўрсин,  
бошини уриб ёраман. Шунда кўрамиз, нима қилар-  
кин?!

— Бу билан мурод ҳосил бўлмайди,— йўловчилар  
Биллоннинг овозини эшигишди.— Баъзиларнинг бо-  
шида муғамбирлик, мунофиқликдан бошқа ҳеч нарса  
йўқлиги бунингсиз ҳам кўриниб турибди-ку! Яхшиси  
ўз бошингни ёр: ҳеч бўлмаса бироннинг олдида жавоб-  
гар бўлмайсан.

Йўловчилар хижолат бўлиб, руҳонийга таъзим қи-  
лишди.

— Яхши эмас бундай дейиш,— давом этди ко-  
ҳин.

— Тўғри, тақсир, бошқа галирмаймиз.

Шу пайт брахманинг олдига бир тўда болалар чо-  
пиб келиб, уни ўраб олишди.

— Кечқурун менинг олдимга боринглар, эртак ай-  
тиб бераман.

Болалар қувонганидан сакраб, қий-чув кўтариш-  
ди.

Биллон баъзан болаларни тўплаб, уларга оддий, ту-  
шунарли тилда «Махабхарата», «Рамаяна» ва пуран-  
ларни ҳикоя қилиб берарди. Зерикарли жойларини у

қизиқарли қилишга тиришар, агар болалардан бирор-  
тасининг эснагани ёхуд эътиборсиз қулоқ согланини  
сезиб қолгудай бўлса, ҳаммаларини ибодатхона боғига  
бошлаб кирарди. Болалар худди маймун подасидек  
тантанали шовқин-сурон билан мевали дараҳтларга  
ёпишардилар — мева дараҳтлари у ерда жуда кўп әди.  
Руҳоний уларга маҳлиё бўлиб қараб қоларди.

Биллоннинг қаерлик әканини ҳеч ким билмасди. У  
брахман әди, аммо муқаддас ришта тақмас, Олампа-  
ноҳ-Она ибодатхонасида ишлар, қурбонлик қилишга  
йўл қўймасди.

Дастлаб қавмлари унга ишонқирамай, унча ҳурмат  
қилмай юришди, аммо кейинча әликиб, унинг сўзлари-  
ни сўзсиз бажо келтирадиган бўлиб қолиши. Биллон  
уйма-уй юриб, ҳамма билан соддача муносабатда бў-  
лар, гаплашар, ишлари, сиҳат-саломатликлари ҳақида  
сўраб-суриштиарди. У берган дорилардан эса касал-  
лар дарров шифо топардилар. Одамларнинг бошига би-  
рор ташвиш ё кулфат тушганда ҳаммалари маслаҳат  
сўраб Биллоннинг олдига борардилар. Душманларни  
яраштирганда, низоларни ҳал этганда — унинг гапи  
қонун әди.

## У Т Т И З И Н Ч И Б О Б

Воқеаларини биз нақл этмоқчи бўлган йилда Три-  
пур аҳолиси бошига оғир мусибат тушди: қаёқдантир  
шимол тарафдан бирдан сичқонлар галаси пайдо бўл-  
ди. Улар далалар томон юриш бошлаб, бутун ҳосилни  
барбод этиб, ҳатто дехқонларнинг омборида сақланган  
захира — запасигача бориб этиши. Элнинг оҳу воҳла-  
ридан бутун мамлакат ларзага келди. Одамларга егу-  
лик ҳеч нарса қолмади. Ўрмон мевалари ва томирлар  
билан тамадди қилишга тўғри келди. Яхшиямки те-  
варак-атрофда ўрмонлар кўп бўлиб, ундан ризқ-насиба  
топиш мумкин әди. Ҳар хил қушлар кўп, дараҳт ко-  
вакларидан асал топишар, қўтос, кийик, қуён, жайра,  
олмахон, ёввойи тўнғиз овлаб, бозорда уч мартаба қим-  
матига сотишарди, катта чўл тошбақаларини овлашар-  
ди. Шундай вактлар ҳам бўлдики, ҳатто филларнинг  
гўштигача ейишли, калтакесак, илондан ҳам ҳазар  
қилишмади. Дарёларга тўғон солиши, сувга . карахт

этувчи кўкатлар ташлашди, балиқлар мудраб сув сатҳига чиқиб қолганда уларни овлаб ейишди, қуритиб захира-запас қилишди. Ҳуллас очликка чидаш мумкин эди, энг даҳшатлиси тартибсизлик, қўзғолонлар бўлди, иш таловчиликкача бориб етди. Фуқаролар хоҳлаган вақтда исён кўтариши мумкин эди. «Онага қурбонлик қилишни таъқиқлашди, шунинг учун у бизни газабига олди, бўу бало-қазонинг сабаби шу», — деб даргазаб бўларди одамлар.

Биллон бу хил муҳокамалардан кулар, ҳамма гани ҳазил-мутойибага айлантиришга уринарди. «Ҳимолой торида ака-ука Картик ва Ганеша низолашиб қолишибди, — дер эди у. — Ганешанинг сичқонлари Олампаноҳ-Онага Картикнинг товусларидан шикоят қилиб келишибди, — мана шу, холос». Бироқ руҳонийнинг ҳазиллари фуқароларга ҳақиқатдай кўринди: сичқонлар тўсатдан пайдо бўлиб, тўсатдан гойиб бўлишди — уч кун деганда бирор сичқон қолмади. Шундан сўнг брахманнинг кўп нарсадан огоҳ эканига ҳеч кимда шак-шубҳа қолмади. Ҳимолой кўшкларидаги ака-укаларнинг низолари ҳақида қўшиқлар тўқишли, хотинлар ва болалар бир-бирларига етказишли, ўргатишли, гадолар ўлкалардан-ўлкаларга олиб боришли.

Нима бўлса ҳам, рожадан норизолик одамларнинг кўнглидан чиқмади. Гобиндо Маникко-Биллоннинг маслаҳати билан очликдан жафо кўрган одамларни бир йиллик солиқдан озод қилди. Бу яхши таъсир қилди, шунга қарамай кўплар Олампаноҳнинг газабидан қўрқиб Читтагонг тоғларига қочиб кетган эдилар. Охири рожжанинг ўзи ҳам шубҳага тушиб Биллонни ўз ҳузурига таклиф этди.

— Рожжанинг гуноҳлари учун фуқаролари жабр кўрмоқда, тақсир. Онага қурбонлик қилишни ман этиб, мен ўзим гуноҳ қилмадимми, ўлкамизда рўй берабётгани баҳтсизликлар шунинг ажзига осмон юборган жазз эмасми?

Биллон рожжанинг ҳамма далилларини рад этди.

— Бизнинг давлатимизда энг кўп одам ҳалок бўлган давр қайси? — сўради у. — Онага сон-саноқсиз қурбонлик келтирган даврдами ёки ҳозирги очликдами?

Рожжа бирор жавоб қилмади, лекин юрагидаги бе-



зоталик босилмади. Фуқаролар ундан норози, улар нинг ишончини йўқотди. Мана шу фикр унинг юрагини эзар, шубҳага соларди.

— Мен ҳеч нарсага тушунолмайман,— деди Гобиндо Маникко оғир хўрсиниб.

— Ҳамма нарсани билиш шарт эмас. Нима учун сичқонлар келди-ю, нима учун галлани еб битирди — билмайман, тўғриси бу ҳақда бош қотиришни ҳам ис-

тамайман. Фақат бир нарсани аниқ билиб олсак киғоя: одамларга ёвузлик қилиш ярамас иш, ҳаммага яхшилик қилиш зарур. Бошқаларини эса худога ҳавола қилишимиз лозим. У ўз ишини билиб қиласди, бизга ҳисоб бериб ўтирамайди.

— Сиз дам олмай, фароғат нималигини билмай, уйма-уй юрасиз, тақсир. Мөхнатларингизнинг мукофотини элнинг эзгу ишларида кўриш сизга қувонч бағишлади, шубҳалардан халос этади. Мен эса тожга муте бўлиб, кечакундуз тахтда минг хил хаёллар исказжасида ээзилиб ўтираман.

— Мен сизнинг бир заррангизман! Агар сиз тахтда ўтирганингизда мен бунча ишларни қила олармидим? Биз бир-биризни тўлдирамиз, икки ёрти — бир бутунмиз.

Биллон хайрлашиб чиқиб кетди. Гобиндо Маникко ўйлаб қолди: «Менинг ишларим кўп,— деди ўз-ўзига рожа,— мен эса ўйга ботиб, бу ерда қўл қовуштириб ўтирибман. Йўқ, мен ҳукмдорликка ярамайман, раъијатнинг ишончини қозонолмайман».

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Ноккхотро Рай шоҳ қўшини билан дам олиш учун ўйлда дуч келган Тентуле қишлоғида тўхтади. Эрталаб унинг ҳузурига брахман Рогхупоти кириб келди.

— Тездан йўлга тушамиз, махарожа, тайёр бўлинг.

Рогхупотининг оғзидан «махарожа» сўзини эшитиш қанча кутилмаган бўлса, шунча ёқимли эди. Ноккхотро Рай жуда завқланди. Назаридаги ҳозир ҳамма уни шундай деб атайди, у эса баланд тахтда ўтириб, ўз шахсияти билан Трипур саройини безайди.

— Мен сизни ҳеч қачон унумайман, тақсир! — чуқур таъсирланиб хитоб қилди Ноккхотро. — Сиз менинг саройимда бўласиз. Айтинг, ким бўлишни истайсиз?

Ноккхотро Рай фикран коҳинга жуда катта мулк ҳадя этиб қўйди.

— Менга ҳеч нарса керак эмас,— жавоб берди брахман.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! Сиз мукофотни рад этмаслигингиз керак. Мен сизга Койлашорни тортиқ қиласман, иноятнома ёзинг, иноятнома!

— Бу хусусда кейин гаплашамиз.

— Нима учун кейин? Мен ҳозир бераман. Бутун Койлашор сизники. Мен ундан бир чақа солиқ олмайман.

Ноккхотро Рай бошини қўтариб, қоматини ростлади.

— Менга уч қарич ер тегса ҳам қувонардим. Бошка ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ.

Брахман кетди. Жай Сингхни эслаб қолди. Агар шу содиқ ходими ёнида бўлса, у, Рогхупоти, мукофотга бирор нарса олган бўларди. Унингиз бутун Трипур подшоҳлиги брахманга шунчаки каттакон бир ердай туюлди.

Рогхупоти Ноккхотро Райни подшоҳлар одатига кўнигиришга уринди. Иродасиз Ноккхотро Трипурга борганда, рожага жангсиз таслим бўлмасайди, деб қўрқарди брахман. Унда бутун меҳнатлари зое кетади. Бу кўнгилчан одамда ҳукмдор фурурини уйғотмоқ зарур, шунда ҳеч нарсанинг ташвишини қиласа бўлади. Рогхупоти энди Ноккхотродан жирканиб юрмасди, аксинча — ҳар дақиқада унга иззат-ҳурмат кўрсатиб, ҳар бир майда-чуйдага ундан рухсат сўрарди. Шоҳ аскарлари Ноккхотрони махарожа деб атар, унинг ҳузурида зир қалтирас эдилар. У пайдо бўлиши билан бутун қўшин шамолда эгилган буғдойдек эгилиб таъзим-табрик этишарди. Қўшин қўймондони ҳам унинг ҳурматини бажо келтирасди. Ноккхотро, давлат тамгаси ва олтин зебу зийнатлар билан безалган жуда баҳайбат филда борарди. Атрофда юзлаб қиличлар ярқираб, мусиқа янграп, олдинда подшоҳ байроби ҳилпираб борарди, қўшин ўтган қишлоқларнинг аҳолиси ўз кулбаларини ташлаб, ҳар томонга, мумкин қадар узоқроқ жойларга қочишарди. Уларни қандай ваҳимага солганини кўриб Ноккхотронинг юраги турур билан тўлар, гўё оламнинг ярми унинг оёғи остида. Қичик заминдорлар унга тұхфалар олиб келишар, Ноккхотро Райга эса улар енгилган ҳукмдорлардай туюларди. Беихтиёр «Махабхарата»даги Пандавларнинг музafferона жанглари эсига келарди.

Бир куни унинг олдига аскарлар келишиди.

— Махарожа! — деб мурожаат қилишди улар икки букилиб.

Ноккхотро Рай қоматини ростлади.

— Бизлар сиз учун ўлимга боряпмиз, махарожа, сиз учун биз ўз жонимизни ҳам аямаймиз. Шундай бўлгач, бизга бир нарсалик бўлиш учун рухсат беринг. Биз неча мартаба урушга кирган бўлсак ҳамиша шундай қиласдик. Шастрлар ҳам буни ман этмайди.

— Тўғри-тўғри! — бош иргаб маъқуллади Ноккхотро Рай.

— Ана у тақсирим бўлса, рухсат бермаяптилар. Бу яхши эмас! Ахир биз ўз ҳаётимизни таҳлика остига қўяляпмиз-ку.

— Тўғри, тўғри! — яна бош иргади Ноккхотро.

— Демак, махарожанинг рухсатлари билан биз бориб андак шўхлик қиласмиз. Тақсиримнинг гапларига қулоқ солмаймиз.

— Тақсирим ўзи ким бўпти! — қизишиб хитоб этди Ноккхотро.— У нимани билади! Бориб талай беринг, мен рухсат бераман.

У шундай дейишга деди-ю, хавфсираб теваракка қараб қўйди, Рогхупотининг қораси кўринмагач, тинчиди.

Брахманнинг таъқиқини бундай қатъият билан бекор қилганидан Ноккхотро Рай жуда хурсанд эди. Ҳоқимият тобора Ноккхотрони маст қилиб, ҳозир у оламга ўзга кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. У хаёлий шарларда етиб бўлмас баландликка кўтарилди, ер қаердадир пастда, бир парча булутдай, кўздан гойиб бўлди. Ҳатто Рогхупоти ҳам баъзан шаҳзодага майда қўнғиздек туюла бошлиди. Гобиндо Маниккони эса у фақат ғазаб билан эсларди. «Мени оддий фуқародек суд қилиб, бадарға қиласа-я! — хуноб бўларди у.— Ҳали кўрамиз, ким кимни ҳайдаб чиқараркин. Ноккхотронинг кимлигини тезда бутун Трипур билади!»

Шундай фикр юритганда кибру ҳаводан унинг кўкраги кўтариларди. Шуни айтиш керакки, Рогхупоти тинч аҳолини талаш, уларни маъносиз масхаралашга тиши-тирноғи билан қарши эди. Бу горатгарликнинг олдини олиш учун у озмунча ҳаракат қилмади, аммо эндиликда Ноккхотродан рухсат олган аскарлар унинг гапига қулоқ солмай қўйишиди. Брахман Ноккхотронинг ёнига келди.

— Нима учун тинч аҳолини хўрлашга йўл қўйдингиз?

— Сиз, тақсир, бунақа ишларни яхши тушунмайсиз. Аскарларга таловчиликни ман этиб бўлмайди, акс ҳолда уларнинг жанговар руҳи тушади.

Роҳхупоти таажжубда қолди, айни вақтда унинг учун кулгили туюлди: у Ноккхотронинг гапида устунлик оҳангини ҳам пайқаб қолди. Аммо тилга келиб у Бундай деди:

— Агар ҳозир аскарларга ихтиёр берилса, кейин уларни тўхтатиб бўлмайди. Бутун Трипурни талон-торож қилишади.

— Нима бўпти? Менинг ниятим ҳам шу. Ноккхотро Райни сурғун қилиш нима эканини Трипур билиб қўйисин. Сиз, тақсир, ҳарбий ишлардан тамом бехабарсиз, чунки ҳеч қачон урушиб кўрмагансиз.

Ноккхотро билан суҳбатидан брахманнинг кўнгли тўлди, у билан тортишиб ўтирамай, чиқиб кетди. Қачон бўлмасин Ноккхотро Рай ҳам мум қўғирчоқдан эркакка айланиши керак эди-да.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Сичқонларнинг Трипурга ҳужуми срабон ойида бўлиб, ҳосил ўрим-теримига ҳали уч ой бор эди. Бу вақтда фақат маккажўхори етилиб, адирларда шоли энди бошоқ чиқармоқда эди. Аҳоли машаққатли чорак йилни амал-тақал қилиб ўтказди. Огроҳайон ойига бориб, пастлик ерларда шоли ўримга келганда мамлакатда шоду хуррамлик бошланди. Дехқонлар эркак, хотин, ёшу қари ўроқ олиб далага чиқишиди. Дехқон қизларнинг қувноқ қўшиқлари шоликор ерлар узра янгради. Рожадан норизолик ўтиб кетди, Трипур подшоҳлигида осудалик бошланди.

Худди шу вақтда, Ноккхотро Рай катта қўшин билан мамлакат чегарасига келибди, Трипурга ҳужум қиласмиш, шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қилишга амр этибди, деган совуқ хабар тарқалди.

Бу даҳшатли янгилик ҳаммани ларзага келтирди, рожжанинг эса юрагига ханжардек ботди. Гобиндо Маникко куни бўйи ўзини қўйгани жой тополмади. «Ука акага қарши ҳужум қилмоқчи-я!» — деган фикр уни эзиз борарди. Гобиндо Маникконинг маъюс, аммо

мехр тўла кўзлари олдидан қайта-қайта Ноккхотро Райнинг чиройли чеҳраси ўтар: «Укам қилич олиб менга қарши жанг қилмоқчи-н!» — деган оғир ўй юрагига қайта-қайта жароҳат соларди. Рожани жанг майдонига чиқиб, кўкрак очиб туриш хоҳиши банд этиб қолди: майли, у Ноккхотро Рай аскарларининг қиличидан ҳалок бўлсин.

Рожа Дхрубони оғушига тортди.

— Дхрубо, наҳотки сен ҳам тожни деб менга қарши чиқсанг? — сўради Гобиндо Маникко ва бошидан тожни олиб ерга ирғитди, узилиб кетгац катта бир дур нарига думалади.

Бола очкўзлик билан қўёл чўзди.

— Менга беринг, келинг, менга беринг!

Рожа тожни Дхрубога кийдириб, уни тиззасига слди.

— Ола қол. Мен ҳеч ким билан жанжаллашишни истамайман.

У жаҳл билан болани бағрига босди.

Гобиндо Маникко ўз-ўзи билан узоқ муҳокама қилиб, нуқул ўзини айбларди: «Бу менинг гуноҳларим учун юборилган жазо, фақат менинг гуноҳларим учун. Йўқса, ука акага қарши ҳеч вақт қўёл кўтармасди». Бу фикр рожага бир оз тасалли берди. «Бу парвардигорнинг иродаси,— ўйлади Гобиндо Маникко,— самовотнинг иродаси шу бўлгач, одамнинг, энг увоқ одамнинг — Ноккхотро Райнинг хоҳиши уни ўзгартира оладими?» Рожа шундай муҳокама юритганда хўрланган муҳаббат билан тўла кўнгли енгил тортарди. У укасининг гуноҳини енгиллатиш учун бутун айбни ўз зиммасига олишга тайёр эди.

Биллон кириб келди.

— Ҳозир ўйга ботиб, осмонга термилиб ўтирадиган вақтми, махарожа?

— Мана, менинг гуноҳим учун жазо соати келди.

— Сиз, махарожа, менинг сабримни имтиҳон қилмоқчисиз шекилли,— норизо бўлиб жавоб берди брахман.— Азоб-уқубат ёвузликка берилган жазо деб ким айтди? Эзгулик учун ҳам азоб чекканлар бор-ку! Қанчадан-қанча порсолар умр бўйи азоб чекканлар!

Гобиндо Маникко жим қолди.

— Махарожа қандай гуноҳ қилиб қўйган эдилар?

— Мен укамни ҳайдаб юборгандим.

— Сиз укангизни эмас, жиноятчини ҳайдаб юборгансиз.

— Укани, гарчи у айбдор бўлганда ҳам, ҳайдаш — гуноҳ, бунинг жазосини тортмай илож йўқ. Кауравларни жондан жудо қилиб, талай нораво ишлар қилиб, Пандавлар<sup>1</sup> подшоҳлик нашъу намосини бамайлихотир суришолмади, муқаддас маросимлар ўтказиб, кўнгилдаги қудратни ювишга мажбур бўлдилар. Пандавлар Кауравлардан тахтни тортиб олишди, аммо Кауравлар ўлими Пандавларни подшоҳликдан маҳрум этди. Мен Ноккхотрони ҳайдадим, энди Ноккхотро мени ҳайда-моқчи.

— Пандавлар Кауравларга жазо бериш ниятида эмас, подшоҳликларини босиб олиш мақсадида урушдилар. Сиз эса, махарожа, бахт ва осудалигингиzin қурбон қилиб, адолат юзасидан ёмонликка — ёмснларга жазо бердингиз. Бу ерда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Борди-ю сиз ўзингизни гуноҳкор деб билсангиз, мен бу гуноҳингизни кечираман, ахир мен брахманман-ку. Фақат бир шартим бор: бундан сўнг менинг жаҳлимни чиқармайсиз.

Рожа кулимсиради.

— Нима бўлганда ҳам,— давом этди Биллон,— ҳозир урушга тайёрланиш керак. Бошқа ҳаяллаб бўлмайди.

— Мен урушмайман.

— Бу ғайри имконий гап. Сиз бу ерда ўтириб, хаёл суришингиз мумкин, мен эса бу орада қўшин тўплашга уриниб кўраман. Шуниси ҳам борки, ҳозир бунча аскар йиғиш қийин: ҳамма далада.

Жавоб кутмай, брахман чиқиб кетди.

Бирдан Ҷхубонинг бошига қандайдир фикр келди. У рожанинг олдига келди-да, унинг юзига тикилиб сўради:

— Амаким қаерда?

Бола Ноккхотро Райнини ҳали ҳам амаки деб атарди.

— Амаки яқинда келади, Ҷхубо.

Рожанинг кўзлари намланди.

<sup>1</sup> Пандавлар — «Махабкарата» жангномасининг қаҳрамонларига ишора қилинмоқда. Унда афсонавий подшоҳ Харатанинг авлодлари Кауравлар ва Пандавлар ҳокимйат учун ўзаро жанг қилишади. Курукшетра майдонида даҳшатли жангда Пандавлар галаба қилиб, бутун мамлакатни бирлаштирадилар.

## У ТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Брахман Биллоннинг ташвиши жуда кўпайди. У тогли Читтагонг вилоятига тортиқлар билан чопар юборди ва уларга, куки қабиласининг қишлоқ жамоа бошлиқларига айтинг, менга аскар юборишисин, деб тайинлади. Жамоа бошлиқлари жуда хурсанд бўлиб, шу заҳотиёғ ўз одамларини, учига қизил латта боғланган ўроқлар билан жойларга юборишидик, бу яқинлашган уруш нишонаси эди. Бир неча кун ўтар-ўтмас Читтагонг тогларидан чиққан куки аскарлари Трипур адирларида саф торта бошладилар. Кукилар орасида озгина бўлса-да, тартиб ўрнатиш амримаҳол эди. Биллон жумиялардан ҳам аскар олиб келди. У Трипур қишлоқларига чиқиб, ёш, довюрак әркакларни танлаб олди. Брахман шоҳ қўшинига қарши чиқишини маъқул кўрмади. Биллон ёвни текисликдан тоққа кўтарилишини кутишга жазм этди. Ана шунда унга тогдан, ўрмондан, пистирмадан ёпирилиб ҳужум қилади. У Гомотидарёсини катта харсанглар билан тўсишга амр этди, агар иш чаппа кетгудай бўлса, тўғонни очиш мумкин, унда тошқин душман аскарларини хас-хаشاқдек оқишиб кетади.

Бу орада Ноккхотро Рай ўз йўлида учраган ҳамма нарсани қуритиб, Трипурнинг тогли вилоятларига яқинлашиб келди. Ҳосил йиғиб олинган, дехқонлар ўроқ ва камон билан қуролланиб, урушга тайёрланмоқда эдилар: куки аскарларига келсак, уларни тутиб туриш шиддатли шалолани тутишдан енгил әмасди.

Гобиндо Маникко брахманга:

— Мен урушмайман,— деди яна.

— Бу жиддий гап әмас.

— Кўриниб турибдики, мен ҳукмдорликка ярамайман. Шунинг учун раият менга ишонмайди, шундан очлик рўй берди, шундан уруш эҳтимоли туғилди. Ахир шулар, парвардигорнинг менга, тахти тарк эт, дегани әмасми?

— Бу парвардигорнинг амри бўлиши мумкин әмас. Сизга тожни у ўзи кийдирган. Иш енгил кўчганда сиз бу бурчни адо этдингиз, бошдан тожни олиш хотирингизга ҳам келмади, энди бошга мушкул иш тушганда, ҳаммани ўлда-жўлда қолдириб, қочишга тайёrsиз ва,

худонинг хоҳиши шу, деб ўзингизга тасалли бермоқчисиз!

Биллоннинг сўзлари Гобиндо Маниккога қаттиқ таъсир қилди. У хомуш туриб ўйлаб кўрди, сўнг синиқ товуш билан сўради:

— Бир тасаввур қилиб кўринг, таҳсир, мен мағлубиятга учрайман, Нокхотро мени ўлдириб, ўзи рожа бўлади.

— Борди-ю, шундай ҳол рўй берса, махарожа учун менга алам қилмасди. Мен ҳеч бўлмаса, у ўз бурчини бажарди, деб ўзимга тасалли берардим.

— Демак, мен ўз биродарим қонини тўкишим керак?

— Гап бурч устида борганда ака-ука, ёру дўстга қараб ўтирилмайди. Курукшетра жанг олдидан Кришнанинг Аржуна га берган маслаҳатини эслаб кўринг<sup>1</sup>.

— Сизнинг фикрингиизча, таҳсир, мен қилич кўтариб, ўз қўлим билан Нокхотро Райга зарба беришим керак?

— Ҳа.

Бирдан қаёқдандир Дхрубо пайдо бўлиб, жиддий равишда огоҳлантирди:

— Сизга нима бўлди, сизга нима бўлди, бунақа гапни гапирманг.

Дхрубо шу яқин орада ўйнаб юрганди. Қаттиқ-қаттиқ гапирганларини эшишиб, рожа билан брахман шўхлик қилишяпти, уларнинг адабини бериш керак, деб ўйлади. Бола уларга яқин келиб, айситгандай бош чайқаб деди:

— Сизга нима бўлди, сизга нима бўлди, бунақа гапни гапирманг.

Боланинг гапидан брахман хурсанд бўлди. У табассум билан Дхрубони қўлига олиб ўпа бошлади. Аммо рожа табассум этмади. Унинг назарида: осмон бола тили билан огоҳлантиргандай бўлди.

— Таҳсир,— қатъият билан гапирди Гобиндо Маникко,— мен қон тўкишга йўл қўймайман, уруш бўлмайди!

<sup>1</sup> Кауравлар билан Пандавлар орасидаги бир жангда Аржуна, мақсадга эришмоқ учун қариндошлар қонини тўкиш мумкинми, деб шубҳаланиб қолади. Шу савол билан бош худолардан Кришнага мурожаат қилганда, у, инсоннинг асосий вазифаси бурчини адо этишдан иборат, деб айтади.

Биллон ўйлаб қолди.

— Агар махарожа урушга қарши бўлсалар яна бир воситани синаб кўрсинлар. Сиз Нокхотро Рай билан учрашиб, уни қуролини ишга солмасликка кўндиришингиз лозим.

— Бунга мен розиман.

— Ундаи бўлса, дарров хат ёзиб, уни Нокхотро Райга етказиш даркор.

Улар шу қарорга келишди.

## У ТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Нокхотро Рай ўз қўшини билан ҳеч қандай қаршилик кўрмай, Трипур маркази томон кириб бораради. Қишлоқларда уни бамисоли рожадай табрик этишди. Нокхотро ҳокимият мазасини сезиб, иштаҳаси кун сайин ортиб борди. У далалар, дарёлар, қишлоқлар ва тогларга назар солиб, гурур билан: «Бари меники», — дер эди. У ўзини ҳам, атрофда кўзга ташланган нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам шундай бепоён деб ўйлай бошлади. У шоҳ қўшинига тўла ҳуқуқ берди. «Булар ҳаммаси менга тааллуқли, улар менинг салтанатимда, — муҳокама этарди Нокхотро. — Майли, кўнгиллари тўлсин. Уйларига қайтгач, Трипур ҳукмдорининг меҳрибонлигини, шоҳона саховатини, олижаноблигини мақтаб юришади. Улар, Трипур рожаси улуғ рожа, дейишади». Нокхотро шоҳ аскарлари орасида шуҳрат қозониш учун ҳамма ишни қилди. Уни мақтаганларига маҳлиё бўлар, ранжишиб қолмагай, деб мудом ташвиш тортарди.

Роғхупоти пайдо бўлди.

— У томонда, махарожа, ҳеч қандай уруш тараддуди сезилмайди.

— Шундай, тақсир. Улар қўрқишиди!

Шаҳзода кулиб юборди. Брахман бунда кулгили нарса кўрмаса-да, у ҳам илжайиб қўйди.

— Нокхотро Рай ноиб қўшини билан келди, — давом этди шаҳзода, — бу ҳазил гап эмас.

— Кўрамиз, энди ким кимни қувиб соларкин-а? — гиж-гижлади брахман.

— Қувиб юбориш, зинданга солиш, қатл этиш менинг ихтиёrimda. Аммо нима қилиш ҳақида ҳали мен бир қарорга келганим йўқ.

Ноккхотро теран фикрлар қидирган қиёфада ўйга чўмди.

— Ҳозирча бу ҳақда бош қотиришнинг ҳожати йўқ, махарожа, ҳали олдинда вақт кўп. Аммо мен Гобиндо Маникко урушмай сизни енгмаса деб қўрқаман.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: Гобиндо Маникко қўшинини пана ерга жойлаб, ўзи сизнинг олдингизга келади, қон-қариндошлиқ — биродарлик ҳисларини рўкач қилиб, бағрига босади, насиҳат қила бошлайди: «Юр, укажон, уйга борайлик, хизматда бўлайлик», деб ёлворади, бизнинг махарожа эса эриб йиглайди, бошини қўйи солиб, ром этилган жонивордек акаларига эргашиб кетади. Ана шунда ноибнинг аскарлари хайр-маъзурга ичак узилди бўлиб кулишади.

Заҳаролуд киноя Ноккхотрони довдиратиб қўйди.

— Мени «қақа бераман» деса алданадиган ёш бола деб ўйлајтиларми, — деб жавоб берди у зўр-зўраки жилмайишга уринниб. — Йўқ, тақсир, мен ундайлардан эмасман. Сиз айтгандай бўлмайди! Мана кўрасиз!

Уша куни Гобиндо Маниккодан хат келди. Рогхупоти уни очиб ўқиди. Рожа навозишкор ифодаларда мулоқот зарурати хусусида ёзганди. Брахман хатни шаҳзодага кўрсатмади, чопарга эса бундай деди: «Бунчалар узоқ йўлда ҳориб-толишининг Гобиндо Маниккога ҳожати йўқ. Тез фурсатда қўшии ва қилич билан махарожа Ноккхотро Райнинг ўзи унинг олдига боради. Гобиндо Маникко ортиқча куйиб-пишмай, сабр қила қолсин. Агар укаси тўла саккиз йил сургунда қолиб кетганда — жудолик жудаям чўзилган бўлурди».

Кейин Рогхупоти шаҳзоданинг олдига борди.

— Гобиндо Маникко қувгиндаги укасига ғоят таъсирчан мактуб йўллади.

— Ростданми? — кулимсиради Ноккхотро ўзини заррача эътибор қилмаганга солиб. — Қанақа хат экан? Қани у? — деб қўл чўзди у.

— Мен хатни махарожага кўрсатишни лозим кўрмай, дарров йиртиб ташладим. Чопарга эса, оғзаки бундай дедим: «Мактубнинг ягона жавоби — жанг».

— Жуда соз, тақсир, жуда соз! — кулди Ноккхот-

ро.— Ягона жавоб — жанг, дедингизми? Яхши, жуда яхши!

— Бўлмасам-чи! Энди Гобиндо Маникконинг ўйга ботадиган маҳали келди,— давом этди брахман,— суддан кейин укаси сас-садосиз, сездирмай чиқиб кетди, мана бу кун қандай дабдаба билан қайтмоқда.

— Ҳали у, укаси анойилардан эмаслигини, унинг тақдиди билан ўйнашиш хатарли эканини тан олишга мажбур бўлади,— Ноккхотро ўзига бино қўйиб кулди.

### У Т Т И З Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

Ноккхотро Райнинг жавоби Гобиндо Маниккога жуда алам қилди. «Махарожа ҳеч бўлмаса энди урушга қаршилик қилмаса керак»,— деб ўйлади Биллон, бироқ унинг умиди пуч бўлиб чиқди.

— Бу ҳаммаси Рогхупотининг қутқуси, Ноккхотро бундай жавоб бериши мумкин эмас,— деди Гобиндо Маникко.

— Энди нима қилмоқчилар, махарожа?

— Агар мен Ноккхотрони кўрсам ҳаммасини тўғрилардим.

— Уни кўролмасангиз-чи?

— Унда мен подшоҳликдан воз кечиб, бирор ёққа бош олиб кетаман.

— Мен бир ўйлаб кўрай-чи, бирор иложи топилар.

Ноккхотро Рай қўшини қалин бамбуқзор, гаров ва қамишзор ўраб олган адирда жойлашди. Ер чирмовуқ ва қалин буталар билан қопланган. Чангальзорда қадам қўйгудек жой йўқлигидан аскарлар адирга ёввойи филлар босиб ўтган сўқмоқдан чиқишиди.

Кеч кириб, қуёш ғарбга оғди. Адирнинг шарқ томонига аср сояси тушди-ю, дараҳт сояларига қўшилиб, ўрмонга қоронғи тушишини тезлаштирди. Кечки салқин пастликни туман чангиги билан қоплаб олди. Чангальзор чигиртка овози билан тўлди. Биллон қароргоҳга етиб келганда, қуёш ботган эса-да, шафақ сўнмаганди. Водийда ястаниб ётган қуюқ ўрмон шафақ ёғдусида қотиб қолган кўк денгиздай туюларди. Субҳидамда қўшин юриш бошлайди. Қўймондон ва бир неча жангчилар Рогхупоти билан бирга йўлларни текширгани кетиб, ҳали қайтганча йўқ. Унинг рухсатисиз Ноккхотро Рай ҳузурига кириш ман этилган,

бироқ қаландарона кийинган Биллоннинг йўлини ҳеч ким тўсмади. Шундай қилиб, брахман шаҳзода қошига кириб борди.

— Махарожа Гобиндо Маникко сизга мана бу мактубни етказиб беришни илтимос қилган эдилар.

Ноккхотро Рай уят ва қўрқув аралаш ҳис билан, қалтираб турган қўлини чўзиб, узатилган варақни олди. Гобиндо Маникко билан Ноккхотро Рай орасида Рогхупоти тургандага, шаҳзода ўз юрагида ҳеч қандай ғашлик сезмасди, назарида акасини кўриш хоҳиши ҳам йўқдай эди. Бироқ хабарчининг пайдо бўлиши уни довдиратиб, ҳатто жаҳлини чиқарди. Афсуски Рогхупоти йўқ, агар у шу ерда бўлганда эҳтимол брахманни унинг олдига киритмасди. Ҳар ҳолда гумонни енгиб, Ноккхотро хатни очди.

Хатда на бир оғиз танбеҳ, на таъна, на озурдалик бор. Уруш ҳақида лоақал ишора ҳам йўқ. Гўё муноса-батлари ҳамон қадимгидек. Ҳар бир сатрдан меҳрибонлик, маъюслик сезиларди, сўзда ифода этилмаган бу ҳис юракни жизиллатиб юборарди.

Хатни ўқиган сари Ноккхотронинг юз ифодаси ўзгара борди. Юракни ўраб олган темир совут ҳадемай узилгудай, қўлдаги қофоз қалтирамоқда. Ноккхотро уни пешанасига босди. Хат охиридаги хайриҳоҳона дуолар жароҳатли юракка малҳам бўлди. Ноккхотро мижжа қоқмай, йироқда қорайиб кўринган ўрмонга тикилиб қолди. У ерда, осмоннинг бир бурчида шафақнинг қон рангли шуъласи сўниб борарди. Атрофнинг тилсиз, тубсиз денгизига сокин зулмат қўйилиб келмоқда. Юзлардан оқиб бораётган кўз ёшидан кўзлари туманлашди. Уят ва пушаймон исканжасида эзилган Ноккхотро юзини қўллари билан беркитди.

— Менга таҳт керак эмас,— деди у йиғлаб туриб.— Мени кечиринг, ака, мендан юз ўғирманг, қувманг, оёқларингиз остидан жой беринг.

Биллон мутаассир бўлиб, сўз қотмай кузатиб турди. Ниҳоят Ноккхотро Рай тинчланди.

— Гобиндо Маникко сизнинг қайтишингизни қутиб турибди, шаҳзода, ҳаялламанг.

— У мени кечириармикан?

— Унинг шаҳзодадан хафа бўлган жойи йўқ. Вақт кеч, йўл оғир, чопқир от олинг. Адир этагида махарожанинг одамлари сизга мунтазир.

— Мен ҳеч кимга билинтиrmай кетаман, шоҳ аскарларига айтишнинг ҳожати йўқ. Ҳа, ҳа, бир дақиқани ҳам беҳуда ўтказмаслик керак. Бу ердан қанча тез кетсак шунча яхши.

— Оқилона гап.

Ноккхотро Рай ўз яқинларига, сайёр қаландар билан Тинмури тоғига чиқиб Шивага ибодат қилиш ниятида эканини айтди. Ўлар шаҳзодага эргашмоқчи бўлдилар, аммо у розилик бермади.

Ноккхотро Рай лагердан жўнаган ҳамон орқадан тарсиллаб келаётган от туёғи садосию одамларнинг овози эшитилди. Ноккхотро бесаранжом бўлиб қолди. Шу заҳоти Рогхупоти билан аскарлар кўринди.

— Махарожа қаёққа равона бўляптилар? — таажжубланди у.

Ноккхотро нима дейишини билмай қолди. Унинг учун Биллон жавоб берди:

— Махарожа Гобиндо Маникко ҳузурига.

Рогхупоти нотаниш кимсани бошдан-оёқ кўздан кечириб, хўмрайди-ю, лекин ўзини тутди.

— Биз махарожамизни бундай бемаҳалда жўнатолмаймиз, шошилишнинг ҳожати йўқ, эрталабгача кутиш мумкин. Бу маслаҳатга махарожа қандай қарайдилар?

— Тўгри, эрталабгача кутган маъқул, бунинг устига ҳозир қоронғи тушди.

Биллон нима қиласини билмай, қароргоҳда тунаб қолди. Брахман эрталаб Ноккхотро Рай билан учрашишга ҳаракат қилиб кўрди, аммо аскарлар уни йўлатмадилар. Посбонлар ҳалқасини ёриб ўтиш мумкин эмаслигига қаноат ҳосил этган Биллон Рогхупоти ҳузурига кирди.

— Жўнайдиган вақт бўлди, шуни шаҳзодага етказсалар.

— Махарожа бормайдиган бўлдилар.

— Мен у киши билан кўришмоқчи эдим.

— У киши, мулоқотга фурсат йўқ, деб айтдилар.

— Махарожа Гобиндо Маникконинг мактубига жавоб олишим керак.

— Бир мартаба жавоб берилган.

— Мен буни унинг оғзидан эшитмоқчиман.

— Бу имкон хорижида.

Биллон билдики, унинг ҳаракатидан ҳеч бир натижа

чиқмайди, сўзи ҳам, вақти ҳам беҳуда кетади. Охири Рогхупотига хайр-маъзур ўрнига бундай деди:

— Хатарли иш бошлабсиз, брахман, бу сизга муносиб эмас.

## У Т Т И З О Л Т И Н Ч И Б О Б

Биллон Трипурга қайтиб келса, рожа аллақачон куки аскарларига уйларига қайтиш учун фармон бериди: улар бебошлиқ қила бошлаган эканлар. Шундай қилиб, жангга деярли тайёрлик кўрилмаган.

Биллон рожага Ноккхотро Рай билан мулоқоти ҳақида сўзлаб берди.

— Мен кетаман, тақсир,— жавоб берди Гобиндо Маникко.— Тожу тахт ва казинани Ноккхотрога қолдираман.

— Мен бу ишингизни маъқуллай олмайман, махарожа. Чунки жаноблари ҳимоясиз раъиятни душман қўлига топширмоқчилар! Ахир, она ўз фарзандларини ўгайга топшириб, осудалик топа оладими?

— Сизнинг сўзларингиз юрагимга жароҳат солади. Менга шафқат қилиб, бундай гапларни қайта гапирманг, мени ўз раъиймдан қайтаришга уринманг. Сизга аён, тақсир, мен қон тўқмасликка аҳд этганман, ўз аҳдимдан қайтолмайман.

— Унда махарожа нима қилмоқчилар?

— Сизга очигини айтаман. Биз Дхрубо билан ўрмонларда маскан тутамиз. Менинг ҳаётимда, тақсир, интиҳосига етмаган талай ишлар бор. Мен ўз ҳаётимда нималарни орзу қилмадим, бироқ бирортасини рўёбга чиқаролмадим. Ўтганларни қайтариб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди. Баъзан, тақсир, мен ўзимни тақдир камонидан отилган ўқдай тасаввур қиласман. У бир марта нишондан оғдими, қайта унга яқинлаша олмайди. Менда ҳам айни ҳолнинг ўзи. Мана ҳозир мен нимани ўйламай, бари бир у рўёбга чиқмайди. Афсуски, мен қутулса бўладиган пайтда уйғонмадим, ҳушимга келганда эса тўлқин мени тортиб кетмоқда. Гарқ бўлаётган хасга ёпишгандек, мен кичкина Дхрубога ёпишиб олганман. Унда ўзимни гавдалантиromoқ, унинг сиймосида қайта туғилмоқ орзусидаман. Мен унда ҳақиқий инсонни тарбиялаб, шу билан ўз мавжудлигимни оқлайман. Мен оддий бир одамман, ҳар нарса

ҳам қўлнимдан кела бермайди, ҳол шундай экан, мен рожа бўлиб қаерга борарадим!

Гобиндо Маникко охирги сўзларни сезиларли дара-жада тўлқинланиб гапирди. Буларни эшитган Дхрубо: «Мен ожа, мен ожа!»— дея хитоб этиб, бошини Гобиндо Маникконинг тиззасига суркай бошлади.

Биллон кулимсираб болани қўлга олди-да, унинг юзларига узоқ қараб қолди.

— Ўрмонда одамни тарбиялаб бўладими? У ерда кўкат ва дарахт ўстириш мумкин, одамни эса одамлар орасида тарбиялаш лозим.

— Мен дарвиш бўлмоқчи әмасман, жамиятдан алоқамни узмайман. Мен шунчаки одамлардан йироқ-да яшамоқчиман, холос. Бу ҳам умр бўйи әмас.

...Бу орада Ноккхотро Рай қўшини шаҳарга яқинлашди. Аскарлар аҳолини талашга киришди. Ҳамма Гобиндо Маниккони лаънатлай бошлади.

— Гуноҳни рожа қилди-ю, жазосини биз тортилмиз,— дейишарди улар.

Гобиндо Маникко Рогхупоти билан учрашиш ниятида эканини айтди. У этиб келди.

— Нега сизлар одамларни таҳқирлайсиз?— сўради рожа.— Мен кетаман, подшоҳликни Ноккхотро Райга қолдирман. Шоҳ аскарларини бу ердан жўнатинг.

— Хўп бўлади. Сиз кетишингиз билан аскарлар ҳам кетишади. Мен Трипурнинг талон-торож этилишини истамайман.

Гобиндо Маникко шу куниёқ таҳтдан воз кечиб, жўнаш тараддуғига тушди, шоҳона либосларни қаландарларнинг қизил ридосига алмаштирди, Ноккхотро Райга узун мактуб ёзиб, унда укасини рожанинг вазифалари билан таништирди. Кейин Гобиндо Маникко Дхрубони чақириб, уни қўлига олди.

— Мен билан ўрмонга борасанми?

— Бораман,— жавоб берди бола рожани қучоқлаб.

Аммо шу ўринда Гобиндо Маникко ўйлаб қолди: агар у болани ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлса, унинг тоғаси Кедарешшорнинг розилигини олиш зарур. Рожа унга одам юборди.

— Кедарешшор, мен кетяпман, жиянингни ҳам бирга олиб кетмоқчиман.

Афтидан Гобиндо Маникко Кедарешшорнинг эътиroz этишини хаёлига ҳам келтирмаган. Чунки Дхрубо

ҳаммавақт рожа билан яшаб, тоғасини унутаёзганди.

— Мен Дхрубони юбормайман, махарожа.

Рожа яшин теккандай бўлиб қолди. Сўнгра, анча хомушлиқдан кейин, бундай деди:

— Сен ҳам биз билан бора қол, Кедарешшор.

— Йўқ, махарожа, мен ўрмонда яшолмайман.

— Мен ҳам ўрмонда яшамоқчи әмасман,— ғамгин жавоб берди рожа.— Мен одамлар орасида қоламан, мен билан бирга хизматкорлар боряпти. Биз ҳеч муҳтожлик кўрмаймиз.

— Туғилиб ўсган жойимни ташлаб кетолмайман.

Гобиндо Маникко оғир сўлиш олди. Унинг бутун умидлари пучга чиқиб, олам кўзига қоронги бўлди. Рожа илғамас кўзлари ила аллақандай ўйин билан банд Дхрубога узоқ қараб қолди. Бола рожанинг этағидан тортиб:

— Мен билан ўйнанг,— деб таклиф қилди.

Рожанинг юраги жиз этиб кетди. У кўзларида ялтираган ёшни аранг тутаркан, ўгирилиб, алам билан деди:

— Демак, Дхрубо қолади, мен ёлғиз кетаман.

Шу он рожанинг кўз ўнгида, гўё чақмоқда ёришган узундан-узоқ йўл намоён бўлди. Умр бўйи шу йўлдан танҳо юриш Гобиндо Маникконинг қисмати эди.

Кедарешшор боланинг ўйинини тўхтатди.

— Кетдик, юр, кетамиз,— деб жиянининг қўлидан тортид у.

Рожа сесканиб, болага қаради. У рожага ташланиб, бошини унинг тиззасида яширди. Гобиндо Маникко болани қўлга олиб бағрига босди ва ҳаяжондан ёрилаётган юрагига шу билан тасалли берди. Дхрубони кўтарганча рожа хонада ўёқдан-буёққа юра бошлади. Бола дарров тинчланиб, бошини рожанинг елкасига қўйганча ухлаб қолди.

Йўлга чиқиш вақти келди. Рожа ухлаётган болани эҳтиёт билан Кедарешшорга бериб, ўзи хонадан чиқиб кетди.

### ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Ўзи билан бир оз пул ва қимматбаҳо нарсалар олиб Гобиндо Маникко энг содиқ хизматкорлари ва яқинлари рафоқатида Трипурнинг гарбий дарвозаси томон йўл

олди. Худди шу дақиқада Ноккхотро Рай ўз қўшини билан шарқий дарвозадан пойтахтга кириб келди. Шашарликлар шовқин-сурон билан янги ҳукмдорни қутлашди. Сурнай садолари кўтарилди, чиганоқлар чалинди, ногоралар гумбурлади. Бироқ Гобиндо Маникко отлиқ кетаётган йўлга ҳеч ким чиқмади, у билан ҳеч ким хайр-маъзур қилмади, оқ йўл тиламади. Хотинлар бақириб рожани ҳақорат қилишди. Оч гўдакларнинг йиғиси уларнинг дийдасини қотирганди. Ҳатто яқиндангина рожа ҳузурига дон сўраб бориб, унинг марҳамати ва меҳрибонлигини кўрган чол ҳам, эндиликда озғиз қўлларини қалтиратиб, Гобиндо Маниккони лаънатламоқда. Оналарнинг уқтириши билан болалар ҳам рожанинг кетидан дилозор сўзлар айтиб, бақириб-чақирадилар.

Гобиндо Маникко тўғри йўлга қараб, секин бораарди. Шу пайт даладан келаётган бир деҳқон эҳтиром билан рожага таъзим қилди. Бундан таъсиранланган Гобиндо Маникко у билан навозишкорона сўрашди. Ўз подшоҳлигини тугатган рожага юраги ачишиб, яхши сўз айтган, хайр-маъзур қилган бирдан-бир одам шу деҳқон бўлди. Сўнгра у қий-чув кўтарган болаларни койишга киришганди, Гобиндо Маникко уни тўхтатди.

Йўл уни Кедарешшор кулбасига олиб келди. Йилнинг энг совуқ вақти эди, ороҳайон ойининг биринчи куни. Офтоб туман орасидан эндигина кўринди. Рожа кулбага қараб шундай тонгларнинг бирини — ўтган йилнинг ашарх ойи тонгини эслади... Осмонда қуюқ булат, ерда сезиларли ёмғир чангি. Худди ҳилолдек нозиккина, ориққина қизча—Хаши бехуш ётиди. Ҳеч нарсага ақли етмайдиган кичкина Тата гоҳ опасига қараб унинг сариси учини оғзига тиқади, гоҳ жажжи қўли билан оҳистагина унинг юзига уриб қўяди. Ўша булатли сахар хотираси — бу шабнамли равшан тонгни тўсиб қўйди. Рожа ўйлаб кетди: ҳозир уни қувиб юрган тақдир ўшанда мана шу фақирона кулба остонасида кутган. У ўз тақдирни билан шу ерда учрашган. Хотиралар билан банд Гобиндо Маникко отни тўхтатиб, ҳайрон бўлиб қолди. Йўлда ҳеч ким йўқ, фақат унинг ҳамроҳлари. Бояги деҳқон ҳайдаб юборган болалар гласи, у кўздан гойиб бўлиши билан, яна пайдо бўлди. Уларнинг қий-чувлари рожани хаёл оламидан ўзига келтирди ва у секин йўлга тушди.

Бирдан болалар шовқини орасидан таниш, мулойим овоз эшитилди. Рожа орқага ўгирилиб, кулиб турган Дхрубони кўриб қолди — у қўлларини чўзиб, тўғрирса жомон чопиб келарди. Кедарешшор биринчилардан бўлиб янги рожани табриклагани кетган, уйда кичкина Дхрубо билан кекса чўри қолган эди. Гобиндо Маникко отнинг жиловини тортиб, эгардан тушди. Бола кула-кула Гобиндо Маниккога ташланди, унинг кийимида ёпишиб, юзини тиэзалари орасига яшириди, шодлик шиддати пасайгач, ўз хоҳишини эълон қилди:

— Мениям отга миндиринг...

Гобиндо Маникко болани отга миндириди. Дхрубо рожани ачомлаб, нозик юзларини унинг юзига босди. Бола рожада қандайдир ўзгариш сезиб, бир амаллаб унинг илгариги кайфиятини тиклашга уринди: бола рожага ёпишар, ўпар, гўё уни қаттиқ уйқудан уйготмоқчи бўларди. Ўз ҳаракатлари беҳуда кетмаганига ишонгач, у қувонганидан бир йўла икки бармогини оғзига тиқди. Рожа боланинг ниятини пайқади — маъсумият томиб турган юзларидан бир неча бор ўпид қўйди. Бир оз жимликдан сўнг Гобиндо Маникко деди:

— Энди мен кетишим керак, Дхрубо.

Бола рожага ўгирилди.

— Мен ҳам сиз билан бораман.

— Сенинг боришинг мумкин эмас, тоганг билан қоласан.

— Йўқ, мен сиз билан кетаман!

Шу пайт жавраб, қарғаб кекса чўри келиб, Дхрубонинг қўлидан тортиди.

— Кетдик, кетдик.

Қўрқиб кетган Дхрубо икки қўллаб рожага ёпишиб олди, бошини унинг кўкрагига яшириди. «Бу боланинг қўлини бўшатиб юборишдан кўра,— алам билан ўйлади рожа,— ўз юрагингни сугуриб ташлаш осонроқ». Бироқ илож йўқ. Гобиндо Маникко боланинг ўзига тирмашган қўлини секингина бўшатиб, чўрига берди. Дхрубо ийғлади, қичқирди, жажжи қўлларини рожага чўзиб:

— Мен ҳам сиз билан кетаман! — деганча қолди.

Рожа орқасига қарамай, сакраб отга минди-да, олға қараб чоптириб кетди. Гарчи у анча узоқлашган бўлса ҳам, ҳануз ўз томонига қўл чўзиб турган Дхрубони кўриб тургандай, унинг: «Мен ҳам сиз билан кетаман,

мен ҳам сиз билан кетаман», — деб зор-зор йиглаганини эшитгандай бўларди. Рожанинг ҳорғин қўзларидан ёш оқиб кетди, у энди йўлни ҳам, қуёшини ҳам тузук кўролмай қолди, бутун олам туман чангни билан қоплақганди. Рожа отининг жиловини қўйиб юборди — от суворини йироқ-йироқларга олиб кетди.

Гобиндо Маникко шоҳ аскарларига дуч келди. Улар рожани кўриб кула бошладилар, ҳамроҳларига ишора қилиб дилозор сўзлар қотишиди. Гобиндо Маникко аъёнларидан бири от чоптириб рожанинг олдига келди.

— Махарожа, бу ёввойиларнинг адабини бериш зарур! Улар сизни дарвиш ридосида кўриб ҳадларидан ошиб кетишиди. Қўлга қилич олинг, бошингизга салла ўранг, ҳозир мен уларнинг таъзирини бериб қўяман!

— Йўқ, Нойон Рай, менга қилич ҳам, салла ҳам керакмас. Аскарлар мени нима ҳам қиларди? Мен бундан оғирроқ таҳқирларга ҳам бардош бера оламан. Қурол кучи билан ҳурмат қозониб бўлмайди. Оддий одамлар яхши кунлар учун шукур қилиб, ёмон кунларда сабр қилишади, улар иззат-икром, баҳт ва баҳтсизликдан воқиф бўлишади. Ўзимни ҳаққа топшириб, мен бу синовларнинг баридан ўтмоқчиман. Дўстлар душманга айланади, ардоқланганлар ионкўрлик, мутелар сеандишалик қилишади, аммо мен шуларнинг ҳаммасига бардош беролганим учун ич-ичимдан қувонаман. Мен илгари бундай қилолмасдим. Ким дўст эканини мен энди идрок этдим. Нойон Рай, Трипурга қайтиб, Ноккхотрони меҳрибонлик билан кутиб ол, мени илгари қандай ҳурмат қилган бўлсанг, уни ҳам шундай ҳурмат қил. Мен бу ердан кетаётib сизлардан ёлвориб сўрайман: Ноккхотронинг ҳақ йўлдан тойишига йўл қўйманглар, раъиятнинг манфаатига бепарво бўлмасин. Билиб қўйинг, ихтиёrsиз равишда менинг номими эслатиб, уни хафа қила кўрманглар, тасодифий мен билан уни таққослашдан эҳтиёт бўлинглар. Энди, азизлар, хайрлашсак ҳам бўлади.

Рожа ўзининг содиқ мулоzимларини бағрига босиб хайрлашди, сўнг у олға кетди, булар эса унга таъзим этиб, қўзларини артиб, орқага қайтишиди.

Гобиндо Маникко Гомоти дарёсининг баланд қирғотига етганда ўрмондан унинг истиқболига Биллон чиқиб келди.

— Омад ҳамроҳингиз бўлсин! — саломлашди у қўлини бош узра кўтариб.

Гобиндо Маникко отдан тушиб, брахманга таъзим қилди.

— Мен сиз билан хайрлашгани келдим,— деди Биллон.

— Сиз Нокхотро ҳузурида қолинг, тақсир, унга маслаҳат бериб, ҳидоятга — тўғри йўлга бошлайсиз.

— Йўқ. Сиз рожа бўлмаган жойда мен ҳам фойдали бўлолмайман. Бу ерда энди менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди.

— Ундай бўлса, тақсирим қаёққа бормоқчилар? Балки илтифот қилиб... Сиз менинг ожиз кўнглимга дармон бўласиз-ку.

— Ёнингизда бўламанми, йироқдами, билиб қўйинг, менинг меҳр-муҳаббатим мудом сиз билан бирга. Энди бориб бирор иш қидираман. Сиз билан ўрмонда мен қиласиган иш йўқ.

— У ҳолда мен кетдим,— мулоийимгина гапирди рожа ва яна бир бор таъзим қилди.

Уларнинг ҳар бири ўз йўлига равона бўлди.

## ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Нокхотро Рай Чхотро Маникко номи билан тантанали равишда тахтга ўтиргди. Хазина деярли бўш эди, вавъда қилинган маблағни тўлаб, шоҳ қўшинини қайтариш учун раъиятнинг ипидан-игнасигача тортиб олишга тўғри келди. Чхотро Маникконинг подшоҳлиги ўта очлик, қашшоқлик билан бошланди.

Гобиндо Маникконинг яқинлари, унинг алоҳида илтифотига ноил бўлганларгина эмас, ҳатто у ўтирган супа, у ётган жойлар ҳам кечаю кундуз янги рожани лаънатлаб тургандай туюла бошлади. Бора-бора ҳаёт Чхотро Маникко учун тоқатдан ташқари бир азоб бўлиб қолди. У, Гобиндо Маниккони эслатмасин, деб акасининг ҳамма нарсаларини йўқ қилиб юборди, унинг севимли аъёнларини саройдан четлаштириди, унда ҳатто акасининг номини эшитишга ҳам тоқат қолмади. Гобиндо Маникконинг номини тилга олганларни, мени ҳақорат қилиш ниятида, деб гумонсирай бошлади. Чхотро Маниккога унга етарли иззат-икром кўрсатилмаётгандай туюларди. У қизиқон бўлиб қолди,

бўлар-бўлмасга жигибийрони чиқиб сарой аҳлини даҳшатга соларди.

Ч хотро Маникко давлат ишларида ҳеч нарсага тушунмасди, бироқ бирор одам журъат қилиб маслаҳат бергудай бўлса, дарғазаб бўлиб:

— Мен ўзим биламан! Мени аҳмоқ деб ўйлайсанми?! — деб ҳайқириб, бақириб берарди.

Халойиқ янги рожани зўравонликда айблаб, ундан нафратланади, деган фикр Ч хотро Маниккони қанча омонсиз таъқиб этса, у шунча қайсарлик билан ўз ҳукмини ўтказишга тиришар, мустабидроқ бўлар, бедодлик қаларди. У ўзининг ҳокими мутлақлигини таъкидлаш учун гуноҳкорларни афв этиб, бегуноҳларни жазоларди. Халқ кафангадо бўлиб, очлик азобини тортганда, сарой аҳли кечаю кундуз кайфу сафо суриб, нағманавозлик қиласарди. Шу чоққача бирор рожа тахтга чиқиб, мустабидлик байроғини мунчалар баланд кўттармаган эди.

Фуқароларнинг норозилигини эшишиб Ч хотро Маникко янада қайсарлашди: буни ўз шахсиятига ҳурматсизлик деб ўйлади. Ёкилмишлари яна ҳам кўпроқ норозиликка сабаб бўлишини ҳисобга олмай, Ч хотро Маникко зулм, зўрлик ва таҳдид билан ҳамманинг нафасини ўчириб қўйди. Мамлакатда ярим тундаги сингари сукунат ҳукмронлик қиласарди. Ювош, қатъиятсиз Нокк хотро Райнинг Ч хотро Маниккого айланиб, та момила ўзгариб кетишидан таажжубланмаса ҳам бўлади, зеро ожиз, иродасиз одамлар давлат тепасига чиққанда — кўпинча мустабид бўлиб қолишади.

Рогхупоти муродига етди. Қасос ташналиги то у Трипурга қайтгунча брахманни ёндириб келганди деб айтиш мумкин эмас, бу ташналик олдинроқ босилганди. Бироқ у бошлаган ишини охирига етказишга аҳд этгани учун ўз аҳдини бузишни истамади. Коҳин ҳар хил ҳийла-найранглар билан йўлдаги ғовлардан ўтиб, оғишмай мақсад сари борганда баҳт нашъаси уни сархуш этди. Аммо муроди ҳосил бўлди-ю, брахман қалбига сафобахш ҳеч нарса қолмади бу дунёда.

Ҳувиллаб ётган ибодатхона Рогхупотини хомушлик билан қарши олди. Гарчи брахман Жай Сингхнинг бу дунёда йўқлигини яхши билса ҳам, ибодатхонага келиб, бу оғир жудоликнинг аламини қайта бошдан ке чиргандек бўлди. Баъзан руҳонийга Жай Сингх тирик-

дай туюлса-да, хотира у абадий кўз юмганини эслатиб турарди... Бирдан шамол шиддат билан эшикни очиб юборди — Рогхупоти сапчиб тушиб, орқасига ўгирилди... Йўқ, бу Жай Сингх эмас. Балки у ўз хонасидадир? Ерахман анчагача у ерга киришга ботинмай турди: у бўм-бўш хонани кўришдан қўрқарди.

Ниҳоят осмонда кечки шафақ сўниб, соялар қулоқлашганда Рогхупоти секин Жай Сингх хонасига кирди. Уй бўш ва ертўладаги саганадек сас-садосиз эди. Меҳробда сандиқ, ёнида чанг босган ёғоч кавущ, деворда Жай Сингх чизган маъбуда Кали сурати. Хонанинг шарқий бурчагида жез шамдон. Ўнга ўргимчак ин қурган, у бир ярим йилдан буён ёқилмаган. Ёнидаги деворни ис босган — қачонлардир ёнган чироқнинг тутинидан қорайган. Хонада бошқа ҳеч нарса йўқ. Рогхупотининг оғир хўрсинишларига шипшийдам деворларгина акси садо берарди. Нимқоронгилик аста-секин вулматга мубаддал бўлди. Аҳён-аҳёнда калтакесак чириллагани эшитиларди. Очиқ эшикдан совуқ ҳаво ёсарди. Рогхупоти сандиққа ўтирди. Унинг аъзойи бадани қалтираб борарди.

Брахман муттасил бир ой ибодатхонада танҳо ўзи билан ўзи яшади. Бу зайлда бундан ортиқ яшашга унинг асаблари бардош бермади. Коҳинлик лавозимидан воз кечишга тўғри келди. Рогхупоти саройга қараб йўл олди. Брахман кўрдики, Чхотро Маникконинг давлати соясида ҳамма жойда қонунсизлик, зўравонлик, бебошлиқ авж олмоқда. Рогхупоти Трипур давлатини идора қилиш ишига аралашиб, мамлакатда тартиб ўрнатишга уриниб кўрди. Бир куни шу хусусда маслаҳатлашиш учун Чхотро Маникко ҳузурига борди. Янги рожжанинг жаҳли чиқди.

— Давлатни идора қилиш ишида сиз нимани билансиз, тақсир? Бундай ишлардан тамомила ғофилсиз.

Рожжанинг бунчалар иописандлиги брахманини ҳайратда қолдирди, у илгариги Ноккхотро Райнин таниёлмай қолди. Уларнинг орасида келишмовчилик, муноқаша бошланди. «Нима, Рогхупоти бўлмаса мен рожа бўлмасмидим?» — хуноб бўлиб ўйларди Чхотро Маникко. Бора-бора уни Рогхупотининг афтини кўришга тоқати қолмади. Ниҳоят аччиқ бўлса ҳам очигини айтди:

— Ибодатхонангизда тинчгина ўтирганингиз маъқул, тақсир. Саройда сизнинг ҳеч бир керагингиз йўқ.

Рогхупоти Чхотро Маниккога чақнаган кўзлари билан қаради. Рожа бир оз довдираб, шартта ўгирилди-ю, чиқиб кетди.

## Ў Т Т И З Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

Кедарешшор янги рожа билан у пойтахтга кириб келгани куниёқ учрашишга уриниб кўрди, аммо унинг ҳаракати натижа бермади. Аскарлар, рожанинг шахсий муҳофизлари уни итаришди, судрашди, охири шундай қўрқитишди, у аранг оёғини судраб чиқиб кетди.

Гобиндо Маникко даврида Кедарешшор саройда шоҳона яшар, ғам, ташвиш нималигини билмасди, бироқ эски рожа кетиши билан Дхрубонинг тогаси ўз кулбасига қайтишга мажбур бўлди, турмуш ёмонлашди. Илгари, Кедарешшор рожанинг ҳимоятида экан, ҳамма ундан ҳайиқиб ҳурмат қиласди, эндиликда уни бирор назар-писанд қилмасди. Илгариги вақтларда одамлар унга турли-туман илтимослар билан мурожаат қилишарди, энди эса, «ҳа» деб қўйишга ҳам уларнинг вақти йўқ. Бундан ташқари, Кедарешшорнинг рўзгор тебратиши қийин бўлиб қолди. Хулласи калом у Нокхотро Райга бир учраб, эски қадрдонлигини шафе келтириб, яна саройга қайтишни орзу қиласди. Аммо рожанинг олдига қуруқ қўл билан киришга Кедарешшор ботинмади. Кунлардан бир кун бор-будини йифишириб, тўғри подшоҳ кўшкига қараб равона бўлди. Кедарешшор Чхотро Маникконинг дийдорини кўришдан нечоғлик шодмон эканини кўрсатиш учун, айёона табассум билан, рожа ҳузурига кириб борди.

Рожа дарҳол уни таниб, газаби жўшди.

— Нега иржайиб турибсан? Кулгани келдингми бу ерга?

Ҳукмдордан сўнг ҳамма унга ташланди: қоровуллар бошлиғи, муҳофизлар, вазирлар, маслаҳатчилар. Бир зумда унинг юзидан табассум йўқолиб, нафаси ўчди.

— Хўш, нима демоқчисан, гапир тезроқ! — амр этди Чхотро Маникко.

Аммо Кедарешшор қўрққанидан нима учун келганини унутди. Унинг узоқ ўйлаб, қийналиб топган гаплари бир зумда хотиридан кўтарилди, ҳозир икки сўзни бир-бирига қовуштириб гапиролмасди.

— Агар айтадиган гапинг бўлмаса, чиқиб кетишинг мумкин.

Кедарешшор дарҳол бир нарса дейиши кераклигини пайқади.

— Махарожа, наҳотки сиз Дхрубони унутган бўлсангиз? — томдан тараша тушгандай гапирди Кедарешшор ғамгин қиёфага кириб.

Ч хотро Маникконинг ғазаби жўш урди, аммо бундан бехабар Кедарешшор сўзида давом этди:

— У ҳамиша йифлаб: «Амаки, амаки!» деб сизни чақиради, ичикиб адойи тамом бўляпти.

— Сенинг жиянинг мени амаки деб атайди?! Бу қандай одобсизлик! Буни сен ўргатдингми унга?!

Кедарешшор дуога қўл очгандай бўлиб, ёлворган овозда ғудирлади:

— Махарожа...

— Ҳой, у ерда ким бор! Бу жияни билан қўшиб мамлакатдан чиқариб юборилсан!

Бирдан Кедарешшорга шунча қўл чўзилдики, бир зумда у ўзини сарой остонасининг нарёғида кўриб қолди. Посбонлар унинг қўлидаги гажавани тортиб олиб, ичиди борини ўзаро бўлиб олишди.

Кедарешшор билан Дхрубо Трипурдан чиқиб кетди.

## ҚИРҚИНИЧИ БОБ

Рогхупоти ибодатхонага қайтиб келди. Унга илгаригидек ҳеч ким тоза кийим бермади, уни ҳеч ким орзиқиб кутмади. Тош ибодатхона ўлиқдек сас-садосиз турарди. Брахман оқ мармар зинага ўтириб, Жай Сингх ўтиазган шифоли гулларга маҳлиё бўлиб қолди. Булар унга содиқ ходимни, унинг чиройли чеҳрасини, мўмин-қобиллиги, кўтаринки руҳини, олижаноб ҳисларини жуда ёрқин әслатарди. Кийик боласидек нозик, ювош, арслондек қудратли йигит сиймоси Рогхупотининг бутун жону дилини тўлдирди. Брахман илгари ўзини ходимидан бекиёс юқори деб ўйларди, аммо ҳозирда ўзига ўзи арзимас, ожизу ҳақир кўринди. Ҳолбуки Жай Сингх устозига талпинар, унга кўр-кўронা, бесабаб сажда қиласарди. Рогхупотининг юрагида Жай Сингхга нисбатан чуқур эҳтиром, ўзига нисбатан нафрат ҳисси қўзғалди. У баъзан йигитга қандай ноинсофлик қилганларини әслади... бу фикрдан юраги эзилиб

кетди. «Жай Сингхни муҳокама қилишга менинг ҳақ-қим йўқ эди,— ўйлади брахман.— Агар мен уни яна бир бор кўрсам, ҳеч бўлмаса, бир лаҳзага, унга таас-суф билдирадим, афв сўрардим». Рогхупоти Жай Сингхнинг ҳамма сўzlарини, қилмишларини хотирла-ди, унинг кўз ўнгидан шогирдининг бутун ҳаёт йўли ясов тортиб ўтди. Брахман гўё бир лаҳза шу қудратли, пок одамга айланди-да, ўзини ҳам, машаққатларини ҳам, худбинликни ҳам унутиб, енгил тортиб, сўнгги бақтгача уни таъқиб этган қисматнинг оғирлиги, тақ-дирнинг субутсизлиги энди унга унчалик малол кел-май қўйди. Рогхупоти ўзи тахтга ўтқазган, давлат тепасига чиқиб ўзини таҳқирлаган Ноккхотро Райни ҳам қаҳру ғазабсиз эслай бошлади. Шараф, эҳтиром... брахман кулимсираб қўйди холос: буларнинг бари аҳамиятсиз, арзимас гаплар. Рогхупотининг, агар Жай Сингх тирик бўлса, у маъқуллайдиган қандайдир бир иш қилгиси келди, бироқ қўл уришга арзигулик иш кўрмади — атрофда маъносизлик ҳукм сурарди. Одам-сиз ибодатхона кўкракни сиқиб, нафасни бўғарди. Йўқ, у нима бўлгандা ҳам қандайдир улуғ — хайрли ишга қўл уриб, шу билан руҳий азобдан қутулиши керак. Рогхупоти сокин, диққинафас тош бинога назар сол-ди-ю, юраги қафасга тушган қушдек типирчилаб кет-ди. Брахман ниҳоллар ўсиб турган майдонга қараб кетди. Унинг қалбida бу сассиз ибодатхонанинг ҳиссиз, кераксиз бутларига нисбатан нафрат туғёни қўзғалди, юраги кўкрак қафасини ёриб чиққудай тез ура кетди. О, умр бўйи ҳиссиз тош санамлар хизматида бўлиш — бу қандай маъносизлиг-a!

Ярим кечага яқин Рогхупоти чақмоқтошдан ўт чи-қариб, шамни ёндириди-да, уни қўлга олиб, ибодатхона-га, ўн тўрут тангри олдига кириб борди. Бу ерда ҳамма-си аввалгидек эди. Ҳайкаллар, худди илгаригидек, бун-дан бир ярим йил муқаддам, ўша машъум тунда, шам-гинг хира, қалтироқ нурида оёқлари остида содик хо-димнинг жонсиз жасадидан қон оқиб турганда қандай бўлса, худди ўшандай ҳиссиз, шафқатсиз турибди.

— Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! — қичқирди брахман.— Жай Сингх, ўғлим, сен ўз қонингни кимга бердинг! Бу срда ҳеч қандай худо йўқ! Сенинг қонингни иблис Рогхупоти ичди.

Брахман таг курсидан Кали маъбудасининг ҳайка-

лини кўтариб, уни эшик олдига олиб борди-да, бор кучи билан остоидан улоқтириб ташлади, у тарақлаганча тош зиналардан пастга юмалаб, Гомоти сувига чўкиб кетди... Шунча йиллардан буён қонхўрлик қилиб келган тош иблис дарё тубидаги минглаб харсангларга қўшилиб кетди. Бироқ у тебранмас тахтида виқор билан ўтириб, аввалгидек одамлар қалбида барҳаёт қолаберди.

Роғхупоти шамни ўчириб, йўлга чиқди. У шу кечасиёқ пойтахтни тарқ этди.

### ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

Биллон Ноакхали яқинидаги Низамотпур қишлоғига келиб ўрнашди. Бу ерда даҳшатли офат юз берди: вабодан одамлар қирилиб бораради.

...Бир куни, фалгун ойининг охирида эрталабдан ҳаво айниб, ёмғир томчилай бошлади, кечга бориб бўрон кўтарилди. Уни олиб келган шарқ шамоли ярим кечада ўз йўналишини ўзгартириб, шимоли-шарқдан, шимолдан эсиб, оқибат ҳақиқий довулга айланди. Ниҳоят довул тинди-ю, унинг қудрати вайронкор селга айланиб, қишлоқни таҳлика остида қолдирди. Шу пайтда фарёд кўтарилди: «Ҳочинглар, тошқин!» Ҳамма ваҳимага тушди. Қоронғи кечада жиққа ҳўл одамлар томларга чиқишиди, кўл бўйида тўпланишиди, дарахтларга чиқишиди, баъзилари ҳатто ибодатхона гумбазига чиқиб кетишиди. Узоқдан мавж урган сувнинг тобора кучайгац шовиллаши эштиларди, мана, бирин-кетин икки тўлқин келиб, қишлоқ саккиз газ сув остида қолиб кетди. Субҳидамга бориб сув пасайди ва энди чиқиб келаётган қўёш нурида харобалик манзараси намоён бўлди: деярли уйлар қолмаган, ҳеч қаерда одам кўринмайди, офат қурбони бўлиб ярми довулда синган пальмаларнинг таналаригина қаққайиб туар, томири билан қўпорилган анжир ва нон дарахтлари ёнбошлаб ётарди. Ҳар ер-ҳар ерда уйларнинг қўпорилган томлари кўринади. Буларнинг кўриниши гўё деворлар ҳажрида ёнгандек аянч ва ғамгин эди. Унда-мунда идиштовоқлар, гарқ бўлган одамлар, бошқа қишлоқлардан сув оқизиб келган сигирлар, ҳўқизлар, итлар ва қашқирларнинг мурдалари ётарди.

Низамотпур аҳолисининг деярли ҳамма уйлари азим дарахтлар орасида эди. Улар кўпларнинг ҳало-

катдан омон қолишига сабаб бўлди. Баъзи одамлар тунни бамбуқ дарахтлар устида ўтказиши, бошқалари мадар дарахти тиканларидан ярадор бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда саломат қолишиди. Лекин пишқириб турган сувга дарахт-параҳт билан қулаб тушиб ҳалок бўлганлар ҳам бор. Сув пасайгандан сўнг, дарахтларда саломат қолганлар ерга тушиб, ҳалок бўлганлар орасидан ўз қариндош-уруғларини қидира бошладилар. Кўп мурдаларни ҳеч ким танимади: оқим уларни бошқа жойлардан олиб келган. Вақт ўтар, аммо, ўликлар шу аҳволда ётарди, уларни ҳеч ким куйдирмади, кўммади. Мурдалар устига қузғун галалари ёпирилиб келди, улар билан рақобат қиласидиган на ит, на қашқир бор, итлар ва қашқирлар учун ўша даҳшатли тошқин кечаси охирги кеча бўлди.

Низамотпурда ўн-ўн беш афгон оиласи яшарди. Улар тепаликда яшаганлари учун тошқиндан деярли ҳеч қайсиси заар-заҳмат кўрмади. Қишлоқнинг ҳиндлар яшайдиган қисмида тошқиндан заарланмаган уйларнинг эгалари қайтиб келишиди, бошқалари бошпана қидириб ўзга ўлкаларга кетишиди. Аҳолининг бир қисми тошқин вақтида Низоматпурда йўқ эди. Қайтганлари қайта уй қуришиди. Аста-секин қишлоқ яна одамга тўлди. Мана шу пайтда вабо бошланди, бунинг бош сабаби мурдаларнинг чиришидан сувнинг заҳарланиши эди. Вабонинг биринчи қурбонлари афгоилар бўлди. Мурдаларни бирор кўммади, қўшни беморларга ҳеч ким қарамади. «Мусулмоилар ўз гуноҳлари, сигирларни сўйгани учун жазосини тортятти»,—дейишди ҳиндлар. Ажнабийларга адоват ва кастадан чиқиб қолишиндан қўрқиб, бирорта ҳинди афгонларга заррача ёрдам қилимади, ҳатто бир пиёла сув бермади. Дарвиш Биллон ва унинг шогирдлари бу ерда пайдо бўлганда қишлоқдаги вазият мана шундай эди. Вабодан қўрқиб шогирдлари қочмоқчи бўлишиди, аммо Биллон уларни ушлаб қолди. У бемор афгонларни парвариш қилди. Уларга дори-дармон берди, едирди, ичирди, ўлганларни дағи қилди. Барча расму русумларга лоқайд қараган дарвишнинг феълу автори ҳинdlарни ҳайратда қолдирди. «Мен дарвишман,— деди Биллон, — менинг кастам йўқ — ҳеч тоифага мансуб эмасман. Менинг кастам — одам. Одамлар ўлиб турганда, тангри ижодининг гултожи — инсон одам муҳаббатига, унинг ёрдамига муҳ-

тож бўлганда — тоифавий тафовутга бало борми!» Биллоннинг холисона, ҳаммага бир хил муносабатини кўриб, ҳиндлар ундан хафа бўлишга ёки уни айблашга журъат этмадилар; улар дарвишнинг фаолиятини яхшига ҳам, ёмонга ҳам чиқара олмадилар. Уларнинг шастрлар борасидаги чала-чулпа билимлари дарвишнинг хатти-ҳаракатидан шубҳага солса ҳам, юракларда яшаган одамийлик, унинг фаолияти тақдирга сазовор, деб айтиб туради. Биллон ҳеч нарсага эътибор этмай, ўз ишида давом этди. Ўлим ёқасида турган ағонлар уни кўкларга кўтаришди, уларнинг болаларини вабодан асрашга уриниб, Биллон уларни бошлаб ҳиндлар ҳузурига борди. Бироқ улар даҳшатга келиб, ҳеч бири бошпана бермади. Шунда у болаларни ярим вайрона ибодатхонага олиб борди. Болаларни боқиш учун дарвиш ҳар куни эрталаб хайру худойи йигишга кетарди. Бироқ, теварак-атроф аҳолисининг ўзида егулик ҳеч нарса бўлмай, шунча одам очлик ўлими хавфи остида турганда, ким ҳам хайру худойи берарди? Биллон шу қишлоқнинг эгаси — мусулмон заминдор ҳузурига борди. Заминдор қаердадир жуда узоқда яшарди. Уни бу бечораларга ёрдам қилишга кўндириш Биллон учун енгил бўлмади, аммо брахман ниятига етди: Даққадан гуруч юбора бошлашди. Биллон беморларни муолажа қиласар, шогирдлари эса уларга овқат пишириб, егизиб, ичкизар эдилар. Биллон баъзан болалар билан ўйнагани борарди, улар ҳар гал уни қувнаб, қичқириб қарши олардилар. Кимки кечки пайт ибодатхона ёнидан ўтган бўлса, у, бу ерга тўтиқуш болалари қўнган, деб ўйларди. Дарвишнинг эсрражга ўхшаш музика асбоби бўларди<sup>1</sup>. Ҳордиги чиққандан сўнг дарвиш уни қўлга олиб чалар, куйларди. Болалар бу яхши амакини ўраб олардилар. Баъзилари жимгина қўшиқ тингласа, баъзилари брахманинг қўшиғига жўр бўлиб, қаттиқ қийқирадилар. Бошқа бирлари торларни ушламоқчи бўлардилар.

Кунлар ўтиб борарди. Касаллик аста-секин қишлоқнинг мусулмон маҳалласидан ҳиндлар маҳалласига ўтди. Қишлоқда тартибсизлик — ўғирлик, талончилик бошланди, ҳар ким қўлига тушганини олиб кетаверди. Мусулмонлар тўдалашиб, таловчиликка киришди. Улар

<sup>1</sup> Э сра ж — торли мусиқа асбоби.

ҳеч нарсадан ҳазар қилмай, беморларни улоқтириб, улар ётган тўшак, бўйрагача олиб кетиши. Биллон мусулмонларни таловчиликдан қайтариш учун кўп жонбозлик қилди ва бунга эришди. Афғонлар унинг насиҳатларига бепарво қарай олмадилар. Қишлоқда осоишишалик ўрнатиш учун Биллон кўп куч сарф қилди.

Бир куни әрталаб шогирдларидан бири унга, қишлоқда қандайдир нотаниш одам пайдо бўлибди, ёнида бир бола ҳам бор, у одам анжир тагида ўтирибди, афтидан оғир касал, узоқ яшамаса керак, деб айтди. Биллон дархол шу томон йўл олиб, анжир дарахти тагида ҳушсиз ётган Кедарешшорни кўрди. Унинг ёнида Дхрубо ётарди. Кедарешшор умрининг охирги дақиқаларини кечирарди. Очлик, саргардонликдан мажоли қуригани учун уни касал енгибди, ҳеч қандай дори-дармон наф қилмади, Кедарешшор шу ерда, дарахт остида жон берди. Афтидан, Дхрубо очлиқдан йиғлаб-йиғлаб, охири толиқиб ухлаб қолибди. Биллон болани астагина кўтариб, ибодатхонага олиб кетди.

#### ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Биз воқеаларини нақл этмоқчи бўлган даврда Читтагонг вилояти Араканга қараварди<sup>1</sup>. Гобиндо Моникконинг Трипурни тарқ этиб, Читтагонгга келганини эшишиб, Аракан рожаси унинг ҳузурига сарой аъёнларидан иборат мўътабар ҳайъат юборди:

— Агар махарожа Гобиндо Маникконинг тахтни қайтариш хоҳиши бўлса, Аракан ҳукмдори ёрдамга тайёр.

— Йўқ, менга тахтнинг кераги йўқ,— жавоб берди Гобиндо Маникко.

— Ундей бўлса, махарожа марҳамат қилиб, Аракан рожаси саройида мўътабар меҳмон тариқасида лашамоқлари мумкин,— таклиф қилишди.

— Мен саройда турмайман. Агар Аракан ҳукмдори шоҳона илтифот қилиб, менга Читтагонг атрофидан бошпана берсалар, беҳад миннатдор бўлардим.

— Махарожа хоҳлаган жойларида истиқомат қи-

<sup>1</sup> Аракан — ўрта асрларда шимолий Бирмадаги бир конлик.

лишлари мумкин. Ўзларини ўз подшоҳликлари ҳудудида деб фараз қиласинлар.

Аракан ҳукмдорининг бир неча яқинлари рожа ҳузырида қолиш хоҳишини билдиришди. Гобиндо Маникко эътироҳ этмади. «Эҳтимол Аракан ҳукмдори мендан гумонсираб, ўз яқинларини ёнимда қолдирмоқчи-дир»,— деб ўйлади у.

Зилол сувлари шағал ва ҳарсанглар устидан суръат билан оқиб турган Мояни дарёси бўйида маҳарожа Гобиндо Маниккога чоғроқ уй қуришди. Дарё икки тарафдан қисиб турган қорамтил қоялар оғушида, улар бағридаги ковагу горларда қушлар яшайди. Қирғоқларга ранг-баранг сув ўсимликлари ёпишиб олган. Баъзи жойларда қоялар шундай қад кўтарганки, дарё сатҳини офтоб нуридан тўсиб туради. Қоя-қирғоқлар ёнбағрида япроқлари ранг-баранг азамат буталар узоқ-узоқларга чўзилган чангальзорга қўшилиб кетади. Ҳар жой-хар жойда банданинг нозик новдалари кўриниб қолади. Баҳайбат гаржан дарахти баланд қоядан дарё сатҳига эгилиб турибди, унинг бутоқсиз кулранг танасига чирмашиб кетган сон-саноқсиз чирмовуқлар сувнинг нишаб жойига соя солмоқда. Моянининг қирғоқларини ўйиб, ҳар томондан унга ариқчалар оқиб келади, оқ-қанда ҳам болалардек шўхлик, сабрсизлик қилиб, майин, шодон шариллаб оқади. Тош қирғоқлар исканжасидан қутулган дарё эса текисликда кўпикланиб, шовиллаб, яна бир онда бошқасига дуч келиш учун шиддат билан олға, яна йироқларга қараб чопади. Унинг тинимсиз шовқининг ҳаракатсиз тош деворлар акс-садо билан жавоб беради.

Мана шу ерда, гўё кечакундуз сарин оқимнинг дилбар мусиқасига қулоқ солиб турган қоялар этагида, соя-салқин бир жойда Гобиндо Маникко жойлашди. У осудалик кайфини сурарди. Бокира табиатнинг интиҳосиз, оромбахш муҳаббати юзлаб ариқчалардан унинг кўнглига оқиб киради. Гобиндо Маникко ўз қалби горига кирди, муроди ундан арзимас аламлар тутунини чиқариб, мусаффо ҳавою ёруғ нур билан тўлдириш эди. У ҳаммасини унуди: хафа қилганларни, озор берганларни, ўзгаларга меҳрибонлик қилиб, ўзи меҳрибон топмаганини, яхшиликка ёмонлик қилганларни, дилдодлик учун таҳқир этганларни, хуллас ҳамма, ҳаммасини кўнглидан чиқарди. Асрлар бўйи тош тахт-

да ўтиrsa ҳам, мудом навқирон, фаол ва айни замонда улугвор осуда табиатга қўшилиб, у ўзи ҳам шундай қадимий, навқирон, улугвор-осуда бўлиб қолди. У ҳамма хоҳишлардан воз кечди, унинг беғубор, икир-чикирлардан озод муҳаббати самолар сари йўл олди. «Худоё худовандо,— хитоб этди Гобиндо Маникко дуога қўл очиб,— мени дунёвий фарогатнинг хавфли чўққисидан ўз оғушингга олиб, таҳлиқадан қутқаздинг. Мен ҳалокат сари бормоқда эдим. Рожалик давримда ўз улугворлигимни сезмагандим, энди уни сезиб турибман—у бутун коинотни қамраб олмоқда». Кўз ёшлари юзларидан оқиб кетди унинг. «Эй парвардигор, сен менинг Дхрубомни тортиб олдинг, бу жудолик алами ҳали юракдан кетганча йўқ. Аммо мен энди тушуниб турибманки, шундай бўлиши керак экан. Болага бўлган худбикларча муҳаббатни мен бурч ва ҳаётдан юқори қўйибман. Сен мени гуноҳдан қутқардинг. Дхрубони мен ўз яхшиликларим эвазига берилган мукофот деб қабул этгандим, уни тортиб олиб, менга ақл ато қилдинг, шундан сўнг билдимки, эзгуликнинг мукофоти эзгуликнинг ўзи экан, энди Дхрубо билан жудоликнинг ҳалловатбахш аламларини сенинг марҳаматинг деб қабул этаман. Мен ёлланган мардикордек меҳнатимга ҳақ талаб этмайман. Нимаики қилсам — сенга муҳаббатдан қиласман».

Гобиндо Маникко билдики, руҳпарвар, ўйчан табиат танҳоликда томчилаб муҳаббат тўплайди, кейин уни анҳорлаб одамларга беради. Унга яқин келганлар ташналиқ азобидан қутулади, уни мақбул кўрмаганлардан табиат ранжиб ўтирамайди. «Мана мен ҳам танҳоликда тўплаган муҳаббатимни элга улашгани бораман», ажд этди Гобиндо Маникко. Шу фикр билан у тоғдаги масканини тарқ этди.

Қогозда таҳтдан кечиш амалдагисидан анча осон. Ҳамма нарсадан маҳрум бўлиш, саройни тарқ этиш, шоҳона либосларни қаландар жандасига алмаштириш ҳазил гап эмас. Тождан воз кечиш осон, аммо болаликдан ўрганган одатларни тарқ этиш амримаҳол. Одат ва унинг талаблари одам билан бирга ўсади, агар ўз вақтида бу талаблар қондирилмаса, у зулукдек қонимизни сўришга киришади. Сиз, Гобиндо Маникко Мояни қирғогидаги уйида танҳо яшаб, муроқибага кетди — ўз ботинига назар солди-ю, оламдаги воқеаларга

эътибор қилмади, деб ўйламанг. У ҳар қадамда майда одатлари билан курашиб келди. Кўнгли бир нимани қўмсаганда уни маломат қилди, баднафсликни очлик билан жазолади, умр бўйи ўзини ўраб олган шоҳона шароитсиз яшашга ўрганиб, тадрижий равишда маънавий қаноат ҳосил қилди. Асов тулпорни чоптириб совутишади. Гобиндо Маникко ҳам тарки одатга кўнмаган нафсини қаноат саҳросида тўхтовсиз чоптириб, охири ром қилди.

Гобиндо Маникко тоғлик ўлкаларни тарк этиб, жанубга, денгиз соҳилига қараб йўл олди. Хоҳишилар илжиқлигидан қутулиб, у таажжуб бир эркинлик сезди. Энди ҳеч ким унинг йўлини тўсмайди, олга қараб кетишга ҳеч ким монелик қилмайди. Оlam Гобиндо Маникконинг кўз олдида бутун улуғворлиги билан намоён бўлиб, у ўзини шу гўзал оламнинг ажралмас бир зарраси деб ҳис этди. У дараҳт ва буталар яшиллигига янги ранг, қуёш шуъласида янги заррин нур, табиатнинг жамолида янгича жило кўрарди. Агар баъзан қишлоқларга бориб қолгудай бўлса, одамларнинг феълу атворида, хулқи рафторида қандайдир алоҳида гўзаллик, олижаноблик кўрарди. Оҳиста гаплашиш ва кулги унинг учун дилрабо музика, ҳаракат ва ишоралар фусункор рақс эди. Гобиндо Маникко чақирганида келган одамнинг сухбатидан ҳаловат топар, аммо ёнидан ўтиб, унга эътибор этмаганлардан нафратланмас эди. Ҳамма ожизларга кўмаклашиб, барча мотамзадаларга тасалли бергиси келарди. «Яқинларим учун ўз бахтимдан кечишимнинг боиси шуки,—ўйларди Гобиндо Маникко,— менинг ўзимда на ташвиш, на талаб бор». Унинг кўзлари дунёга бошқача қарай бошлиди. У йўлда ўйнаб турган икки болани ёхуд акуани, ота-болани, она ва фарзандни ёнма-ён кўрганда — уларнинг кир-чирлигига, бенаво ва беўхшовлигига эътибор этмай — юрагида тенгсиз, чексиз инсоний муҳаббат уйғонарди. Болалик аёлни учратса, ўтмиш ва келжакнинг ҳамма болалари онасини кўрарди унда. Дўстлик — унинг учун инсониятнинг ўзаро биродарлик, муҳаббат риштаси билан боғлиқ әканининг рамзи эди. Илгари унга етимдай туюлган ер — энди она оғушида ётган бахтиёр бола бўлиб кўринарди. Сلامнинг ғам-алами, қайфу, қашшоқлик, инфоқ ва нафрат энди уни ларзага солмасди. Борди-ю одамлар

нинг иши салча юришса, уларнинг оз бўлса-да омади келса, унинг қувончлари ичига сифмай, самолар сари парвоз этарди. Ахир ҳар биримизнинг ҳаётимиизда шундай руҳпарвар саҳарлар бўлмаганми, уйқудан уйғониб, илгари кўрилмаган руҳий тетиклик, муҳаббат ва эркинлик ҳис этамиз, гоҳ хушнуд, гоҳ ғамгин дунёмиз бирдан гўзаллик, бахт ва муҳаббат нурида чўмилгандек зебо кўринади кўзимизга. Бундай саҳарда ҳеч ким сени ранжитолмайди, йўлингни тўсолмайди, ердаги ҳеч бир неъматдан маҳрум этолмайди; бундай саҳарда фусункор сурнай янграб, сеҳргар баҳор уйғонади, бутун олам абадий ёшлиқ қувончига тўлади, унда қайғу, қашшоқлик, кулфатлар аҳамиятсиздай кўринади. Эрк-озодликни қулоч очиб қаршилаган Гобиндо Маникко ҳаётида ҳам айни ҳол рўй берди.

...Читтагонг жанубидаги Раму шаҳрига ўн крош<sup>1</sup> қолди. Оқшомга яқин Гобиндо Маникко Аломкхал қишлоғига етиб келди. Қишлоқ четидаги уйларнинг бирида гўдак йиғларди. Унинг финшиган овози рожанинг юрагини эзиб юборди. Гобиндо Маникко ўша заҳоти от бошини буриб, шу уйга кирди. Ёш йигит, уй эгаси бўлса керак, озғингина болани аллалаб, хонанинг ўёғидан-буёғига юарди. Бола титраб, шикоятомуз йиғларди. Қаландарона кийинган Гобиндо Маниккони кўриб уй эгаси шошилиб қолди.

— Бунинг ҳаққига бир дуо қилинг, тақсир,— илтимос қилди ота.

Гобиндо Маникко устидаги ёпингчини ечиб, унга болани ўради. У бошгинасини аранг кўтариб меҳмонга қаради. Унинг озиб-тўзган юзида атрофи кўкарган кўзларигина кўринарди. Бола оқарган юпқа лабларини сўзсиз қимиirlатди-да, шу заҳотиёқ боши отасининг елкасига тушди. Ота ўғилчасини ерга ётқизиб, рожага таъзим қилди, унинг оёқларидан чанг-ғубор олиб, боласининг бошига сепди.

— Отанинг номи нима? — сўради Гобиндо Маникко болани қўлга олиб.

— Менинг отим Жадоб. Худойим бирин-кетин менинг ҳамма болаларимни тортиб олди, биргина шу қолди,— жавоб берди ота оғир хўрсиниб.

<sup>1</sup> Крош — узунлик ўлчови, тахминан тўрт километрга тўғри келади.

— Гап бундай; бугун мен сенинг меҳмонинг бўламан: лекин овора бўлиб юрма, ҳеч нарса емайман, шу ерда тунийман, холос.

Рожа фақирона уйда қолди, ёронлари эса бадавлат каястхага<sup>1</sup> хонадонига тушишди. Қош қорайди. Қишлоқ орқасидаги кичкина кўлдан туман кўтарилиди. Одамлар оғилхоналардан чириган сомон чиқарип, қуруқ баргларга қўшиб ёқишиди. Оғир тутун ерга тўш уриб, ботқоқликка ёйилди. Тиканли буталардан қилинган чаворқасида чирилдоқ ҳашаротларнинг нопором қўшиғи бошланди. Ҳаво тўхтаб — қотиб қолгандай, бирор япроқ қилт этмасди. Кўлчанинг нарёғидаги бамбуқзорда қуш сайдари. Гобиндо Маникко нимқоронгида бемор боланинг этсиз юзига бир оз қараб турди-да, сўнгра эҳтиёт билан боланинг устини ёпди, ёнида ўтириб, унга ёртак айта бошлади. Оқшом тугаб, тун кириб келди. Қаердадир узоқда қашқирлар улишга киришди. Бола ёртакни эшишиб мудраб, охири ухлаб қолди. Рожа ён хонада ётди. Уйқуси қочиб, нуқул Дхрубони эслаб чиқди. «Мен уни йўқотдим,— ўзича ўйларди рожа,— энди ҳар бир гўдакда ўз дилбандимни кўраман».

Бирдан Гобиндо Маникко боланинг овозини эшиди:

- Дада, у ерда нимани чалишяпти?
- Сурнай чалишяпти, ўғлим, сурнай.
- Нима учун?
- Чунки эртага Дурга байрами, ўғлим!
- Байрам? Сиз менга бирор нарса олиб берасизми?
- Нима олиб берай?
- Менга катта, чиройли рўмол олиб беринг.
- Мен уни қаердан оламан, ўғлим? Ахир менда ҳеч вақо йўқ-ку.

— Ҳеч нарса йўқми, дада?

— Ҳеч нарса йўқ, фақат сен борсан, ўғлим:

Жадоб ғамгин хўрсинди. Бола бошқа нарса сўрамади. Отасини ачомлаб ухлаб қолган бўлса керак.

Тонг отишини кутмай, уй эгаси билан хайрлашмай; Гобиндо Маникко отга миниб, Раму шаҳри томон чоптириб кетди. У бирор нарса емай-ичмай; дам олмай, йўл юриб, йўлда учраган дарёга от солиб ўтиб кетди.

У шаҳарга етиб боргунча офтоб баланд кўтарилиб,

<sup>1</sup> Ка я ст ж а — брахманларга яқин мирзалар кастаси.

кун қизиб қолди. Рожа Рамуда ҳаялламай, кечга яқин яна Жадобининг ҳовлисига кириб келди. Гобиндо Маникко уй эгасини бир четга чақириб, елкасига осиб олган халтадан қизил рўмол олиб узатди:

— Ма, буни ол, ўғлингга совға қиласан. Ахир бу гун байрам-ку.

Жадоб Гобиндо Маникконинг оёқларига йиқилди.

— Тақсир,— деди у йиғи аралаш,— буни сиз олиб келибсиз, ўзингиз тақдим қилинг.

— Йўқ, йўқ, буни сен қилишинг керак. Агар мен совға қилсам бола унчалик қувонмайди. Аммо мени эслатма. Мен болангнинг шодлигини кўрибоқ кетаман.

Боланинг оқариб кетган юзида қувонч нурини кўриб, Гобиндо Маникко чиқиб кетди.

«Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди,— диққат бўлиб ўзича гапириди рожа.— Мен бир неча йил подшолик қилиб, ҳеч нарса ўрганмадим. Ҳатто бемор гўдакнинг дардини давололмайди. Қўлимдан келгани бефойда хуноб бўлиш, холос. Агар жаноб Биллон бўлганда, албатта, ёрдам қиласарди: Афсуски, мен Биллон эмасман».

Гобиндо Маникко элма-эл кезиб юришни йиғиштириб, одамлар орасида яшаш, бирор фойдали иш қилишга аҳд этди.

Аракан рожасининг рухсати билан Гобиндо Маникко Рамудан жануброқдаги подшоҳ авлодига мансуб бирмаликлар қалъасига жойлашди.

Гобиндо Маникко қалъада бошланғич мақтаб очди. Унга бутун қишлоқдан болалар тўпланди. Рожа уларни ўқитар, улар билан ўйнар, гоҳ бир шогирди, гоҳ иккинчи шогирдининг уйида яшаб, беморларни парвариш қиласарди. Матъумки, болалар ўз табиатлари билан жаннати ҳам эмас, самовий мавжудотга ҳам кирмайди. Уларда эзгулик — беодобликка, поклик жиркантирувчи иллатларга қотишиб кетади. Болаларда худбинлик, ҳасад, ёмонлик, очкўзлик, беражмлик бор басти билан намоён бўлади, бундан ташқари, улар уйларида ота-оналаридан ҳам фақат яхшиликни ўрганмайдилар да. Рожанинг ҳар бир шогирди ичига қайсар дев, ўжар ажина кириб олганди, мана энди шу ажинаю дев баччалар бир жойга тўпланиб, қалъада ҳақиқий жинлар базмини қуришди. Гобиндо Маникко бу бенаволарни зўр чидам билан тарбиялаб борарди.

Одамнинг нечоғлиқ бебаҳолигини, уни тарбиялаб камолга етказиш жонбозлик талаб қилишини ҳаргиз унутмасди. У ўз атрофида хайрли-савоб ишлари билан ўз мавжудиятини оқлаган одамлар бўлишини истарди, шу тояниг рўёбга чиқиши учун бор кучи билан кўмаклашиб, баҳтсиз ҳаётидаги насиб бўлмаган савобга дохил бўлиш орзусида яшарди. Шу ниятини рўёбга чиқариш учун у ҳар қандай мушкулотга бардош бериб, ҳар қандай синовдан ўтишга тайёр эди. Баъзан рожа гумонсираб қоларди: «Ёлғиз ўзим деярли ҳеч нарса қилолмайман. Қани энди Биллон ёнимда бўлса!»

Шундан бошлаб Гобиндо Маникко ўз ҳаётини ўнлаб кичик Дхруболарга бағишлади.

## ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ

(Стюартнинг «Бенгалия тарихи» асосида  
тасниф этилган<sup>1)</sup>)

Шоҳ Шужа Оллоҳобод яқинидаги жангда мағлубиятга учраб, укаси Аврангзеб қўшинининг таъқибидан аранг қочиб қутулди. Душман қўшини уникидан кўп даражада ортиқ, вазият хатарли эди. Шужа энди ўз тарафдорларига ишонмай қўйди. Хору зор бўлиб, қўрқанидан либосларини ўзгартириб, ўзи ёлғиз қочиб кетди. Шужа қаёққа бормасин ҳамма жойда қулогига от туёгининг дупур-дупури эшитилиб, қўзига таъқиб этиб келаётган отлиқ қўшинининг чанг-тўзони кўринарди. Ниҳоят Шужа Патнага етиб келди. Бу ерда у яна шоҳона либос кийиб, қайтиб келгани ҳақида оиласи ва фуқароларини огоҳлантириди. Бироқ у билан изма-из Патнага Аврангзебнинг ўғли шаҳзода Муҳаммад ўз қўшини билан етиб келди. Шу тариқа Шужа Мунгерга қараб қочди.

Ҳар томондан ихтиёрига аскарлар кела бошлади. Шужа янги қўшин тузишга муваффақ бўлди. Этагидан дарё оқиб турган тоғда девор қурди. Териягари ва

<sup>1)</sup> Стюарт, Дональд Мартин (1824—1900)— инглиз фельдмаршали. Улуг ҳинд миллый исёнини (1857—1859 йиллар) бостиришда қатнашган, ҳинд қўшинига қўмондонлик қилган, кеинича Ҳиндистон ишлари бўйича Давлат Шўросининг аъзоси бўлиб турган.

Шиклигали қалъаларини тузатиб тартибга солиб, ўз қўшини билан шу ерда қарор топди.

Аврангзеб ёш Мұҳаммадга донишманд лашкарбoshi Мир Жумлани ёрдамга юборди. Шаҳзода Мұҳаммад душман рўпарасида, Мунгер қалъаси яқинида саф тортиб турди. Мир Жумла эса яширинча бошқа йўлдан борди.

Шужа билан шаҳзода Мұҳаммад аскарлари орасида кичик тўқнашувлар бўлиб турган пайтда, Мир Жумла қўмондонлигидаги қўшин Васантапурни босиб олди, деган нохуш хабар келди, Шужа ўз қўшини билан ваҳимага тушиб Мунгердан чиқиб, оиласи яшаб турган Ражмохол томон йўл олди. Подшоҳ қўшини уни изма-из таъкиб этиб борарди. Шужа олти кун шиддатли жанг қилиб душманни тўхтатиб турди, аммо бу тазийиққа бардош беролмаслигига ишонгандан сўнг, оиласи, қимматбаҳо нарсаларини олиб, момақалдироқли кечада дарёдан ўтиб, Тондуга қараб қочди. У ерга борган ҳамон қалъа иншотини таъмир этишга киришди.

Шу даврда жалалар бошлангунча шаҳзода Мұҳаммад Шужанинг қизига фотиҳа қилинган эди, бироқ уруш бошланиб, ҳар икки томон фотиҳани унутдилар.

Ёмғирлар туфайли уруш ҳаракати тўхталиб, Мир Жумла қўшини Ражмохол ёнида тутилиб қолгач, Шужанинг бир аскари яширинча шаҳзода Мұҳаммад ҳузурига кириб, унга мактуб топширди. Мұҳаммад уни очиб қараса, мактуб ўз қаллиғидан экан. Қиз бундай деб ёзибди: «Шаҳзода, наҳотки тақдир менга нисбатан шунчалар шафқатсиз бўлса? Наҳотки мен эрим деб бино қўйган, юрагимни, муҳаббатимни бағишилаган йигитнинг отамга қарши қонли қилич кўтариб келишининг шоҳиди бўлсан? Бу бизнинг тўйимизми, шаҳзода? Бу қадар дабдабали тайёрлик шунга эмасми? Пойтахтимиз Ражмохолнинг қонга бўялиши, Дехлидан сиз олиб келган кишанлар тўёнадир балки? Еки бу муҳаббатимиз риштасими, шаҳзода?»

Кутимаган қаттиқ зилзиладан қоялар чилпарчин бўлгандай, Мұҳаммаднинг юраги ҳам пора-пора бўлди. Йигитнинг ороми кетди. Унга подшоҳнинг илтифоти, тахти не ҳожат?! Шаҳзода бунинг оқибати нима бўли-

шини ўйлаб ҳам кўрмади — ҳамма аидишалар биринчи муҳаббат оловида куйиб кул бўлди. Шаҳзода илгари ҳам бир неча бор отаси Аврангзебнинг маккорлик, шафқатсизлигини юзига солиб, унинг ғазабини кўзғаган эди.

Мана ҳозир ҳам шаҳзода Муҳаммад ўз ҳарбий бошлиқларини чақириб, уларнинг олдида подшоҳнинг маккорлиги, бебошлиги туфайли юрагида қайнаб турган ғазабини тўкиб-солди.

— Мен Тондуга бориб, амаким томонга ўтиб оламан. Кимки менга содик бўлса, мен билан борсин.

Ҳарбий бошлиқлар бош эгиб таъзим қилишди.

— Ҳукмдоримиз илтифот қилиб ҳақиқатни айтдилар. Эртага садоқатимизнинг шоҳиди бўладилар.— Қўшиининг ярми Тондуда бўлади.

Ўша куни шаҳзода Муҳаммад дарёдан кечиб ўтиб, Шужа қароргоҳига келди.

Тондуда тўй-тантана бошланди. Уруш ҳамманинг эсидан чиқди, гўё уруш бўлмагандай. Ҳозиргача Шужа хонадонида фақат эркаклар банд эди. Энди хотинлар ҳам югур-югур билан оёқдан қолишли. Шужа зўр меҳрибонлик, катта шодлик билан кутиб олди Муҳаммадни. Узоқ жанг жадаллардан сўнг қариндошлик риштаси яна мустаҳкамлангандай туюлди. Тўйни зўр давдаба билан ўтказиши, бироқ мусиқа садолари тинмай, подшоҳ қўшини босиб келаётгани маълум бўлди.

Муҳаммад Шужа қароргоҳига жўнаши билан аскарлари Мир Жумлага хабар қилишди. Улардан бирорта-си шаҳзоданинг кетидан бормади. Аскарлар, Муҳаммад кўра-била туриб ўзи жар ёқасига боряпти, ҳозир унинг кетида бориш — қип-қизил аҳмоқлик, деб қўйниши.

Аммо Шужа билан Муҳаммад, уруш вақтида подшоҳ қўшинининг бир қисми шаҳзода томонга ўтади, деб ишонардилар. Шу умид билан шаҳзода жанг майдонига кириб ўз байроғини тикди. Подшоҳ қўшинининг катта бир дастаси — отряди унга қараб юриш бошлади. Муҳаммад қувониб кетди. Аммо яқинлашиб келгач, подшоҳ қўшини Муҳаммад аскарларига қараб тўп ота бошлади. Шаҳзода ўз хатосини билди, бироқ кечиккан эди; унинг аскарлари тумтарақай бўлиб қоча бошлади. Жангда Шужанинг катта ўгли ҳалок бўлди.

Бахтсиз Шужа шу кечаси куёви ва бутун оиласи

билин тез рафтор қайиқда Даққага қочди. Мир Жумла қочоқларни таъқиб этмай, янги забт этилган ўлкада тартиб ўрнатишга кириши.

Муҳаммаднинг ҳурмат ва бойликни писанд қилмай, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, энг оғир кунда, дўстлари бирин-кетин юз ўгириб турганда, ҳузурига келиши Шужага жуда зўр таъсир қилди. Шужа бу йигитни жону дили билан севиб қолди. Бироқ Даққада Аврангзебнинг чопарини қўлга тушириши, унинг ёнидан тошлиганинг хатни Шужага топшириши. Аврангзеб шаҳзодага бундай деб ёзганди:

«Фарзанди аржумандим Муҳаммад, сен ўз бурчинга лоқайд қараб, отангга қарши бош кўтариб, ўз шаънингга доғ туширдинг. Аёл табассумига мафтун бўлиб, ўз йўлингдан четга чиқдинг. Келгусида бутун Ҳиндистонни идора қилиши лозим бўлган шаҳзода ҳозир бир хотиннинг қули. Майли, нима бўлгандан ҳам, биз ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, оллоҳни ўртага солиб, қасамёд этган Муҳаммадни афв этдик. Аммо, Муҳаммад, қандай топшириқ билан юборилган бўлса, шуни охирига етказгандагина бизнинг илтифотимизга ноил бўла олади».

Шужа лол бўлиб қолди. Муҳаммад, ҳеч қандай пушаймонликдан хабарим йўқ, бу отамнинг макри, деб уни ишонтиришга хўп уринди. Аммо Шужанинг шубҳаси тарқалмади. У уч кун тафаккурга бориб, тўртинчи куни Муҳаммадни чақиртирди:

— Орамиздаги ишонч занжири заифлашди, ўглим. Сендан илтимос қиласман, хотинингни олиб бу ердан кет, йўқса, менинг кўнглим тинчимайди. Сен учун хазинамнинг эшиклари очиқ, қайнатаңдан тортиқ тарисида хоҳлаганингча дуру жавоҳир олишинг мумкин.

Муҳаммад кўз ёшларини артиб хайрлашди. Хотини ҳам у билан бирга кетди.

«Мен бошқа жанг қилмайман,— деди Шужа ўз-ўзига.— Читтагонгга етиб олсан бўлди, у ерда кемага тушиб, Маккага бораман».

Шужа ҳеч кимга билинтиrmай Даққадан чиқиб кетди.

## ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ БОБ

Ёмғирли бир кунда, пешиндан кейин, Гобиндо Маникко яшаб турган қалъага олиб борадиган йўлда бир дарвиш, учта бола ва бир кекса ҳаммол кўриниб қолди. Қаттиқ шамол эсиб, сел шиддат билан савалаб турарди. Болалар тамом ҳолдан тойган кўринардилар. Уларнинг ўн тўрт ёшларга бориб қолган энг кичиги совуқдан қалтираб, ҳорғин овозда:

— Дада, мен бошқа юролмайман,— деди-да, баттарроқ қалтираб кетди.

Дарвиш оғир хўрсиниб, уни бағрига босди. Шунда болаларнинг энг каттаси кичигини койиб кетди:

— Йўлда йиғлашдан не фойда? Бекорга дадамни хафа қиласан, холос.

Болагина йиғисини аранг тўхтатди.

— Қаерга кетяпмиз ўзи, дада? — сўради дарвишдан ўртанча ўғли.

— Ҳу анави қалъага, минорани кўряпсанми?

— У ерда ким бор?

— Менга айтишларича, у ерда дарвишга айланган бир рожа яшайди.

— Рожа нега дарвиш бўлиб қолибди?

— Билмайман, ўғлим. Эҳтимол укаси зўравонлик билан тожу тахтини тортиб олиб, ўзини подшоҳлик че-гарасидан ҳайдаб юборгандир. Эҳтимол дарвиш жандасидан бошқа ёпингичи бўлмай, укаси таъқибидан паноҳ топиш учун шу қоронғи лаҳаддан ўзга бошпанаси йўқdir.

Дарвиш лабларини маҳкам қисиб, ҳаяжонини босди.

— Дада, бу дарвиш қайси мамлакатнинг подшоси экан? — сўради катта ўғли.

— Билмайман, ўғлим.

— Агар у сизга жой бермаса-чи?

— Унда дарахт остида тунашга тўғри келади. Бошқа қаерга ҳам борарадик?

Кечга яқин улар қалъага келишди. Дарвиш билан Гобиндо Маникко учрашиб, бир-бирларига ҳайрат билан қараб қолишиди. Нотаниш ҳақиқий дарвишга ўхшамасди, унинг юзида дунёнинг ҳою ҳавасларидан воз кечган, арзимас алам-ситамларга лоқайд қараб, руҳан ягона, улуғ мақсад сари итилғанларга хос ички нур кўринмасди. Дарвиш ҳамиша сергакланиб турар, аф-

тидан нимадандир хавфсирарди. Қандайдир қондирилмаган ҳирс кўзларида чақнаб, телба адоват қимтилган лаблар, бир-бирига босилган тишлар орасидан отилиб чиқишига йўл тополмай, орқага, юракнинг қорағорига ўрмалаб кириб, у ерда чаёндек ўз-ўзига заҳар соларди. Дарвиш билан бирга келган нозик-ниҳол болалар ҳориб-толган, мажолдан кетган кўринардилар. Улар ўзларини вазмин, шу билан бирга кибру ҳаволи тутардилар. Уларни болалигидан бошлиб эъзоз-икром чўққисига чиқариб, авайлаб ўстирганлари, ҳозир биринчи бор ерга тушганлари шундай сезилиб турарди. Илгари улар йўловчилар оёғи чанг бўлишини эшишиб билган бўлсалар, эндиликда ўзлари дарбадар бўлиб, ҳар қадамда ифлослик ва қашшоқликка дуч келмоқдалар. Уларнинг бутун оламга нафрат билан қарашлари таажжуб эмас: чунки ерда юриш палосда юришга сираям ўхшамайди. Ер эса нима учундир улардан ранжиб, улкан гиламини йигишириб қўйибди. Улар ўз бахтсизликлари учун ҳаммани баравар айблар эдилар. Яқинроқ келиб садақа сўрашга ботинган бенавони улар сурбет деб ўйлашарди. Оч гадога, унинг афтига қарамай, яқин келмасин деб, суллоҳ итга суюк ташлагандек ҳовучлаб танга ташлардилар. Муҳтоҷлик жулдиргага ўраб, аянч аҳволга солиб қўйган кўпчилик уларнинг назарида тарбиясизлик, дағаллик намойиши эди. Албатта, улар ҳаммадан кўпроқ ерни айблашар эди, чунки ҳозир ерда улар учун на бахт, на ҳурмат бор.

Шундай қилиб, Гобиндо Маникко бу нотаниш кимсанинг умуман дарвиш эмаслигини дарҳол пайқади. У эл осудалигини кўзлаб ўз ҳоҳишиларидан кечгани йўқ, аксинча, бошига бахтсизлик тушиб, ўз истаклари рӯёбга чиқмагани сабабли ҳаммадан нафрлатланиб, ҳаммага зарда қилиб юрибди. У, мен нимани ҳоҳласам одамлар шуни қилиши керак, деб ишонади. Мабодо унинг ўзидан бирор нарса талаб қилинса-чи, эҳтимол буни қиласар, борди-ю қилмаса — унда ҳам ўпкалашга ўрин йўқ. Бироқ ҳаммаси у кутганинг акси бўлиб чиқди, натижада у дарғазаб бўлиб, ҳаммани лаънатлаб, тарки ватан этди.

Гобиндо Маниккони кўриб дарвиш ҳам ҳайратда қолгани ўқувчига аён. У бу ерда баднафс, турган-битгани гўшт, қорни катта, саллали бир одамни ёхуд факирона кийинган, ирkit, аммо мағрур дарвишни — хул-

ласи мунофиқликнинг мужассам тимсоли, кул тепасида кул ёпиниб ётган гўлажни кўрсам керак деб фараз этганди. Аммо Гобиндо Маникко бутунлай бошқача одам бўлиб чиқди. У ҳамма нарсадан воз кечган, шунга қарамай, ҳамма нарсага молик одамдай таассурот қолдирди. У ўзини ихтиёрий равишда оламга бахш этгани учун оламни забт этди. У рожа, чунки беҳуда тараддуд, дабдаба, ҳашамлардан воз кечди, у дарвиш, чунки оламга, одамларга, ҳаётга яқин, бинобарин, унга дарвиш ёхуд рожага ўхшали учун машқ қилишнинг ҳожати йўқ,

Гобиндо Маникко меҳмонларни жуда меҳрибонлик билан кутиб олди. Аммо меҳмонлар унинг меҳрибонлигига такаббурлик билан, табиий бир ҳолдай қарашди. Гўё бунинг ғамхўрлигига уларнинг комил ҳуқуқлари бордай, улар ҳатто рожадан ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиб беришни талаб қилишди.

— Афтидан, сен жуда чарчаганга ўхшайсан,— Гобиндо Маникко мулоиймлик билан болаларнинг катасига мурожаат қилди. Аммо у жавоб ўрнига тушуниб бўлмайдиган қилиб бир нима деди-ю, яна ҳам отасига яқинроқ бориб турди. Рожа кулимсиради.

— Сизлар бундай саёҳатга кўникмагансиз. Бизникида бир оз туринглар, мен сизларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, хушвақт бўлишларингиз учун ҳаммаchorани кўраман.

Рожага қандай жавоб беришни ва ўзларини қандай тутишни билмай, гўё бу одам уларга ифлос қўлини теккизиб қўйишидан қўрққандай, болалар яна ҳам оталарига яқинроқ бориб, унинг пинжига киришди.

— Хайр, майли, сизнинг қалъангизда бир оз турганимиз бўлсин,— деди дарвиш улуғ илтифот қилган оҳангда, ичиде эса: «Менинг кимлигимни билганингда — қувониб эсинг кетарди»,— деб ўйлади.

Рожа қанча уринмасин болаларни жазб этолмади, афтидан, дарвиш ҳам буни истамасди.

— Эшлишимча, сиз бир вақтлар рожа экансиз, қайси мамлакатда?— сўради дарвиш.

— Трипурда.

Болалар Трипур ҳақида ҳеч нарса билишмасди, шунинг учун Гобиндо Маниккони қандайдир бир овлоқдаги хон деб ўйлашди, аммо дарвиш бесаранжомланиб қолди.

— Қандай қилиб таҳтдан маҳрум бўлдингиз?

Гобиндо Маникко дарҳол жавоб бермади.

— Мени мамлакатдан Бенгалия ноиби Шоҳ Шуҷа чиқариб юборди.

Нокх хотро Райнинг номи ҳатто эслатилмаганди. Бу ўринда болалар сесканиб, оталарига қараб қўйиншиди. У салча оқариб кетди.

— Балки бу укангизнинг ишидир? — тўсатдан сўраб қолди дарвиш. — Сизни ҳайдаб юборган, дарвиш бўлишга мажбур этган ўшадир?

— Сиз бунча маълуметни қаердан олдингиз, соҳиб? — таажжубланди Гобиндо Маникко, аммо ўйлаб кўриб, таажжубга ўрин йўқ, бирор унга айтгандир-да, деб қўя қолди.

— Мен ҳеч нарса билмайман, — шошилиб гапирди дарвиш. — Бу шунчаки менинг гумоним, холос.

Қоронги тушиши билан ҳамма ухлагани кетди. Бу кеча дарвиш кўз юммай чиқди. Қўрқинчли тушлар унга ором бермади ва ҳар бир товушдан сапчиб тушаверди.

Эртасига дарвиш рожага бундай деди:

— Баъзи жуда муҳим сабабларга кўра биз қалъада узоқ туриб қолсанмаймиз. Бугун жўнашимиз керак.

— Болалар йўлда чарчашган, қўйинѓ, бир оз дам сличсин.

Болалар ранжишди. Энг каттаси отасига қараб жавоб берди:

— Биз бола эмасми, ҳар қандай қийинчиликка бардош берамиз.

Кибру ҳаводан улар рожанинг меҳрибонлигини ҳам рад этишди. Гобиндо Маникко баҳслашиб ўтирма-ди.

Дарвиш йўлга тушадиган пайтда қалъада яна бир меҳмон пайдо бўлди. Рожа ҳам, дарвиш ҳам уни кўриб ҳайратда қолишибди. Дарвиш досдираб, ўзини қандай тутишни билмай қолди. Рожа меҳмонга таъзим этди. Бу етти ухлаб тушга кирмаган Рогхупотининг ёзи эди. Шунда брахман рожанинг таъзимига жавобан:

— Омад ҳамроҳингиз бўлсин! — деди.

— Сиз Нокх хотронинг олдидан келдингизми, тақсир? — бир оз бесаранжом бўлиб сўради Гобиндо Маникко. — Бирор ҳодиса рўй бердими?

— Ноккхотро сиҳат-саломат, унинг учун ташвиш қилмаса ҳам бўлади.

Қўлини тепага кўтариб, Рогхупоти давом этди:

— Сизнинг ҳузурингизга мени Жай Сингҳ юборди... У оламдан ўтди... Мен унинг хоҳишини бажо келтиришим лозим, йўқса, менда ором бўлмайди. Мен сиз билан қолиб, ҳамма ишларингизда кўмакчи бўламан.

Гобиндо Маникко Рогхупотининг руҳий ҳолатини дарҳол пайқамади, дастлаб унга брахман ақлдан озгандай туюлди.

— Мен ҳаммасини кўрдим, ҳаммасини тушундим,— яна гапга киришди Рогхупоти.— Нафрат ҳам, ҳокимият ҳам бахт келтирмайди. Ягона ҳақ йўл — сиз танлаган йўл. Мен сиздан қасос олдим, сизни кўролмадим, қонингизга ташна бўлиб юрдим, энди эса ўзими тамом сизга топшираман.

— Йўқ, тақсир, бу фикрингиз тўғри эмас, сиз мени ўраб олган, соядек кетимга тушган душманларимдан халос этиб жуда катта иш қилдингиз.

Рогхупоти Гобиндо Маникконинг сўзларини тузук-қуруқ эшитмади.

— Умр бўйи мен одамлар қонини тўкиб, хизматини қилган урғочи иблис менинг ҳам юрак қонимни сўриб бўлди. Мен у қонхўр, ҳиссиз, анқовни ҳайдаб юбордим. Махарожа подшоҳлигидағи ибодатхонада энди у йўқ... У саройга бориб тахтга чиқиб олди.

— Агар у ибодатхонадан ҳайдалган бўлса, вақти келиб, одамлар қалбидан ҳам ҳайдалиши мумкин.

— Йўқ, махарожа,— бирдан орқа томондан таниш овоз эштилди,— инсон қалбининг ўзи ҳақиқий ибодатхона. Ана шу жойда қилич чархланади, ана шу жойда минглаб одамлар қурбон этилади, тош бутхонадагиси эса юракда рўй берганларнинг аянч намойиши, холос.

Рожа ўгирилиб, мулойимгина кулиб турган Биллоини кўрди.

— Бугун мен учун қандай шодон кун...— ҳаяжондан овози қалтираб гапирди Гобиндо Маникко ва брахманга таъзим этди.

— Махарожа ўз-ўзидан ғолиб келиб, ўзгаларни ҳам ўзига жазб этди, шунинг учун бугун унинг олдига дўсту душманлари тўпланган.

Шу пайт дарвиш олдинга чиқди.

— Махарожа, мен сизнинг душманингиз эдим, аммо энди мен ҳам сизнинг олдингизда бош эгаман. Мана бу брахман мени билади,— дарвиш Рогхупотини кўрсатди.— Мен Бенгалия ҳокими Шужа бўламан. Бе-ёзиқдан-бейзиқ сизни ҳайдаган менман. Мана энди шу гуноҳимнинг жазосини тортиб юрибман. Укамининг нафрати мени изма-из таъқиб этиб юрибди, ўз давлатимда менга бош суккудай жой йўқ. Мен ортиқ яшириниб юролмайман. Энди ўзимни сизнинг ҳукмингизга топшириб, шундагина эркин нафас олишим мумкин.

Рожа ва ноиб қучоқлашиб кўришдилар.

— Мен қандай баҳтлиман...— дея олди холос Гобиндо Маникко.

— Махарожа, сиз билан душманлик қилишнинг ўзи бир саодат,— деди Рогхупоти.— Мен сиздан қутулишга ҳаракат қилдим, аммо охир-оқибат ўзим сизни қидириб келдим. Агар душманлик қилмасак мен сизни бунчалик билмасдим.

— Агар сиртмоқдан чиқишга уринсанг, у бўйнингни баттар қисади,— кулимсиради Биллон.

— Мен ғам-андуҳлардан қутулдим,— деди Рогхупоти,— осудаликка эришдим.

— Осудалик ва баҳт бизнинг ўзимизда,— жавоб берди Биллон,— бироқ биз буни пайқамаймиз. Парвардигор сопол тувакни обиҳаёт билан тўлдирганига ҳеч ким ишонмайди. Кўпинча биз бу обиҳаёт лаззатини тувак сингандан кейин биламиз-да, сўнгра: «Шундишда шундай нарса бўлса-я!»— деб ҳайратда қоламиз.

Шу пайт шовқин ва кулги әшитилди — саройга болалар ва ўсмирлар кириб келишди.

— Мана, томоша қилинг, тақсир! Менинг Дхруболарим,— Биллонга мурожаат қилди рожа шогирдларини кўрсатиб.

— Бунча болаларни тўплашингизга сабаб бўлган Дхрубо ҳам сизни унугани йўқ. Ҳозир у ҳам шу ерда бўлади.

Биллон ташқарига чиқиб, тездан қўлида Дхрубо билан кириб келди.

— Дхрубо!— хитоб этди рожа брахмандан болани олаётуб ва уни бағрига босди. У жимгина бошини Гобиндо Маникконинг елкасига қўйди. Унинг кўнгли билан тўлганди — ахир у рожани озмунча куталам.

дими! Бола уялинқираб, юзини Гобиндо Маникко кўк-рагига яширди.

— Ҳаммасининг оқибати хайрли бўлди-ю, аммо Ноккхотро мени акам деб атамади.

— Махарожа,— қизғин жавоб берди Шужа.— Бегоналар бир-бирларига биродарона муносабатда бўлиши мумкин, лекин уқадан буни кутиб бўлмайди!

Ўқ Шужанинг юрагини чуқур тешиб ўтганга ўхшайди.

## Х О Т И М А

Дарвиш билан пайдо бўлган уч ўсмири — Шужанинг эркакча кийиниб олган қизлари экан. Ноиб улар билан Читтагонгга етиб борди, нияти Маккага бориш эди, бироқ, қасдига олгандек селлар бошланиб, бирор кема бундай узоқ сафарга чиқмади. Шужа ночор қолиб, қалъага қайтиб келди, бу ерда билдики, подшоҳ қўшини ҳамон уни қидириб юрибди. Гобиндо Маникко Шужага от, аравалар бериб, катта ҳайъат билан уни ўз дўсти Аракан ҳукмдори ҳузурига юборди. Хайр-маъзур асноси ноиб рожага қимматбаҳо қилич тақдим қилди.

Гобиндо Маникко, Рогхупоти ва Биллон қишлоққа жон киритишиди: қалъа қишлоқнинг юраги бўлиб қолди.

Орадан олти йил ўтди. Ч хотро Маникко вафот этиб, Трипурдан Гобиндо Маниккога, қайтиб келиб тахтга чиқсангиз, деган илтимоснома билан чопар келди.

— Мен Трипурга қайтмайман,— деб жавоб берди Гобиндо Маникко.

— Сиз рози бўлишингиз керак,— эътиroz этди Биллон.— Бурчга нописандлик билан қарааш мумкин ёмас.

Рожа ўз мухлисларига қаради.

— Шунча вақтдан бери юракда асраган орзу-умидларим, шунча меҳнатим сингган ишларим чала қолиб кетаверадими?

— Сиз бошлаган ишни мен охирига етказаман,— деди Биллон.

— Сиз бўлмасангиз мен Трипурда ҳеч нарса қилолмайман.

— Йўқ, махарожа, энди менинг керагим йўқ, энди

ўз кучингизга таяниб иш тутсангиз бўлади. Мен вақт-вақти билан сиздан хабар олиб тураман.

Рожа Дхрубони олиб ўз подшоҳлигига қайтди. Дхрубо ўсиб-улғайди. У Биллоннинг таъсирида санс-крит ва шастрларни ўрганишга киришди. Рогхупоти яна коҳинлик лавозимини эгаллади. Энди у ибодатхонада тирик Жай Сингхнинг нафасини ҳис этгандай бўларди.

Араканнинг маккор ҳукмдори Шужани ўлдириб, унинг кичик қизига уйланди.

«Аракан ҳукмдорининг Шужага нисбатан шафқат-сизлиги Гобиндо Маниккони қаттиқ ранжитди. Унинг номини агадийлаштириш учун қимматбаҳо қиличини пулга айлантириб, Комилла шаҳрида ажойиб масжид қурди. Бу ҳозиргача сақланиб, Шужа масжиди номи билан машҳурдир.

Гобиндо Маникконинг ҳаракати билан Мехеркул обод этилди. У брахманларга катта мулклар ҳадя қилди, бу хусусдаги иноятномалари мис лавҳаларга битилган. Комилладан жануброқдаги Батиш қишлоғида маҳарожа Гобиндо Маникко сув омборлари қаздирди. Маҳарожа кўп эзгу ишларни бошлади, аммо уларни интиҳосига етказолмай, таассуф билан, милоднинг 1669 йилида дунёйи фонийдан дунёйи боқийга риҳлат қилди»<sup>1</sup>.

1887 йил

<sup>1</sup> Кейинги иккл абзац Бабу Кайлашчондро Сингхнинг «Три-пур тарихи» китобидан олинди (муаллиф изоҳи).

На узбекском языке  
Рабиндранат Тагор  
**РАДЖА-МУДРЕЦ**  
Исторический роман

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1979  
Перевод с издания Гослитиздат—Москва—1961 г.

Редактор Э. Миробидов  
Рассом К. Алиев  
Расмлар редактори Э. Валиев  
Техн. Редактор Г. Ахмаджонова  
Корректор М. Ортикова

ИБ № 456

Теришга берилди 25/IX-1978 й. Босишга рухсат этилди  
20/III-1979 й. Формати 84×108<sup>1/3</sup>. Йозоз № 1 Босма листи  
4,25. Шартли босма листи 7,14. Нашр листи 6,81. Тиражи  
30000. Баҳоси 75 т. Заказ 613. Шартнома № 80-75.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»  
нашириёти. Тошкент, 700129, Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси  
ишилари бўйича давлат комитети Тошкент «Матбуот»  
полиграфия ишлаб чиқарниш бирлашмасининг 1- босма-  
хонаси, Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 21.